الأوزبكية

# Ислом

Ислом ҳақида муборак Қуръон ва набавий суннатда келганидек, баён қилинган қисқача илмий асар


Муаллиф:

Устоз доктор

**Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Саҳим**

Islamhouse.com

# Ислом

Ислом ҳақида муборак Қуръон ва набавий суннатда келганидек, баён қилинган қисқача илмий асар.

Исломга қисқача таъриф берган бу муҳим китоб унинг асосларини, таълимларини ва гўзалликларини асл манбалардан - муборак Қуръон ва набавий суннатдан - олиб баён қилади. Бу китоб барча мусулмон ва ғайри динларга мўлжалланган бўлиб, уларнинг тиллари, яшаб ўтган замонлари ёки маконлари ва уларнинг қандай аҳволда бўлишликларидан қатъий назар, ислом динини уларга баён қилишга мўлжанланган.

Бу китоб Қуръони Карим ва набавий суннатдан бўлган далилларни ўз ичига олгандир.

شركاء التنفيذ:

دار الإسلام

جمعية الربوة

رواد الترجمة

المحتوى الإسلامي



Telephone: +966114454900
ceo@rabwah.sa
P.O.BOX: 29465
RIYADH: 11557
www.islamhouse.com

# 1- Ислом дини бу - Аллоҳнинг барча инсонларга юборган илоҳий, абадий рисолати бўлиб, раббоний рисолатларнинг энг охиргисидир!

Ислом дини бу - Аллоҳнинг барча инсонларга юборган рисолатидир. Аллоҳ таоло айтади:

وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَّةً لِلنَّاسِ بَشِيرًا وَنَذِيرًا وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٢٨﴾.

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом), Биз сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга — (мўминларга жаннат ҳақида) хушхабар элтгувчи, (кофирларни эса дўзах азобидан) огоҳлантиргувчи бўлган ҳолингизда, пайғамбар қилиб юбордик. Лекин кўпчилик инсонлар билмаслар» [Сабаъ: 28]. . «(Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом), айтинг:

قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا الَّذِي لَهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ ۖ لَا إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ يُحْيِي وَيُمِيتُ ۖ فَآمِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ النَّبِيِّ الْأُمِّيِّ الَّذِي يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَكَلِمَاتِهِ وَاتَّبِعُوهُ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿١٥٨﴾.

«Эй одамлар, албатта, мен сизларнинг барчангизга Аллоҳ (юборган) элчиман» [Аъроф: 158]. .

يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمُ الرَّسُولُ بِالْحَقِّ مِنْ رَبِّكُمْ فَآمِنُوا خَيْرًا لَكُمْ ۚ وَإِنْ تَكْفُرُوا فَإِنَّ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ ۚ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا ﴿١٧٠﴾.

«Эй одамлар, бу пайғамбар сизларга Роббингиздан ҳақ динни келтирди. Бас, иймон келтирингиз, ўзингиз учун яхши бўлур. Агар инкор қилсанглар (ўзингизга зарар қиласиз, холос). Зеро, осмонлару ердаги нарсаларнинг барчаси Аллоҳникидир. Аллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган Зотдир» [Нисо: 170]. Ислом

бу - абадий бўлган илоҳий рисола ва яна у раббоний рисолаларнинг охиргисидир. Аллоҳ таоло деди:

ما كانَ مُحَمَّدٌ أَبا أَحَدٍ مِن رِجالِكُم وَلٰكِن رَسولَ اللَّهِ وَخاتَمَ النَّبِيّينَ ۗ وَكانَ اللَّهُ بِكُلِّ شَيءٍ عَليمًا ﴿٤٠﴾.

«Муҳаммад (алайҳиссалом) сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг пайғамбари ва пайғамбарларнинг сўнггисидир. Аллоҳ барча нарсани билгувчи Зотдир» [Аҳзоб: 40].

## 2- Ислом бир жинсга ёки бир миллатгагина хос эмас, балки у Аллоҳнинг барча инсонларга юборган динидир.

Ислом бир жинсга ёки бир миллатгагина хос эмас, балки у Аллоҳнинг барча инсонларга юборган динидир ва буюк Қуръондаги биринчи буйруқ, у Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзидир:

يَٰٓأَيُّهَا النَّاسُ اعْبُدُوْا رَبَّكُمُ الَّذِيْ خَلَقَكُمْ وَالَّذِيْنَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُوْنَۙ ﴿٢١﴾.

«Эй инсонлар, сизларни ва сизлардан олдингиларни яратган Роббингизга ибодат қилинг. Шоядки, тақводор бўлсангиз» [Бақара: 21]. .

يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُم مِّن نَّفْسٍ وَاحِدَةٍ وَخَلَقَ مِنْهَا زَوْجَهَا وَبَثَّ مِنْهُمَا رِجَالًا كَثِيرًا وَنِسَاءً ۚ وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي تَسَاءَلُونَ بِهِ وَالْأَرْحَامَ ۚ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْكُمْ رَقِيبًا﴿١﴾

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтини (Ҳаввони) вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз.»

[Нисо: 1]. Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салам Макка фатҳи куни инсонларга хитоб қилиб шундай дедилар:

يا أَيُّهَا النّاسُ إِنّا خَلَقناكُم مِن ذَكَرٍ وَأُنثىٰ وَجَعَلناكُم شُعوبًا وَقَبائِلَ لِتَعارَفوا ۚ إِنَّ أَكرَمَكُم عِندَ اللَّهِ أَتقاكُم ۚ إِنَّ اللَّهَ عَليمٌ خَبيرٌ﴿١٣﴾.

«Эй инсонлар, Аллоҳ таоло жоҳилият манманликларини, хусусан, ўз отаси билан манманлик қилишни сизлардан кетказди. Инсонлар икки хил: хайр-саховатли, тақводори Аллоҳнинг наздида азиз, бузуқ ва уятсизи эса Аллоҳнинг наздида разилдир. Инсонлар Одам атонинг болалари, Аллоҳ эса Одам атони тупроқдан яратгандир. Аллоҳ таоло айтади: Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишинглар (дўст-биродар бўлишинглар) учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир. Албатта Аллоҳ билгувчи ва хабардор зотдир» [Хужурот: 13]. Термизий ривояти (3270). Аллоҳ таолонинг буюк Қуръонида ёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқларида – бир қавмни ёки бирор бир жинсни ёки бирор бир тоифани хослаб, шуларгагина тегишли деган буйруқларни топмайсиз.

# 3- Ислом дини бу - биздан олдинги пайғамбарлар (уларга Аллоҳнинг саловату саломлари бўлсин) ўз умматларига олиб келган

# рисолатларни такомиллаштириш учун келган илоҳий рисолатдир.

Ислом дини бу - биздан олдинги пайғамбарлар (уларга Аллоҳнинг саловату саломлари бўлсин) ўз умматларига олиб келган рисолатларни такомиллаштириш учун келган илоҳий рисолатдир. Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّا أَوحَينا إِلَيكَ كَما أَوحَينا إِلىٰ نوحٍ وَالنَّبِيّينَ مِن بَعدِهِ ۚ وَأَوحَينا إِلىٰ إِبراهيمَ وَإِسماعيلَ وَإِسحاقَ وَيَعقوبَ وَالأَسباطِ وَعيسىٰ وَأَيّوبَ وَيونُسَ وَهارونَ وَسُلَيمانَ ۚ وَآتَينا داوودَ زَبورًا﴿١٦٣﴾.

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом), албатта, Биз Нуҳга ва ундан кейинги пайғамбарларга ваҳий юборганимиз каби сизга ҳам ваҳий юбордик. Ва яна Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг уруғ-авлоди, Ийсо, Айюб, Юнус, Ҳорун ва Сулаймон пайғамбарларга ҳам ваҳий юборганмиз. Довудга эса Забурни ато этдик» [Нисо: 163]. Аллоҳ таоло пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳий қилган бу дин, у кишидан олдинги пайғамбарларга ҳам ваҳий қилган ва буюрган диндир. Аллоҳ таоло айтади:

شَرَعَ لَكُمْ مِنَ الدِّينِ مَا وَصَّىٰ بِهِ نُوحًا وَالَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ وَمَا وَصَّيْنَا بِهِ إِبْرَاهِيمَ وَمُوسَىٰ وَعِيسَىٰ ۖ أَنْ أَقِيمُوا الدِّينَ وَلَا تَتَفَرَّقُوا فِيهِ ۚ كَبُرَ عَلَى الْمُشْرِكِينَ مَا تَدْعُوهُمْ إِلَيْهِ ۚ اللَّهُ يَجْتَبِي إِلَيْهِ مَنْ يَشَاءُ وَيَهْدِي إِلَيْهِ مَنْ يُنِيبُ ﴿١٣﴾.

«У зот сизларга дин этиб Ўзи Нуҳга васият қилган ва сенга ваҳий қилган нарсамизни ҳамда Иброҳим, Мусо ва Ийсоларга васият қилган нарсамизни шариат қилди. «Динни барпо қилингиз ва унда тафриқага тушмангиз», деди. Мушрикларга сен уларни даъват қилган нарса оғир келди. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишисини (Пайғамбарликка) танлаб олур ва У Ўзигагина илтижо

этгувчи кишини ҳидоят қилур. (Эй одамлар, динни Аллоҳ таолодан қандай келган бўлса, шундай барпо қилингиз, унга ана шундай ҳолида амал қилингиз. Дин ҳақида турли тафриқага тушиб, ихтилоф қилмангиз)» [Шўро: 13]. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳий қилинган бу дин, у кишидан олдин туширилган  Таврот ва Инжил каби илоҳий китоблар ўзгартирилишидан олдинги ҳолатига иймон келтириш демакдир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَالَّذِيْٓ اَوْحَيْنَآ اِلَيْكَ مِنَ الْكِتٰبِ هُوَ الْحَقُّ مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ ۗ اِنَّ اللّٰهَ بِعِبَادِهٖ لَخَبِيْرٌۢ بَصِيْرٌ ﴿٣١﴾.

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом), Биз сизга ваҳий қилган Китоб — Қуръон ўзидан аввалги илоҳий китобларни тасдиқлагувчи бўлган Ҳақ (Китобдир). Албатта, Аллоҳ Ўз бандаларидан огоҳ ва (уларнинг барча ишларини) кўриб тургувчидир» [Фотир: 31].

# 4- Пайғамбарларнинг (уларга Аллоҳнинг саломи бўлсин) динлари бир, шариатлари эса турли хилдир.

Пайғамбарларнинг (уларга Аллоҳнинг саломи бўлсин) динлари бир, лекин шариатлари турли хилдир. Аллоҳ таоло айтади:

وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ الْكِتَابِ وَمُهَيْمِنًا عَلَيْهِ ۖ فَاحْكُمْ بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ ۖ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ عَمَّا جَاءَكَ مِنَ الْحَقِّ ۚ لِكُلٍّ جَعَلْنَا مِنْكُمْ شِرْعَةً وَمِنْهَاجًا ۚ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَجَعَلَكُمْ أُمَّةً وَاحِدَةً، وَلَٰكِنْ لِيَبْلُوَكُمْ فِي مَا آتَاكُمْ ۖ فَاسْتَبِقُوا الْخَيْرَاتِ ۚ إِلَى اللَّهِ مَرْجِعُكُمْ جَمِيعًا فَيُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ ﴿٤٨﴾.

«Ва Биз сизга (эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом), китобни ҳақ ила, ўзидан олдинги китобни тасдиқловчи ва унинг устидан назорат этгувчи қилиб нозил қилдик. Бас, улар орасида Аллоҳ нозил этган нарса ила ҳукм юрит. Ўзингга келган ҳақни қўйиб, уларнинг хоҳишларига эргашма. Сизлардан ҳар бирингизга алоҳида шариат ва йўл қилиб қўйдик. Агар Аллоҳ хоҳласа, ҳаммангизни бир уммат қилиб қўяр эди. Аммо У сизларни Ўзи ато этган нарсада синамоқ истайдир. Яхшиликка шошилингиз. Ҳаммангизнинг қайтар жойингиз Аллоҳ ҳузурида. Бас, ўшанда ихтилоф қилган нарсаларингиз ҳақида хабар берадир. » [Моида: 48]. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Мен одамлар ичида бу дунёда ҳам, охиратда ҳам Ийсо ибн Марямга энг ҳақлисиман, анбиёлар кундошлардан бўлган оға-инилар кабидир. Оналари турлича. Динлари эса бирдир». Бухорий (3443).

# 5- Ислом дини ҳам Нуҳ, Иброҳим, Мусо, Сулаймон, Довуд ва Ийсо алайҳимуссаломлар каби пайғамбарлар чақирган нарсага чақиради. Яъни, фақатгина Аллоҳнинг ўзи Робб, яратувчи, ризқ берувчи, жон ато этиб қайтадан қайтариб олгувчи мулк эгаси, ишларни бошқариб турувчи, меҳрибон ва раҳмли зот эканлигига иймон келтиришга даъват этади.

Ислом дини ҳам Нуҳ, Иброҳим, Мусо, Сулаймон, Довуд ва Ийсо алайҳимуссаломлар каби пайғамбарлар чақирган нарсага чақиради. Яъни фақатгина Аллоҳнинг ўзи Робб, яратувчи, ризқ берувчи, жон ато этиб қайтадан қайтариб олгувчи, мулк эгаси, ишларни бошқариб турувчи, меҳрибон ва раҳмли зот эканлигига иймон келтиришга даъват этади. Аллоҳ таоло айтади:

يَاَيُّهَا النَّاسُ اذْكُرُوْا نِعْمَتَ اللهِ عَلَيْكُمْ هَلْ مِنْ خَالِقٍ غَيْرُ اللهِ يَرْزُقُكُمْ مِّنَ السَّمَآءِ وَالْاَرْضِ لَآ اِلٰهَ اِلَّا هُوَ فَاَنّٰى تُؤْفَكُوْنَ ﴿35﴾.

«Эй инсонлар, сизларга Аллоҳ ато этган сон-саноқсиз неъматни эслангиз! Сизларга осмону заминдан ризқу рўз берадиган Аллоҳдан ўзга биророрта яратгувчи борми?! Ҳеч бир

илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзигина бордир. Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдасизлар?!» [Фотир: 3]. .

قُلْ مَنْ يَّرْزُقُكُمْ مِّنَ السَّمَآءِ وَالْاَرْضِ اَمَّنْ يَّمْلِكُ السَّمْعَ وَالْاَبْصَارَ وَمَنْ يُّخْرِجُ الْحَيَّ مِنَ الْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ الْمَيِّتَ مِنَ الْحَيِّ وَمَنْ يُّدَبِّرُ الْاَمْرَ فَسَيَقُوْلُوْنَ اللّٰهُ فَقُلْ اَفَلَا تَتَّقُوْنَ ﴿٣١﴾.

«Сиз: «Сизларни осмонлару ерда ким ризқлантирур? Ёки қулоқ ва кўзларингизнинг эгаси ким, тирикни ўликдан, ўликни тирикдан ким чиқарур? Ишнинг тадбирини ким қиладир?» деб айтинг. Улар, албатта: «Аллоҳ», дерлар. Бас, сиз: «Тақво қилмайсизларми?» деб айтинг.» [Юнус: 31]. .

اَمَّنْ يَّبْدَؤُا الْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيْدُهٗ وَمَنْ يَّرْزُقُكُمْ مِّنَ السَّمَآءِ وَالْاَرْضِ ءَاِلٰهٌ مَّعَ اللّٰهِ قُلْ هَاتُوْا بُرْهَانَكُمْ اِنْ كُنْتُمْ صٰدِقِيْنَ ﴿64﴾.

«Ёки бошлаб Ўзи яратиб, сўнгра (Охиратда) қайта яратадиган Зотми?! Ким сизларга осмон ва заминдан ризқу рўз берур? Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! (Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом, кофирларга) айтинг: «Агар ростгўй бўлсангизлар, ҳужжатларингизни келтирингиз!» [Намл: 64]. Ҳамма пайғамбарлар Алоҳнинг ўзигагина ибодат қилишликка даъват қилишлик учун юборилгандирлар. Аллоҳ таоло айтади:

وَلَقَدْ بَعَثْنَا فِيْ كُلِّ اُمَّةٍ رَّسُوْلًا اَنِ اعْبُدُوا اللّٰهَ وَاجْتَنِبُوا الطَّاغُوْتَ فَمِنْهُمْ مَّنْ هَدَى اللّٰهُ وَمِنْهُمْ مَّنْ حَقَّتْ عَلَيْهِ الضَّلٰلَةُ فَسِيْرُوْا فِى الْاَرْضِ فَانْظُرُوْا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُكَذِّبِيْنَ ﴿36﴾.

Батаҳқиқ, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинг ва тоғутдан четланинг», деб Пайғамбар юборганмиз. Бас, улардан баъзиларини Аллоҳ ҳидоят қилди. Баъзиларига эса, залолат ҳақ бўлди. Бас, ер юзида сайр қилиб ёлғонга чақирувчиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солинг. [Нахл: 36]. .

وَمَآ أَرْسَلْنَا مِن قَبْلِكَ مِن رَّسُولٍ إِلَّا نُوحِيٓ إِلَيْهِ أَنَّهُۥ لَآ إِلَٰهَ إِلَّآ أَنَا۠ فَٱعْبُدُونِ ﴿٢٥﴾.

«Сиздан илгари юборган ҳар бир Пайғамбарга: «Албатта, Мендан ўзга ибодатга сазовор илоҳ йўқ. Бас, Менга ибодат қилинг», деб ваҳий қилганмиз». [Анбиё: 25]. Аллоҳ таоло Нуҳ алаҳиссалом ўз қавмига шундай деганлари ҳақида хабар берди:

لَقَدْ اَرْسَلْنَا نُوْحًا اِلٰى قَوْمِهٖ فَقَالَ يٰقَوْمِ اعْبُدُوا اللّٰهَ مَا لَكُمْ مِّنْ اِلٰهٍ غَيْرُهٗۗ اِنِّيْٓ اَخَافُ عَلَيْكُمْ عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيْمٍ ﴿٥٩﴾.

«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглар! Сизлар учун Ундан ўзга бирон Илоҳ йўқдир. Албатта, мен сизларнинг буюк кун (Қиёмат Кунининг) азобига гирифтор бўлишингиздан қўрқаман» [Аъроф: 59]. Аллоҳнинг холили Иброҳим алаҳиссаломҳам Аллоҳ таоло хабар берганидай шундай дедилар: «Ва Иброҳимни (юбордик). Ўшанда у ўз қавмига:

وَاِبْرٰهِيْمَ اِذْ قَالَ لِقَوْمِهِ اعْبُدُوا اللّٰهَ وَاتَّقُوْهُ ۗ ذٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ اِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُوْنَ ﴿16﴾.

«Аллоҳга ибодат қилинглар ва Унга тақво қилинглар. Бундай қилишингиз, агар билсангиз, сиз учун яхшидир» [Анкабут: 16]. Ва яна Солиҳ алайҳиссалом шундай деганларини Аллоҳ таоло хабар беради:

وَاِلٰى ثَمُوْدَ اَخَاهُمْ صٰلِحًا ۘ قَالَ يٰقَوْمِ اعْبُدُوا اللّٰهَ مَا لَكُمْ مِّنْ اِلٰهٍ غَيْرُهٗ ۗ قَدْ جَاۤءَتْكُمْ بَيِّنَةٌ مِّنْ رَّبِّكُمْ ۗ هٰذِهٖ نَاقَةُ اللّٰهِ لَكُمْ اٰيَةً فَذَرُوْهَا تَأْكُلْ فِيْٓ اَرْضِ اللّٰهِ وَلَا تَمَسُّوْهَا بِسُوْۤءٍ فَيَأْخُذَكُمْ عَذَابٌ اَلِيْمٌ ﴿٧٣﴾.

«У (Солиҳ) айтди: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Сизларга Парвардигорингиз томонидан ҳужжат — мана бу Аллоҳ (юборган) туя сизлар учун оят — мўъжиза бўлиб келди. Бас, уни Аллоҳнинг ерида еб-ичиб юрган ҳолида қўйиб юборинглар ва унга бирон ёмонлик етказмангларки, у ҳолда сизларни аламли азоб ушлайди (азобга йўлиқасизлар)» [Аъроф: 73]. Яна Шуъайб алайҳиссалом ҳам айтадилар:

وَإِلَىٰ مَدۡيَنَ أَخَاهُمۡ شُعَيۡبٗاۚ قَالَ يَٰقَوۡمِ ٱعۡبُدُواْ ٱللَّهَ مَا لَكُم مِّنۡ إِلَٰهٍ غَيۡرُهُۥۖ قَدۡ جَآءَتۡكُم بَيِّنَةٞ مِّن رَّبِّكُمۡۖ فَأَوۡفُواْ ٱلۡكَيۡلَ وَٱلۡمِيزَانَ وَلَا تَبۡخَسُواْ ٱلنَّاسَ أَشۡيَآءَهُمۡ وَلَا تُفۡسِدُواْ فِي ٱلۡأَرۡضِ بَعۡدَ إِصۡلَٰحِهَاۚ ذَٰلِكُمۡ خَيۡرٞ لَّكُمۡ إِن كُنتُم مُّؤۡمِنِينَ ﴿٨٥﴾.

«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Сизларга Парвардигорингиз тарафидан ҳужжат (яъни, дин) келди. Бас, ўлчов ва тарозини комил қилиб (тортингиз) ва одамларнинг ҳақларидан уриб қолмангиз ҳамда Ер (юзи пайғамбарлар юбориш билан) ўнглаб қўйилганидан кейин, унда (кофирлик билан) бузғунчилик қилиб юрманглар. Агар мўмин бўлсангизлар, мана шу ўзларингиз учун яхшироқдир» [Аъроф: 85]. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссалом билан биринчи гаплашгандаёқ унга шундай деди:

وَأَنَا ٱخۡتَرۡتُكَ فَٱسۡتَمِعۡ لِمَا يُوحَىٰٓ ﴿١٣﴾ إِنَّنِيٓ أَنَا ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ إِلَّآ أَنَا۠ فَٱعۡبُدۡنِي وَأَقِمِ ٱلصَّلَوٰةَ لِذِكۡرِيٓ ﴿١٤﴾.

«Мен сени ихтиёр қилиб олдим. Ваҳий қилинадиган нарсага қулоқ тут Албатта, Мен, Ўзим, Аллоҳдирман. Мендан ўзга илоҳ йўқ. Бас, Менга ибодат қил ва мени зикр этиш учун намозни тўкис адо эт» [Тоҳа: 13-14]. Аллоҳ таоло Мусо алаҳиссаломнинг паноҳ сўраганлари ҳақида хабар беради. У киши[1] айтдилар:

وَقَالَ مُوسَىٰٓ إِنِّي عُذۡتُ بِرَبِّي وَرَبِّكُم مِّن كُلِّ مُتَكَبِّرٖ لَّا يُؤۡمِنُ بِيَوۡمِ ٱلۡحِسَابِ ﴿٢٧﴾.

«Мусо: «Албатта, мен Роббим ва Роббингиз бўлган зотдан ҳисоб кунига иймон келтирмайдиган ҳар бир мутакаббирдан паноҳ сўрайман», -деди. [Ғофир: 27]. Аллоҳ таоло, Ийсо алайҳиссалом шундай деганларини хабарини берди:

إِنَّ اللَّهَ رَبِّي وَرَبُّكُمْ فَاعْبُدُوهُ هَٰذَا صِرَاطٌ مُّسْتَقِيمٌ

«Албатта, Аллоҳ менинг Роббимдир ва сизнинг Роббингиздир. Бас, Унга ибодат қилинг. Мана шу тўғри йўлдир».

[Оли-Имрон: 51]. Ва Аллоҳ яна у киши ҳақида хабар беради, у киши айтди:

لَقَدْ كَفَرَ ٱلَّذِينَ قَالُوٓاْ إِنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلْمَسِيحُ ٱبْنُ مَرْيَمَ ۖ وَقَالَ ٱلْمَسِيحُ يَٰبَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ ٱعْبُدُواْ ٱللَّهَ رَبِّى وَرَبَّكُمْ ۖ إِنَّهُۥ مَن يُشْرِكْ بِٱللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ ٱللَّهُ عَلَيْهِ ٱلْجَنَّةَ وَمَأْوَىٰهُ ٱلنَّارُ ۖ وَمَا لِلظَّٰلِمِينَ مِنْ أَنصَارٍ ﴿٧٢﴾.

«Эй Бани Исроил, Роббим ва Роббингиз бўлмиш Аллоҳга ибодат қилингиз! Албатта, кимда-ким Аллоҳга ширк келтирса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзах бўлур. Зулм қилгувчилар учун бирор бир ёрдамчи бўлмас» [Моида: 72].

Ҳаттоки, «Таврот ва Инжил» китобларида ҳам ягона Аллоҳгагина ибодат қилиш ҳақида таъкид келади. «Сифр ат-Тасния» китобида қуйидаги сўзи келади: «Эй Исроил, эшит! Робб илоҳимиз, ягона Роббдир» «Марқос инжили» китобида Аллоҳни яккалаш ҳақида Ийсо алайҳиссаломни қуйидаги сўзи келади: «Буюрилган васиятларнинг энг биринчиси бу: «Эй Исроил, Робб илоҳимиз, ягона Роббдир».

Аллоҳ таоло барча пайғамбарларни улуғ вазифани бажариш учун юборганлигини баён қилади. Бу улуғ вазифа тавҳидга чақиришдир! Аллоҳ таоло айтади:

وَلَقَدْ بَعَثْنَا فِى كُلِّ أُمَّةٍ رَّسُولًا أَنِ ٱعْبُدُواْ ٱللَّهَ وَٱجْتَنِبُواْ ٱلطَّٰغُوتَ ۖ فَمِنْهُم مَّنْ هَدَى ٱللَّهُ وَمِنْهُم مَّنْ حَقَّتْ عَلَيْهِ ٱلضَّلَٰلَةُ ۚ فَسِيرُواْ فِى ٱلْأَرْضِ فَٱنظُرُواْ كَيْفَ كَانَ عَٰقِبَةُ ٱلْمُكَذِّبِينَ ﴿٣٦﴾.

«Батаҳқиқ, Биз ҳар бир умматга: «Аллоҳга ибодат қилинг ва тоғутдан четланинг», деб Пайғамбар юборганмиз. Бас, улардан баъзиларини Аллоҳ ҳидоят қилди. Баъзиларига эса, залолат ҳақ бўлди» [Нахл: 36]. . «(Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом, мушрикларга) айтинг:

قُلْ اَرَءَيْتُمْ مَّا تَدْعُوْنَ مِنْ دُوْنِ اللّٰهِ اَرُوْنِيْ مَاذَا خَلَقُوْا مِنَ الْاَرْضِ اَمْ لَهُمْ شِرْكٌ فِى السَّمٰوٰتِۗ اِيْتُوْنِيْ بِكِتٰبٍ مِّنْ قَبْلِ هٰذَآ اَوْ اَثٰرَةٍ مِّنْ عِلْمٍ اِنْ كُنْتُمْ صٰدِقِيْنَ﴿٤﴾.

«Сизлар Аллоҳни қўйиб дуо-илтижо қилаётган (бутларингиз) ҳақида хабар берингиз — менга кўрсатинглар-чи, улар Ердан нимани яратганлар?! Агар ростгўй бўлсангизлар, менга ушбу (Қуръон)дан илгари (нозил бўлган ва сизларнинг бутларга сиғинишингизни тасдиқлайдиган) бирон китобни ёки бирон илмий асарни (яъни, аввалги уламолардан қолган биронта аниқ ҳужжатни) келтиринглар!» [Аҳқоф: 4]. Шайх Ас-Саъдий раҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Билгинки, мушриклар ўзларининг қилаётган ширкларида ҳеч қандай исбот-далилга суянмай тортишишади. Улар фақатгина ёлғон гумон ёки бўлмағур хаёлларга ёки бузуқ ақлларига суянишади. Сен уларнинг олаётган билимларию қилаётган ишларига ва унинг ибодатида сарфлаётган умрларига қарашлик билан гапимнинг исботини топасан. (Хоҳ дунёда, хоҳ охиратда, Аллоҳни қўйиб, унга сиғинган маъбудотлари) уларга бирор манфаат бердими? Тайсир Ал-Карим Ал-Маннон: 779

## 6- Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло яратувчи ва ёлғиз Аллоҳнинг ўзигина ундан бошқага ибодат қилинмасдан ўзигагина ибодат қилинишликка ҳақли зотдир.

Аллоҳнинг ўзигина ундан бошқага ибодат қилинмасдан, ўзигагина ибодат қилинишликга ҳақли зотдир. Аллоҳ таоло айтади:

يَـٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ ٱعْبُدُوا۟ رَبَّكُمُ ٱلَّذِى خَلَقَكُمْ وَٱلَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿٢١﴾ٱلَّذِى جَعَلَ لَكُمُ ٱلْأَرْضَ فِرَٰشًا وَٱلسَّمَآءَ بِنَآءً وَأَنزَلَ مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً فَأَخْرَجَ بِهِۦ مِنَ ٱلثَّمَرَٰتِ رِزْقًا لَّكُمْ ۖ فَلَا تَجْعَلُوا۟ لِلَّهِ أَندَادًا وَأَنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٢٢﴾.

«Эй инсонлар, сизларни ва сизлардан олдингиларни яратган Роббингизга ибодат қилинг. Шоядки, тақводор бўлсангиз У сизларга ерни тўшаб, осмонни бино қилган ва осмондан сув тушириб, у билан сизларга меваларни ризқ қилиб чиқарган зотдир. Билиб туриб, Аллоҳга бошқаларни тенглаштирманг» [Бақара: 21-22]. Бизни ва биздан олдинги аждодларни яратган, ерни бизга тўшак қилиб қўйган, осмондан сув туширган ва бизга ризқ бўлиши учун ердан меваларни ўстириб қўйган зотгина ибодатга ҳақли зотдир. Аллоҳ таоло айтади:

يَـٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ ٱذْكُرُوا۟ نِعْمَتَ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ ۚ هَلْ مِنْ خَـٰلِقٍ غَيْرُ ٱللَّهِ يَرْزُقُكُم مِّنَ ٱلسَّمَآءِ وَٱلْأَرْضِ ۚ لَآ إِلَـٰهَ إِلَّا هُوَ ۖ فَأَنَّىٰ تُؤْفَكُونَ ﴿٣﴾.

«Эй инсонлар! Аллоҳнинг сизга берган неъматларини эсланг! Аллоҳдан бошқа сизларга осмон ва ердан ризқ берадиган холиқ борми? Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. Бас, қай томон кетмоқдасиз?!» [Фотир: 3]. Ёлғиз ўзи яратиб, ризқ берган зотнинг ўзигина ибодатга лойиқ зотдир. Аллоҳ таоло айтади:

ذَٰلِكُمُ ٱللَّهُ رَبُّكُمْ ۖ لَآ إِلَـٰهَ إِلَّا هُوَ ۖ خَـٰلِقُ كُلِّ شَىْءٍ فَٱعْبُدُوهُ ۚ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ وَكِيلٌ ﴿١٠٢﴾.

«Ана ўша Аллоҳ сизнинг Роббингиздир. Ундан бошқа ибодатга сазовор зот йўқ. У ҳар бир нарсанинг Яратгувчисидир. Бас, Унга ибодат қилинг. У ҳар бир нарсага вакилдир!» [Анъом: 102]. Аллоҳдан бошқа ҳар бир маъбуд ибодатга лойиқ эмас. Чунки улар на осмонларда ва на ерда заррача ҳам нарсага эгалик қилаолмайдилар. Улар Аллоҳга ҳеч қандай шерик ҳам, ёрдамчи ҳам эмаслар, энди қандай қилиб, Аллоҳ билан бирга

уларга дуо қилинсин ва қандай қилиб уларни Аллоҳга шерик қилинсин. Аллоҳ таоло айтади:

قُلِ ٱدْعُوا۟ ٱلَّذِينَ زَعَمْتُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ ۖ لَا يَمْلِكُونَ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَلَا فِى ٱلْأَرْضِ وَمَا لَهُمْ فِيهِمَا مِن شِرْكٍ وَمَا لَهُۥ مِنْهُم مِّن ظَهِيرٍ ﴿٢٢﴾.

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом, мушрикларга) айтинг: «Сизлар Аллоҳдан ўзга (илоҳлар) деб гумон қилган бутларингизга дуо-илтижо қилаверинглар-чи, (улар сизларга ижобат қила олармиканлар?) Улар на осмонларда ва на ерда бир зарра вазнича (нарса)га эга эмасдирлар ва улар учун (осмонлар ва ерда Аллоҳга) шериклик ҳам йўқдир ҳамда у зотга улардан бирон ёрдамчи ҳам йўқдир» [Сабаъ: 22]. Бу мавжудотларни Аллоҳнинг ўзигина яратди ва йўқдан бор қилди. Энди бу нарсаларнинг мавжуд бўлиши Аллоҳ таолонинг мавжудлигига ҳамда унинг ўзи ёлғиз Робб ва Илоҳ эканлигига далолат қилади. Аллоҳ таоло айтади:

أَلَمْ تَرَوْا۟ أَنَّ ٱللَّهَ سَخَّرَ لَكُم مَّا فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ وَأَسْبَغَ عَلَيْكُمْ نِعَمَهُۥ ظَـٰهِرَةً وَبَاطِنَةً ۗ وَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يُجَـٰدِلُ فِى ٱللَّهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ وَلَا هُدًى وَلَا كِتَـٰبٍ مُّنِيرٍ ﴿٢٠﴾ وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ ٱتَّبِعُوا۟ مَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ قَالُوا۟ بَلْ نَتَّبِعُ مَا وَجَدْنَا عَلَيْهِ ءَابَآءَنَآ ۚ أَوَلَوْ كَانَ ٱلشَّيْطَـٰنُ يَدْعُوهُمْ إِلَىٰ عَذَابِ ٱلسَّعِيرِ ﴿٢١﴾ ۞ وَمَن يُسْلِمْ وَجْهَهُۥٓ إِلَى ٱللَّهِ وَهُوَ مُحْسِنٌ فَقَدِ ٱسْتَمْسَكَ بِٱلْعُرْوَةِ ٱلْوُثْقَىٰ ۗ وَإِلَى ٱللَّهِ عَـٰقِبَةُ ٱلْأُمُورِ ﴿٢٢﴾ وَمَن كَفَرَ فَلَا يَحْزُنكَ كُفْرُهُۥٓ ۚ إِلَيْنَا مَرْجِعُهُمْ فَنُنَبِّئُهُم بِمَا عَمِلُوٓا۟ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلِيمٌۢ بِذَاتِ ٱلصُّدُورِ ﴿٢٣﴾ نُمَتِّعُهُمْ قَلِيلًا ثُمَّ نَضْطَرُّهُمْ إِلَىٰ عَذَابٍ غَلِيظٍ ﴿٢٤﴾ وَلَئِن سَأَلْتَهُم مَّنْ خَلَقَ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ لَيَقُولُنَّ ٱللَّهُ ۚ قُلِ ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ ۚ بَلْ أَكْثَرُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٢٥﴾ لِلَّهِ مَا فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلْغَنِىُّ ٱلْحَمِيدُ ﴿٢٦﴾ وَلَوْ أَنَّمَا فِى ٱلْأَرْضِ مِن شَجَرَةٍ أَقْلَـٰمٌ وَٱلْبَحْرُ يَمُدُّهُۥ مِنۢ بَعْدِهِۦ سَبْعَةُ أَبْحُرٍ مَّا نَفِدَتْ كَلِمَـٰتُ ٱللَّهِ ۗ إِنَّ ٱللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٢٧﴾.

«Сизларни тупроқдан яратгани ва сўнгра сизлар башарга айланиб тарқалишингиз Унинг оят-белгиларидандир. Ва сизларга сокинлик топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратганлиги ва ораларингизда севги ва марҳаматни солиб

қўйгани (ҳам) Унинг оят-белгиларидандир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-белгилар бордир. Ва Унинг оят-белгиларидан осмонлару ернинг яратилиши ва тилларингиз ва рангларингизнинг турлича бўлишидир. Албатта, бунда олимлар учун оят-белгилар бордир. Унинг оятларидан (яна бири) — кечаси ва кундузи ухлашларингиз ҳамда (кундузлари) Унинг фазлу марҳаматидан (ризқу рўз) исташларингиздир. Албатта, бунда англайдиган қавм учун оят-ибратлар бордир. Унинг оятларидан (яна бири) — У зот сизларга (момақалдироқдан) қўрққан ва (ёмғир ёғишидан) умидвор бўлган ҳолингизда чақмоқни кўргизур ва осмондан сув-ёмғир ёғдириб, унинг ёрдамида ерни ўлганидан сўнг тирилтирур. Албатта, бунда ақл юргизадиган қавм учун оят-ибратлар бордир. Унинг оятларидан (яна бири) — осмон ва Ер У зотнинг амри билан (фазода муаллақ) туришидир. Сўнгра (Қиёмат қойим бўлганида) У сизларни (ётган) ерларингизда бир бор чақирса барчангиз бирдан (ҳисоб-китоб учун) чиқарсизлар. Осмонлар ва Ердаги бор жонзотлар, У зот (Аллоҳ) га тегишлидирки, барчалари Унга итоат қилгувчидирлар. У махлуқотни йўқдан бор қиладир, сўнгра уни яна қайтадан вужудга келтирадир, ва бу унга (Аллоҳга) осонроқдир» [Рум: 20 - 27].

Намруд Роббисининг борлигини инкор қилди. Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ хабар бергандай, шундай дедилар:

أَلَمْ تَرَ إِلَى ٱلَّذِى حَآجَّ إِبْرَٰهِـۧمَ فِى رَبِّهِۦٓ أَنْ ءَاتَىٰهُ ٱللَّهُ ٱلْمُلْكَ إِذْ قَالَ إِبْرَٰهِـۧمُ رَبِّىَ ٱلَّذِى يُحْىِۦ وَيُمِيتُ قَالَ أَنَا۠ أُحْىِۦ وَأُمِيتُ ۖ قَالَ إِبْرَٰهِـۧمُ فَإِنَّ ٱللَّهَ يَأْتِى بِٱلشَّمْسِ مِنَ ٱلْمَشْرِقِ فَأْتِ بِهَا مِنَ ٱلْمَغْرِبِ فَبُهِتَ ٱلَّذِى كَفَرَ ۗ وَٱللَّهُ لَا يَهْدِى ٱلْقَوْمَ ٱلظَّـٰلِمِينَ﴿٢٥٨﴾.

«Аллоҳ подшоҳлик бериб қўйгани сабабидан Иброҳим билан Роббиси ҳақида ҳужжат талашганни билмадингизми? Иброҳим: «Менинг Роббиим тирилтиради ва ўлдиради», деганда, у: «Мен тирилтираман ва ўлдираман», деди. Иброҳим: «Албатта, Аллоҳ

қуёшни Машриқдан чиқаради, бас, сен уни Мағрибдан чиқаргин-чи», деди. Бас, куфр келтирган лол қолди. Ва Аллоҳ золим қавмларни ҳидоятга солмас» [Бақара: 258]. Яна Иброҳим алайҳиссалом ўз қавми (иймон келтиришлари) учун далил олиб келганларида, Аллоҳнинг ўзи ҳидоят берувчи, едирувчи, ичирувчи, агар касал бўлса, шифо берувчи ва у зотнинг ўзи ўлдириб тирилтирувчи эканлигини айтиб, далил олиб келганлар. Аллоҳ таоло у киши ҳақида хабар бериб айтади:

﴿الَّذِي خَلَقَنِي فَهُوَ يَهْدِينِ﴿٧٨﴾وَالَّذِي هُوَ يُطْعِمُنِي وَيَسْقِينِ﴿٧٩﴾وَإِذَا مَرِضْتُ فَهُوَ يَشْفِينِ﴿٨٠﴾وَالَّذِي يُمِيتُنِي ثُمَّ يُحْيِينِ﴿٨١﴾.

«У мени яратгандир, бас, Ўзи мени ҳидоят қилур. Унинг Ўзигина мени тўйдирур ва (чанқоғимни) қондирур. Бемор бўлганимда менга шифо берадиган ҳам Унинг Ўзи. Мени ўлдирадиган, сўнгра тирилтирадиган ҳам Унинг Ўзи» [Шуаро: 78 - 81]. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссалом Фиръавн билан шундай деб талашганининг хабарини беради:

﴿قَالَ رَبُّنَا ٱلَّذِىٓ أَعْطَىٰ كُلَّ شَىْءٍ خَلْقَهُۥ ثُمَّ هَدَىٰ ﴿٥٠﴾.

«( Албатта Аллоҳ) Барча нарсага ўз хилқатини — шаклини ато этиб, сўнгра (уни) тўғри йўлга солиб қўйган Зотдир» [Тоҳа: 50]. Инсон Аллоҳ таологагина ибодат қилишлиги ва унга куфр келтирмаслиги учун Аллоҳ таоло барча еру осмондаги нарсаларни инсон учун бўйсундириб қўйди ва уни неъматлар билан ўраб қўйди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَلَمْ تَرَوْا۟ أَنَّ ٱللَّهَ سَخَّرَ لَكُم مَّا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ وَأَسْبَغَ عَلَيْكُمْ نِعَمَهُۥ ظَٰهِرَةً وَبَاطِنَةً ۗ وَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يُجَٰدِلُ فِى ٱللَّهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ وَلَا هُدًى وَلَا كِتَٰبٍ مُّنِيرٍ﴿٢٠﴾.

«Аллоҳ сизларга осмонлардаги нарсаларни ва ердаги нарсаларни беминнат хизматкор қилиб қўйганини ва сизга

зоҳирий ва ботиний неъматларни мукаммал қилиб берганини билмадингизми?! Одамлардан илмсиз, ҳидоятсиз ва ёритувчи китобсиз Аллоҳ ҳақида тортишадиганлари ҳам бор» [Луқмон: 20]. Аллоҳ таоло осмону ердаги нарсаларни инсонга бўйсундириб қўйгани каби унинг[1] ўзини ҳам яратди ва унга фойда берадиган ва уни яратувчисига далолат қиладиган нима нарсага муҳтожлиги бўлса, хоҳ кўз бўлсин, хоҳ қулоқ, хоҳ қалб, унга буларнинг барчасини берди. Аллоҳ таоло айтади:

وَٱللَّهُ أَخْرَجَكُم مِّنۢ بُطُونِ أُمَّهَٰتِكُمْ لَا تَعْلَمُونَ شَيْـًٔا وَجَعَلَ لَكُمُ ٱلسَّمْعَ وَٱلْأَبْصَٰرَ وَٱلْأَفْـِٔدَةَ ۙ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٧٨﴾.

«Аллоҳ сизни оналарингиз қорнидан ҳеч нарса билмайдиган ҳолингизда чиқарди. У сизга қулоқ, кўзлар ва дилларни берди. Шоядки, шукр қилсангиз» [Нахл: 78].

Аллоҳ таоло ўзи бу оламларнинг ҳаммасини яратди, шунинг қаторида инсонни ҳам яратди ва у муҳтож бўладиган аъзолару ва улардаги қувватни у зотга ибодат қилиши ва ерни барпо қилиши учун тайёрлаб, яратиб қўйди. Сўнгра бу нарсаларнинг ҳаммасини унга беминнат бўйсундирди.

Аллоҳ таоло бу улуғ махлуқотлари билан унинг ягона Робб эканлигига ҳужжат қилди. Унинг ягона Робб бўлиши эса у зотгина илоҳ (яъни фақат унинг ўзигина сиғинишга лойиқ) эканлигини тақозо қилади. Аллоҳ таоло айтади:

قُلْ مَن يَرْزُقُكُم مِّنَ ٱلسَّمَآءِ وَٱلْأَرْضِ أَمَّن يَمْلِكُ ٱلسَّمْعَ وَٱلْأَبْصَٰرَ وَمَن يُخْرِجُ ٱلْحَىَّ مِنَ ٱلْمَيِّتِ وَيُخْرِجُ ٱلْمَيِّتَ مِنَ ٱلْحَىِّ وَمَن يُدَبِّرُ ٱلْأَمْرَ ۚ فَسَيَقُولُونَ ٱللَّهُ ۚ فَقُلْ أَفَلَا تَتَّقُونَ ﴿٣١﴾.

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом) айтинг: «Ким сизларга осмон ва заминдан ризқ берур ёки ким қулоқ-кўзларингизга эгалик қилур?! Ким ўликдан тирикни чиқарур ва тирикдан ўликни чиқарур ҳамда ким барча ишларни тадбир

қилиб турур?!» Улар албатта: «Аллоҳ», дейдилар. Бас, сиз айтинг: «Ахир Ўша зотдан қўрқмайсизларми?!» [Юнус: 31]. Яна Ал-Хаққ таоло айтади:

قُلْ اَرَءَيْتُمْ مَّا تَدْعُوْنَ مِنْ دُوْنِ اللهِ اَرُوْنِيْ مَاذَا خَلَقُوْا مِنَ الْاَرْضِ اَمْ لَهُمْ شِرْكٌ فِى السَّمٰوٰتِۗ اِئْتُوْنِيْ بِكِتٰبٍ مِّنْ قَبْلِ هٰذَآ اَوْ اَثٰرَةٍ مِّنْ عِلْمٍ اِنْ كُنْتُمْ صٰدِقِيْنَ ﴿٤﴾.

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом, мушрикларга) айтинг: «Сизлар Аллоҳни қўйиб дуо-илтижо қилаётган (бутларингиз) ҳақида хабар берингиз — менга кўрсатинглар-чи, улар Ердан нимани яратганлар?! Агар ростгўй бўлсангизлар, менга ушбу (Қуръон)дан илгари (нозил бўлган ва сизларнинг бутларга сиғинишингизни тасдиқлайдиган) бирон китобни ёки бирон илмий асарни (яъни аввалги уламолардан қолган биронта аниқ ҳужжатни) келтиринглар!» [Аҳқоф: 4]. .

خَلَقَ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ بِغَيْرِ عَمَدٍ تَرَوْنَهَا ۖ وَأَلْقَىٰ فِى ٱلْأَرْضِ رَوَٰسِىَ أَن تَمِيدَ بِكُمْ وَبَثَّ فِيهَا مِن كُلِّ دَآبَّةٍ ۚ وَأَنزَلْنَا مِنَ ٱلسَّمَآءِ مَآءً فَأَنۢبَتْنَا فِيهَا مِن كُلِّ زَوْجٍ كَرِيمٍ ﴿١٠﴾ هَـٰذَا خَلْقُ ٱللَّهِ فَأَرُونِى مَاذَا خَلَقَ ٱلَّذِينَ مِن دُونِهِۦ ۚ بَلِ ٱلظَّـٰلِمُونَ فِى ضَلَـٰلٍ مُّبِينٍ ﴿١١﴾.

«У, сиз кўриб турганингиздек, осмонларни устунсиз яратган, сизларни тебратмаслиги учун ер юзига оғир тоғларни ташлаган ва (ер)да ҳар турли жониворларни таратиб қўйган зотдир. Ва осмондан сув тушириб, у билан унда (ер юзида) турли гўзал ва фойдали жуфтларни ўстириб қўйдик.Бу Аллоҳнинг яратганидир. Қани менга кўрсатинг-чи, Ундан бошқа (маъбуд)лар нимани яратдилар. Йўқ! Золимлар очиқ-ойдин адашувдадирлар» [Луқмон: 10 - 11]. Яна Ал-Хаққ таоло айтади:

أَمْ خُلِقُوا۟ مِنْ غَيْرِ شَىْءٍ أَمْ هُمُ ٱلْخَـٰلِقُونَ ﴿٣٥﴾ أَمْ خَلَقُوا۟ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ ۚ بَل لَّا يُوقِنُونَ ﴿٣٦﴾ أَمْ عِندَهُمْ خَزَآئِنُ رَبِّكَ أَمْ هُمُ ٱلْمُصَيْطِرُونَ ﴿٣٧﴾.

«Балки улар ҳеч нарсадан (яъни, Яратгувчисиз) яралиб қолгандиларми?! Ёки улар ўзлари яратгувчимиканлар-а?! Балки осмонлар ва Ерни ҳам улар яратгандирлар?! Йўқ, улар ишонмаслар! Балки уларнинг ҳузурларида Роббингизнинг хазиналари бордир?! Ёки улар (бутун борлиқни) бошқариб тургувчимиканлар-а?!» [Тур: 35 -37]. Шайх Ас-Саъдий роҳимаҳуллоҳ айтадилар: Бу олиб келинган далиллардан кейин уларнинг олдида хақиқатга  таслим бўлишдан ёки ақлга ҳам, динга ҳам тўғри келмайдиган (ахмоқона) йўлга юришдан бошқа йўл қолмайди. Тафсири Саъдий: 816.

## 7- Аллоҳ таолонинг ўзи борлиқдаги кўриб турган ва кўрмаётган нарсаларимизни яратувчисидир. У зотдан бошқа ҳамма нарса яратилгандир. Аллоҳ таоло ўзи осмонлару ерни олти кунда яратди.

Аллоҳ таолонинг ўзи борлиқдаги кўриб турган ва кўзимиздан ғоиб бўлган нарсаларни яратувчисидир. Аллоҳ таоло айтади:

وَيُسَبِّحُ ٱلرَّعْدُبِحَمْدِهِۦوَٱلْمَلَـٰٓئِكَةُ مِنْ خِيفَتِهِۦ وَيُرْسِلُ ٱلصَّوَٰعِقَ فَيُصِيبُ بِهَا مَن يَشَآءُ وَهُمْ يُجَـٰدِلُونَ فِى ٱللَّهِ وَهُوَ شَدِيدُ ٱلْمِحَالِ﴿١٣﴾.

«Сиз: «Осмонлару ернинг Робби ким?» деб айтинг. «Аллоҳ», денг. «Ўзингизга Ундан ўзга, ўзларига фойда ёки зарарга эга бўлмаган валийларни тутдингизми?» денг. «Кўзи кўр билан кўрувчи баробар бўлурми ёки зулматлар билан нур баробар бўлурми?» денг. Ёки улар Аллоҳга У яратган махлуқотларга

ўхшаш махуқотларни яратганларни шерик қилиб олдилару уларга яратилган махлуқотларга ўхшаш кўринмоқдами? «Барча нарсанинг яратувчиси Аллоҳдир. Ва У бирдир, Қаҳҳордир»,- денг [Роъд: 16].

وَٱلۡخَيۡلَ وَٱلۡبِغَالَ وَٱلۡحَمِيرَ لِتَرۡكَبُوهَا وَزِينَةٗۚ وَيَخۡلُقُ مَا لَا تَعۡلَمُونَ ﴿٨﴾.

«Яна сизлар (ҳали) билмайдиган нарсаларни ҳам яратур» [Нахл: 8]. Аллоҳ таоло еру осмонларни олти кунда яратди. Аллоҳ таоло айтади:

هُوَ ٱلَّذِي خَلَقَ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضَ فِي سِتَّةِ أَيَّامٖ ثُمَّ ٱسۡتَوَىٰ عَلَى ٱلۡعَرۡشِۚ يَعۡلَمُ مَا يَلِجُ فِي ٱلۡأَرۡضِ وَمَا يَخۡرُجُ مِنۡهَا وَمَا يَنزِلُ مِنَ ٱلسَّمَآءِ وَمَا يَعۡرُجُ فِيهَاۖ وَهُوَ مَعَكُمۡ أَيۡنَ مَا كُنتُمۡۚ وَٱللَّهُ بِمَا تَعۡمَلُونَ بَصِيرٞ ﴿٤﴾.

«У осмонлар ва ерни олти кунда яратиб, сўнгра (Зоти ва Улуғлигига муносиб тарзда) Аршга олий бўлган Зотдир. У Ерга кирадиган (ёмғир-қор суви хазина-ю дафина ва жасадлар каби) нарсаларни ҳам, ундан чиқадиган (ўт-ўлан, набoтот ва булоқ сувлари каби нарсаларни ҳам, самодан тушадиган (ризқу насиба, хайру барака каби) нарсаларни ҳам, унга (самога) кўтариладиган (яъни, амал ва дуо-илтижо каби) нарсаларни ҳам билур. Сизлар қаерда бўлсангизлар, У сизлар билан биргадир. Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб тургувчидир» [Ҳадид: 4]. .

وَلَقَدۡ خَلَقۡنَا ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضَ وَمَا بَيۡنَهُمَا فِي سِتَّةِ أَيَّامٖ وَمَا مَسَّنَا مِن لُّغُوبٖ ﴿٣٨﴾.

«Албатта, осмонлару ерни ва уларнинг орасидаги барча нарсаларни олти кунда яратдик. Ва Бизни чарчоқ тутмади» [Қоф: 38].

# 8- Аллоҳ толонинг мулкида, ёки махлуқотларида, ёки ишларни тадбир қилишида, ёки унга қилинадиган ибодатда ҳам шериги йўқдир.

Аллоҳ таолонинг мулкида ёки махлуқотларида ёки ишларни тадбир қилишида унинг шериги йўқдир. Аллоҳ таоло айтади:

قُلْ اَرَءَيْتُمْ مَّا تَدْعُوْنَ مِنْ دُوْنِ اللّٰهِ اَرُوْنِيْ مَاذَا خَلَقُوْا مِنَ الْاَرْضِ اَمْ لَهُمْ شِرْكٌ فِى السَّمٰوٰتِۗ اِئْتُوْنِيْ بِكِتٰبٍ مِّنْ قَبْلِ هٰذَآ اَوْ اَثٰرَةٍ مِّنْ عِلْمٍ اِنْ كُنْتُمْ صٰدِقِيْنَ ﴿٤﴾.

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом, мушрикларга) айтинг: «Сизлар Аллоҳни қўйиб дуо-илтижо қилаётган (бутларингиз) ҳақида хабар берингиз — менга кўрсатинглар-чи, улар Ердан нимани яратганлар?! Агар ростгўй бўлсангизлар, менга ушбу (Қуръон)дан илгари (нозил бўлган ва сизларнинг бутларга сиғинишингизни тасдиқлайдиган) бирон китобни ёки бирон илмий асарни (яъни, аввалги уламолардан қолган биронта аниқ ҳужжатни) келтиринглар!» [Аҳқоф: 4]. Шайх Саъдий раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Яъни (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ана у қўлидан бирор нарса келмайдиган, фойда ҳам зарар ҳам бера олмайдиган, на бирор нарсани ўлдириб на тирилтира оладиган бутларни ва бошқа нарсаларни Аллоҳга шерик қилганларга айтинг». Шу шерик қилаётган бутларининг қанчалик ожизлигини уларга баён қилинг ва айтингки: «Қани кўрсатинглар-чи, осмону ерда бирор нарсани яратишдими ёки Аллоҳга бирор нарсада тенг бўла олдиларми»? Осмону ердаги нарсалардан бирортасини яратдиларми? Тоғларни яратдиларми, ёки анҳорларни оқизиб қўйдиларми, ёки ҳайвонларни яратиб, уларни тарқатиб

қўйдиларми, ёки дарахтларни ўстириб қўйдиларми, ёки шу нарсаларнинг бирортасини яратишда у зотга шериклик қилдиларми?! Албатта, йўқ! Ўзларига бирор нарса ярата олмаганларидан кейин қандай қилиб бошқага бирор нарса яратиб бера оладилар?! Мана шу уларга Аллоҳнинг ибодатида унга шерик қилмаслик бўйича қатъий ва ақлий далилдир. Сўнгра уларда бирор нақлий далил йўқлигини исботлаб, шундай деди: «Илгари (нозил бўлган ва сизларнинг бутларга сиғинишингизни тасдиқлайдиган) бирон китобни ёки бирон илмий асарни (яъни аввалги пайғамбарлардан қолган ширкка чақирувчи биронта аниқ ҳужжатни) келтиринглар!». Ўзидан ўзи маълум бўладики, улар ундай нарса олиб келишдан ожизлар ва ҳеч қачон олиб кела олмайдилар. Балки барча пайғамбарлар Аллоҳнинг ягоналигига ва у зотнинг ўзигагина сиғинишга даъват қилишган ҳамда бошқа нарсаларга сиғинишдан қайтаришган. Пайғамбарларнинг мана шу ишларигина улардан бизга мерос бўлиб қолган». Тафсир Саъдий 779.

Аллоҳ таоло подшоҳларнинг подшоҳи, унинг мулкида унинг шериги йўқдир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿قُلِ ٱللَّهُمَّ مَـٰلِكَ ٱلْمُلْكِ تُؤْتِى ٱلْمُلْكَ مَن تَشَآءُ وَتَنزِعُ ٱلْمُلْكَ مِمَّن تَشَآءُ وَتُعِزُّ مَن تَشَآءُ وَتُذِلُّ مَن تَشَآءُ ۖ بِيَدِكَ ٱلْخَيْرُ ۖ إِنَّكَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿٢٦﴾﴾.

«Сиз: «Эй барча мулкнинг эгаси Роббим! Хоҳлаган кишингга мулк берурсан ва хоҳлаган кишингдан мулкни тортиб олурсан, хоҳлаган кишингни азиз қилурсан, хоҳлаган кишингни хор қилурсан. Барча яхшилик Сенинг қўлингда. Албатта, Сен ҳар бир нарсага қодирсан», -деб айтинг» [Оли-Имрон: 26]. Қиёмат куни тамомий мулк фақат Аллоҳники эканлигини баён қилиб, Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَوْمَ هُم بَـٰرِزُونَ ۖ لَا يَخْفَىٰ عَلَى ٱللَّهِ مِنْهُمْ شَىْءٌ ۚ لِّمَنِ ٱلْمُلْكُ ٱلْيَوْمَ ۖ لِلَّهِ ٱلْوَٰحِدِ ٱلْقَهَّارِ ﴿١٦﴾﴾.

«Ўша кунда улар зоҳир бўлурлар. Аллоҳга улардан бирон нарса махфий қолмас. Бугун мулк кимникидир?! Яккаю ёлғиз, ўта қаҳрли Аллоҳникидир!» [Ғофир: 16]. Аллоҳнинг мулкида ҳам, яратган нарсаларида ҳам, ишларни тадбир қилишида ҳам ва ибодатида ҳам ҳеч қандай шериги йўқдир. Аллоҳ таоло айтади:

وَقُلِ ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ ٱلَّذِى لَمْ يَتَّخِذْ وَلَدًا وَلَمْ يَكُن لَّهُۥ شَرِيكٌ فِى ٱلْمُلْكِ وَلَمْ يَكُن لَّهُۥ وَلِىٌّ مِّنَ ٱلذُّلِّ ۖ وَكَبِّرْهُ تَكْبِيرًۢا ﴿١١١﴾.

«Сиз: «Ҳамд бўлсин, фарзанд тутмаган, мулкда шериги бўлмаган ва хорликдан қутқаргувчи дўстга зор бўлмаган Аллоҳга» деб айтинг. Ва Уни мутлақо улуғланг!» [Исро: 111]. .

ٱلَّذِى لَهُۥ مُلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَلَمْ يَتَّخِذْ وَلَدًا وَلَمْ يَكُن لَّهُۥ شَرِيكٌ فِى ٱلْمُلْكِ وَخَلَقَ كُلَّ شَىْءٍ فَقَدَّرَهُۥ تَقْدِيرًا ﴿٢﴾.

«У зот осмонлару ернинг мулки Унга хос бўлган, Ўзига фарзанд тутмаган, мулкида шериги бўлмаган, ҳар бир нарсани ўлчов ила ўлчаб яратган Зотдир» [Фурқон: 2]. У зот молик ва у зотдан бошқалар у зотга мамлукдирлар. У зот холиқ ва у зотдан бошқалар эса у зотнинг махлуқотларидир. У зот шунча нарсани бажариб, ўзи ишларни бошқариб тургандан кейин у зотгагина сиғиниш керак. Ундан бошқага сиғиниш эса, ноқис ақлга ва дунёю охиратнинг расвосини чиқарувчи ширкка олиб боради. Аллоҳ таоло айтади:

وَقَالُوا۟ كُونُوا۟ هُودًا أَوْ نَصَٰرَىٰ تَهْتَدُوا۟ ۗ قُلْ بَلْ مِلَّةَ إِبْرَٰهِـۧمَ حَنِيفًا ۖ وَمَا كَانَ مِنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿١٣٥﴾.

«Улар: «Яҳудий ёки насроний бўлинг, ҳидоят топасиз», дейдилар. Балки: «Иброҳимнинг ҳаниф миллатига (динига) эргашамиз ва у мушриклардан бўлмаган», деб айтинг» [Бақара: 135]. .

وَمَنْ أَحْسَنُ دِينًا مِّمَّنْ أَسْلَمَ وَجْهَهُۥ لِلَّهِ وَهُوَ مُحْسِنٌ وَٱتَّبَعَ مِلَّةَ إِبْرَٰهِيمَ حَنِيفًا ۗ وَٱتَّخَذَ ٱللَّهُ إِبْرَٰهِيمَ خَلِيلًا﴿١٢٥﴾.

«Яхшилик қилувчи бўлган ҳолида юзини Аллоҳга таслим қилган ва Иброҳимнинг тўғри динига эргашган кимсанинг динидан ҳам яхшироқ дин борми? Ва Аллоҳ Иброҳимни дўст тутган эди» [Нисо: 125]. Ал-Хаққ таолонинг дўсти Иброҳим алайҳиссаломнинг динидан ким юз ўгирса,эси паст инсонлардан бўлишини баён қилди. Аллоҳ таоло айтади:

وَمَن يَرْغَبُ عَن مِّلَّةِ إِبْرَٰهِـۧمَ إِلَّا مَن سَفِهَ نَفْسَهُۥ ۚ وَلَقَدِ ٱصْطَفَيْنَـٰهُ فِى ٱلدُّنْيَا ۖ وَإِنَّهُۥ فِى ٱلْـَٔاخِرَةِ لَمِنَ ٱلصَّـٰلِحِينَ﴿١٣٠﴾.

«Ўзини эси паст санаганларгина Иброҳимнинг миллатидан юз ўгиради. Албатта, Биз уни бу дунёда танлаб олдик ва, албатта, у охиратда солиҳлардан бўлгай» [Бақара: 130].

## 9- Аллоҳ таоло туғмаган, туғилмаган. У зотнинг тенги ҳам, ўхшаши ҳам йўқдир.

9. Аллоҳ таоло туғмаган, туғилмаган. У зотнинг тенги ҳам, ўхшаши ҳам йўқдир. Аллоҳ таоло айтади:

قُلْ هُوَ ٱللَّهُ أَحَدٌ ﴿١﴾ٱللَّهُ ٱلصَّمَدُ ٢ قُلْ هُوَ ٱللَّهُ أَحَدٌ ١ ٱللَّهُٱلصَّمَدُ﴿٢﴾لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ ﴿٣﴾وَلَمْ يَكُن لَّهُۥ كُفُوًا أَحَدٌۢ﴿٤﴾.

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом), айтинг: «У — Аллоҳ ягонадир. Аллоҳ сомаддир. (Ҳожатларни ва рағбатларни қондирувчидир.) У туғмаган ва туғилмаган. Ва Унга ҳеч ким тенг бўлмаган» [Ихлос: 1-4]. .

رَّبُّ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا فَٱعْبُدْهُ وَٱصْطَبِرْ لِعِبَـٰدَتِهِۦ ۚ هَلْ تَعْلَمُ لَهُۥ سَمِيًّا﴿٦٥﴾.

«У осмонлару ернинг ва улар орасидаги нарсаларнинг Роббидир. Бас, Унга ибодат қил ва Унинг ибодатида сабрли бўл. Унга тенгдошни билурмисан?» [Марям: 65]. .

فَاطِرُ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۚ جَعَلَ لَكُم مِّنْ أَنفُسِكُمْ أَزْوَٰجًا وَمِنَ ٱلْأَنْعَـٰمِ أَزْوَٰجًا ۖ يَذْرَؤُكُمْ فِيهِ ۚ لَيْسَ كَمِثْلِهِۦ شَىْءٌ ۖ وَهُوَ ٱلسَّمِيعُ ٱلْبَصِيرُ﴿١١﴾

«У осмонлару ерни йўқдан бор қилгувчи зотдир. У сизларга ўз жинсингиздан жуфтлар яратди. Чорва ҳайвонларини ҳам жуфт қилиб яратди. У зот сизни ўша (жуфтлик) асосида кўпайтирур. У зотга ўхшаш ҳеч нарса йўқдир. У зот ўта эшитгувчи, ўта кўргувчи зотдир» [Шуро: 11].

## 10- Аллоҳ таоло Ўзининг бирон махлуқотига ҳулул қилмайди, бирон махлуқотининг танасидай гавдаланмайди.

Аллоҳ таоло Ўзининг бирон махлуқотига ҳулул қилмайди, бирон махлуқотининг танасидай гавдаланмайди, бирон нарса билан битта бўлиб, қоришиб кетмайди. Чунки Аллоҳнинг ўзи холиқ, у зотдан бошқалари эса махлуқдирлар. У зотнинг ўзигина боқий, қолганлар эса фонийдирлар. Барча нарсалар у зотнинг мулкидир, у зот эса уларнинг молики подшоҳидир. У зот бирор нарсанинг ичига кириб олмайди, бирор нарса ҳам у зотнинг ичига кириб олмайди. У зот барча нарсадан улуғ ва каттадир. Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломнинг ичига кириб олган деганларга инкор қилиб айтади:

لَّقَدْ كَفَرَ ٱلَّذِينَ قَالُوٓا۟ إِنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلْمَسِيحُ ٱبْنُ مَرْيَمَ ۚ قُلْ فَمَن يَمْلِكُ مِنَ ٱللَّهِ شَيْـًٔا إِنْ أَرَادَ أَن يُهْلِكَ ٱلْمَسِيحَ ٱبْنَ مَرْيَمَ وَأُمَّهُۥ وَمَن فِى ٱلْأَرْضِ جَمِيعًا ۗ وَلِلَّهِ مُلْكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا ۚ يَخْلُقُ مَا يَشَآءُ ۚ وَٱللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ ﴿١٧﴾.

«Батаҳқиқ Масиҳ ибн Марям Аллоҳдир, деганлар ҳам кофир бўлдилар. Уларга: «Агар Аллоҳ Масиҳ ибн Марямни, унинг онасини ва ер юзидаги барча кимсаларни ҳалок этишни ирода қилса, ким уни бирон нарсадан манъ қила олади? Ҳолбуки, осмонлару ер ва уларнинг орасидаги нарсалар Аллоҳникидир. У нимани хоҳласа, яратади. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир» [Моида: 17]. .

وَلِلَّهِ ٱلْمَشْرِقُ وَٱلْمَغْرِبُ ۚ فَأَيْنَمَا تُوَلُّوا۟ فَثَمَّ وَجْهُ ٱللَّهِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ وَٰسِعٌ عَلِيمٌ ﴿١١٥﴾ وَقَالُوا۟ ٱتَّخَذَ ٱللَّهُ وَلَدًا ۗ سُبْحَٰنَهُۥ ۖ بَل لَّهُۥ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۖ كُلٌّ لَّهُۥ قَٰنِتُونَ ﴿١١٦﴾ بَدِيعُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۖ وَإِذَا قَضَىٰٓ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُۥ كُن فَيَكُونُ ﴿١١٧﴾.

«Машриқу мағриб Аллоҳникидир, қаёққа қарасангиз, Аллоҳнинг юзи бор. Албатта, Аллоҳ кенг қамровли, билувчи зотдир. Улар: «Аллоҳ ўзига фарзанд тутди»,- дейдилар. У покдир. Балки осмонлару ердаги барча нарсалар Уникидир. Ҳамма Унга бўйсунувчидир. У осмонлару ерни пайдо қилувчидир. Бирор ишни қилмоқчи бўлганида, унга: «Бўл!» деса, бўлаверадир» [Бақара: 115-117]. .

وَقَالُوا۟ ٱتَّخَذَ ٱلرَّحْمَٰنُ وَلَدًا ﴿٨٨﴾ لَّقَدْ جِئْتُمْ شَيْـًٔا إِدًّا ﴿٨٩﴾ تَكَادُ ٱلسَّمَٰوَٰتُ يَتَفَطَّرْنَ مِنْهُ وَتَنشَقُّ ٱلْأَرْضُ وَتَخِرُّ ٱلْجِبَالُ هَدًّا ﴿٩٠﴾ أَن دَعَوْا۟ لِلرَّحْمَٰنِ وَلَدًا ﴿٩١﴾ وَمَا يَنۢبَغِى لِلرَّحْمَٰنِ أَن يَتَّخِذَ وَلَدًا ﴿٩٢﴾ إِن كُلُّ مَن فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ إِلَّآ ءَاتِى ٱلرَّحْمَٰنِ عَبْدًا ﴿٩٣﴾ لَّقَدْ أَحْصَىٰهُمْ وَعَدَّهُمْ عَدًّا ﴿٩٤﴾ وَكُلُّهُمْ ءَاتِيهِ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ فَرْدًا ﴿٩٥﴾.

«Улар: «Роҳман бола тутди»,- дедилар. Батаҳқиқ, жуда оғир нарса келтирдингиз. Ундан осмонлар парчаланиб, ер ёрилиб, тоғлар қулаб йиқилай, дейдир. Раҳмоннинг боласи бор,

деганларига. Раҳмонга бола тутиш лойиқ эмасдир. Осмонлару ердаги барча кимсалар Раҳмонга банда бўлган ҳолларида келурлар. Батаҳқиқ, У зот уларни иҳота қилган ва санаб қўйгандир. Уларнинг барчалари У зотнинг ҳузурига қиёмат куни ёлғиз ҳолларида келгувчидирлар» [Марям: 88-95]. .

ٱللَّهُ لَآ إِلَـٰهَ إِلَّا هُوَ ٱلْحَىُّ ٱلْقَيُّومُ ۚ لَا تَأْخُذُهُۥ سِنَةٌ وَلَا نَوْمٌ ۚ لَّهُۥ مَا فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ ۗ مَن ذَا ٱلَّذِى يَشْفَعُ عِندَهُۥٓ إِلَّا بِإِذْنِهِۦ ۚ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ ۖ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَىْءٍ مِّنْ عِلْمِهِۦٓ إِلَّا بِمَا شَآءَ ۚ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ ۖ وَلَا يَـُٔودُهُۥ حِفْظُهُمَا ۚ وَهُوَ ٱلْعَلِىُّ ٱلْعَظِيمُ﴿٢٥٥﴾.

«Аллоҳ Ундан ўзга илоҳ йўқ зотдир. У тирик ва қаййумдир. Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмас. Осмонлару ердаги нарсалар Уникидир. Унинг ҳузурида Ўзининг изнисиз ҳеч ким шафоат қила олмас. У уларнинг олдиларидаги нарсани ҳам, ортларидаги нарсани ҳам билур. Унинг илмидан ҳеч нарсани иҳота қила олмаслар, магар Ўзи хоҳлаганини, халос. Унинг курсиси осмонлару ерни қамраган. Уларни муҳофаза қилиш уни чарчатмас. Ва У Олий ва Азим (Буюк) зотдир. [Бақара: 255]. У зотнинг улуғлигига қаранг-у, махлуқотларининг аҳволига қаранг! Энди қандай қилиб шу ожиз махлуқотларининг ичига кириб олсин ёки қандай қилиб шундай улуғ зот ўзига бола тутсин, ёки ўзи билан бошқа сиғинадиган илоҳ яратсин?!

## 11- Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибон, раҳмли Зотдир. Шунинг учун уларга пайғамбарлар юборган ва китоблар нозил қилган.

Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибон, раҳмли Зотдир. Шунинг учун уларга пайғамбарлар юборган ва китоблар нозил қилган.

Уларни куфр ва ширк зулматларидан тавҳид ва ҳидоят нурига чиқаришлиги учун пайғамбарлар юборди. Аллоҳ таоло айтади:

هُوَ ٱلَّذِى يُنَزِّلُ عَلَىٰ عَبۡدِهِۦٓ ءَايَٰتِۭ بَيِّنَٰتٖ لِّيُخۡرِجَكُم مِّنَ ٱلظُّلُمَٰتِ إِلَى ٱلنُّورِۚ وَإِنَّ ٱللَّهَ بِكُمۡ لَرَءُوفٞ رَّحِيمٞ﴿٩﴾.

«У зот Ўз бандасига сизларни зулматлардан нурга чиқариш учун равшан оятларни туширадир. Ва, албатта, Аллоҳ сизларга шафқатли ва раҳмлидир» [Ҳадид: 9]. .

وَمَآ أَرۡسَلۡنَٰكَ إِلَّا رَحۡمَةٗ لِّلۡعَٰلَمِينَ ﴿١٠٧﴾.

«Биз сизни фақат оламларга раҳмат қилиб юбордик» [Анбиё: 107]. Аллоҳ таоло пайғамбарига у зотнинг қанчалик кечиримли ва раҳмли экани ҳақида хабар беришга буюрди. Аллоҳ таоло айтади:

۞ نَبِّئۡ عِبَادِيٓ أَنِّيٓ أَنَا ٱلۡغَفُورُ ٱلرَّحِيمُ﴿٤٩﴾.

«Бандаларимга хабар беринг: «Албатта, Менинг Ўзим ғофуру роҳиймдирман». [Ҳижр: 49]. У зотнинг меҳрибонлигидан қийинчиликларни кетказади ва яхшиликларни туширади. Аллоҳ таоло айтади:

وَإِن يَمۡسَسۡكَ ٱللَّهُ بِضُرّٖ فَلَا كَاشِفَ لَهُۥٓ إِلَّا هُوَۖ وَإِن يُرِدۡكَ بِخَيۡرٖ فَلَا رَآدَّ لِفَضۡلِهِۦۚ يُصِيبُ بِهِۦ مَن يَشَآءُ مِنۡ عِبَادِهِۦۚ وَهُوَ ٱلۡغَفُورُ ٱلرَّحِيمُ﴿١٠٧﴾.

«Агар Аллоҳ сизга бирон зиён етказса, уни фақат Ўзигина кетказа олур. Агар сизга бирон яхшилик (етказишни) ирода қилса, Унинг фазлу марҳаматини қайтара олгувчи йўқдир. У ўзи хоҳлаган бандаларига яхшилик етказур. У мағфиратли, меҳрибондир» [Юнус: 107].

## 12- Аллоҳ у Роҳийм бўлган Роббдир. Унинг ўзи қиёмат куни халойиқлар қабрларидан чиққанларида ҳисоб-китоб қилади. Ҳар бир инсонни яхши ёмон ишига қараб мукофот ёки жазо беради. Ким мўмин бўлган ҳолида яхши амалларни қилган бўлса, унга абадий неъмат берур, энди ким куфр келтирган ва ёмон ишларни қилган бўлса, охиратда улуғ азоб бордир.

Аллоҳ у Роҳийм бўлган Роббдир. Унинг ўзи қиёмат куни халойиқлар қабрларидан чиққанларида ҳисоб китоб-қилади. Ҳар бир инсонни яхши ёмон ишига қараб мукофот ёки жазо беради. Ким мўмин бўлган ҳолида, яхши амалларни қилган бўлса, унга абадий неъмат берур, энди ким куфр келтирган ва ёмон ишларни қилган бўлса, охиратда улуғ азоб бордир. Аллоҳ бу дунёни амал дунёси қилиб, охиратни эса ҳисоб-китоб, мукофот ёки жазо диёри қилиб қўйишлиги етук адолати, ҳикмати ва раҳматидандир. Муҳсин киши эҳсонининг савобига етиши ва золим зўравонлар зулм ва зўравонлигининг жазосини олиши учун охират диёрини тайёрлаб қўйди. Бу нарсани баъзи инсонлар имкони йўқ деб ҳисоблаши мумкин. Шундай бўлса-да, Аллоҳ таоло қиёмат куни ҳақ ва унда ҳеч қандай шубҳа

йўқлигига далолат қилувчи кўпгина оятларни олиб келди. Аллоҳ таоло айтади:

وَمِنْ ءَايَـٰتِهِۦٓ أَنَّكَ تَرَى ٱلْأَرْضَ خَـٰشِعَةًۭ فَإِذَآ أَنزَلْنَا عَلَيْهَا ٱلْمَآءَ ٱهْتَزَّتْ وَرَبَتْ ۚ إِنَّ ٱلَّذِىٓ أَحْيَاهَا لَمُحْىِ ٱلْمَوْتَىٰٓ ۚ إِنَّهُۥ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍۢ قَدِيرٌ ﴿٣٩﴾.

«Яна Унинг оят-белгиларидан, ерни қақраган ҳолда кўришингдир. Бас, Биз унинг устидан сув туширсак, у қимирлар ва ўсадир. Уни тирилтирган зот, албатта, ўликларни ҳам тирилтиргувчидир. Албатта, У зот ҳар бир нарсага қодирдир» [Фуссилат: 39]. .

يَـٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ إِن كُنتُمْ فِى رَيْبٍۢ مِّنَ ٱلْبَعْثِ فَإِنَّا خَلَقْنَـٰكُم مِّن تُرَابٍۢ ثُمَّ مِن نُّطْفَةٍۢ ثُمَّ مِنْ عَلَقَةٍۢ ثُمَّ مِن مُّضْغَةٍۢ مُّخَلَّقَةٍۢ وَغَيْرِ مُخَلَّقَةٍۢ لِّنُبَيِّنَ لَكُمْ ۚ وَنُقِرُّ فِى ٱلْأَرْحَامِ مَا نَشَآءُ إِلَىٰٓ أَجَلٍۢ مُّسَمًّۭى ثُمَّ نُخْرِجُكُمْ طِفْلًۭا ثُمَّ لِتَبْلُغُوٓا۟ أَشُدَّكُمْ ۖ وَمِنكُم مَّن يُتَوَفَّىٰ وَمِنكُم مَّن يُرَدُّ إِلَىٰٓ أَرْذَلِ ٱلْعُمُرِ لِكَيْلَا يَعْلَمَ مِنۢ بَعْدِ عِلْمٍۢ شَيْـًۭٔا ۚ وَتَرَى ٱلْأَرْضَ هَامِدَةًۭ فَإِذَآ أَنزَلْنَا عَلَيْهَا ٱلْمَآءَ ٱهْتَزَّتْ وَرَبَتْ وَأَنۢبَتَتْ مِن كُلِّ زَوْجٍۭ بَهِيجٍۢ ﴿٥﴾.

«Эй одамлар! Агар қайта тирилиш ҳақида шубҳа қиладиган бўлсангиз, бас, Биз сизга баён қилишимиз учун сизларни тупроқдан, сўнгра нутфадан, сўнгра алақадан, сўнгра битган-битмаган бир чайнам гўштдан яратдик. Ва бачадонларда хоҳлаган нарсамизни маълум муддатгача қарор топдирамиз. Кейин сизларни бувак ҳолингизда чиқарамиз. Сўнгра вояга етишингиз учун (тарбия қиламиз). Сиздан вафот қилиб кетадиганлар ҳам билганидан кейин ҳеч нарсани билмай қоладиган даражада тубан умрга етадиганлар ҳам бор. Ва ерни қақраган ҳолда кўрасиз. Қачонки, Биз унга сув туширсак, у сесканар ва кўпчир. Ҳамда ҳар хил гўзал жуфтларни ўстирадир» [Хаж: 5]. Ал-Хаққ таоло бу оятда қайта тирилишга далолат қилувчи учта ақлий далилларни олиб келди. Улар:

1- Инсонни Аллоҳ таоло биринчи яратаётган вақтида тупроқдан яратди. Тупроқдан яратган зот у эрта тупроққа айланиб кетганда, яна уни қайтариб тирилтиришга қодирдир.

2- Инсонни нутфадан яратишга қодир бўлган зот, ўлгандан кейин уни яна қайтадан тирилтиришга қодирдир.

Ерни ўлгандан кейин ёмғир билан тирилтирган зот, инсонлар ҳам ўлганларидан кейин тирилтиришга қодир бўлган зотдир. Бу оят Қуръоннинг қанчалик улуғ ва мўъжизавий эканлигига далолат қилади. Инсон бу кичкина оятга боқиб, ҳайрон қолади. Қандай қилиб шу кичкина оят катта-катта бўлган масалаларга очиқ ойдин инкор қилиб бўлмас далилларни олиб келди!

Аллоҳ таоло айтади:

يَوْمَ نَطْوِى ٱلسَّمَآءَ كَطَىِّ ٱلسِّجِلِّ لِلْكُتُبِ ۚ كَمَا بَدَأْنَآ أَوَّلَ خَلْقٍ نُّعِيدُهُۥ ۚ وَعْدًا عَلَيْنَآ ۚ إِنَّا كُنَّا فَٰعِلِينَ ﴿١٠٤﴾.

«Ўша кунда осмонни худди мактуб ёзилган дафтарни ёпгандек ёпамиз. Аввал қандай яратган бўлсак, шундай ҳолга қайтарамиз. Бу зиммамиздаги ваъдадир. Албатта, Биз буни қилгувчимиз» [Анбиё: 104]. .

وَضَرَبَ لَنَا مَثَلًا وَنَسِىَ خَلْقَهُۥ ۖ قَالَ مَن يُحْىِ ٱلْعِظَٰمَ وَهِىَ رَمِيمٌ ﴿٧٨﴾ قُلْ يُحْيِيهَا ٱلَّذِىٓ أَنشَأَهَآ أَوَّلَ مَرَّةٍ ۖ وَهُوَ بِكُلِّ خَلْقٍ عَلِيمٌ ﴿٧٩﴾.

«У Бизга мисол келтирди ва ўз яратилишини унутди. «Суякларни ким тирилтиради? Ҳолбуки, улар титилиб кетган-ку?!», – деди. Сиз: «Уларни илк марта йўқдан бор қилган зот тирилтирур ва у ҳар бир яратилган нарсани яхши билгувчидир», –деб айтинг [Ясин: 78-79]. .

ءَأَنتُمۡ أَشَدُّ خَلۡقًا أَمِ ٱلسَّمَآءُۚ بَنَىٰهَا﴿٢٧﴾رَفَعَ سَمۡكَهَا فَسَوَّىٰهَا﴿٢٨﴾وَأَغۡطَشَ لَيۡلَهَا وَأَخۡرَجَ ضُحَىٰهَا﴿٢٩﴾وَٱلۡأَرۡضَ بَعۡدَ ذَٰلِكَ دَحَىٰهَآ﴿٣٠﴾أَخۡرَجَ مِنۡهَا مَآءَهَا وَمَرۡعَىٰهَا﴿٣٠﴾ وَٱلۡجِبَالَ أَرۡسَىٰهَا﴿٣٢﴾.

«(Эй мушриклар), сизларни яратиш қийинроқми ёки осмонними?! Унинг шифтини юқори кўтарди ва бекаму кўст мустаҳкам қилиб қўйди. Кечасини қоронғу ва кундузини ёруғ қилди. Ва шундан кейин Ерни ёйиб, текис қилди. Ундан сувию ўтлоқларини чиқарди. Ва у (ер)га тоғларни ўрнаштирди» [Назиъат: 27-32]. Шундай қилиб Аллоҳ таоло инсонни яратиш осмонлару ерни ва улардаги нарсаларни яратишдан қийинроқ эмас эканлигини баён қилди. Шундай экан, шу нарсаларни яратган зот инсонни яратишдан ожиз эмаслигини баён қилди

## 13- Аллоҳ таоло Одамни тупроқдан яратди. Кейин унинг зурриётини кўпаядиган қилиб қўйди. Шу асл эътибори билан ҳамма одамлар баб-баробар. Бир жинснинг бошқа жинсдан ёки бир миллатнинг бошқа миллатдан ҳеч қандай ортиқлиги йўқ. Бўлса ҳам фақат тақво жиҳатидангина бўлади.

Аллоҳ таоло Одамни тупроқдан яратди. Кейин унинг зурриётини кўпаядиган қилиб қўйди. Шу асл эътибори билан

ҳамма одамлар баб-баробар. Бир жинснинг бошқа жинсдан ёки бир миллатнинг бошқа миллатдан ҳеч қандай ортиқлиги йўқ. Бўлса ҳам фақат тақво жиҳатидангина бўлади. Аллоҳ таоло айтади:

يَـٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَـٰكُم مِّن ذَكَرٍ وَأُنثَىٰ وَجَعَلْنَـٰكُمْ شُعُوبًا وَقَبَآئِلَ لِتَعَارَفُوٓا۟ ۚ إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِندَ ٱللَّهِ أَتْقَىٰكُمْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ عَلِيمٌ خَبِيرٌ﴿١٣﴾.

«Эй одамлар! Биз сизларни бир эркак ва аёлдан яратдик ва сизларни ўзаро танишишингиз учун халқлар ва қабилалар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлигингиз энг тақводорингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир» [Хужурот: 13]. .

وَٱللَّهُ خَلَقَكُم مِّن تُرَابٍ ثُمَّ مِن نُّطْفَةٍ ثُمَّ جَعَلَكُمْ أَزْوَٰجًا ۚ وَمَا تَحْمِلُ مِنْ أُنثَىٰ وَلَا تَضَعُ إِلَّا بِعِلْمِهِۦ ۚ وَمَا يُعَمَّرُ مِن مُّعَمَّرٍ وَلَا يُنقَصُ مِنْ عُمُرِهِۦٓ إِلَّا فِى كِتَـٰبٍ ۚ إِنَّ ذَٰلِكَ عَلَى ٱللَّهِ يَسِيرٌ﴿١١﴾.

«Аллоҳ сизларни тупроқдан, сўнгра нутфадан яратиб, кейин жуфт-жуфт қилиб қўйди. Қайси бир урғочи нимага ҳомиладор бўлса, нимани туғса, фақат Унинг илми билан бўлур. Ҳар бир умр кўргувчига умр берилиши ёки унинг умрининг қисқартилиши, албатта, китобда бордир. Албатта, бу Аллоҳга осондир» [Фотир: 11]. .

هُوَ ٱلَّذِى خَلَقَكُم مِّن تُرَابٍ ثُمَّ مِن نُّطْفَةٍ ثُمَّ مِنْ عَلَقَةٍ ثُمَّ يُخْرِجُكُمْ طِفْلًا ثُمَّ لِتَبْلُغُوٓا۟ أَشُدَّكُمْ ثُمَّ لِتَكُونُوا۟ شُيُوخًا ۚ وَمِنكُم مَّن يُتَوَفَّىٰ مِن قَبْلُ ۖ وَلِتَبْلُغُوٓا۟ أَجَلًا مُّسَمًّى وَلَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿٦٧﴾.

«У сизни тупроқдан, сўнгра нутфадан, сўнгра (ёпишқоқ) лахта қондан яратган зотдир. Сўнгра У сизни бувак ҳолингизда чиқарур. Сўнгра камолга етишингиз учун, қари бўлишингиз учун (улғайтирур). Сизнинг ичингизда ундан олдин вафот этадиганлар ҳам бўлур. (Булар) белгиланган ажалга етишингиз учундир. Шоядки, ақл юритсангиз» [Ғофир: 67]. Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни ўзининг кавний[1] буйруғи билан яратгани

каби, Исо алайхиссаломни ҳам ўзининг кавний буйруғи билан яратгандир. Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّ مَثَلَ عِيسَىٰ عِندَ ٱللَّهِ كَمَثَلِ ءَادَمَ ۖ خَلَقَهُۥ مِن تُرَابٍ ثُمَّ قَالَ لَهُۥ كُن فَيَكُونُ ﴿٥٩﴾.

«Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида Ийсонинг мисоли худди Одамнинг мисолига ўхшайди. Уни тупроқдан яратиб, сўнгра унга «Бўл!» деди, бас, бўлди» [Оли-Имрон: 59]. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга ҳамма инсонлар тенг ва бирини бошқасининг устида тақводан бошқа ҳеч қандай афзаллиги йўқ эканлигини баёнлаб берганликларини олдинги иккинчи бобда зикр қилган эдим.

# 14- Ҳар бир туғилган чақалоқ фитратда туғилади.

Ҳар бир туғилган чақалоқ фитратда тўғилади. Аллоҳ таоло айтади:

فَأَقِمْ وَجْهَكَ لِلدِّينِ حَنِيفًا ۚ فِطْرَتَ ٱللَّهِ ٱلَّتِى فَطَرَ ٱلنَّاسَ عَلَيْهَا ۚ لَا تَبْدِيلَ لِخَلْقِ ٱللَّهِ ۚ ذَٰلِكَ ٱلدِّينُ ٱلْقَيِّمُ وَلَـٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٣٠﴾.

«Бас, сиз ҳаққа мойил бўлиб, динга юз тутинг. Бу Аллоҳ одамларни яратган асл табиатдир. Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас. Ушбу тўғри диндир. Лекин одамларнинг кўпи билмаслар» [Рум: 30]. Ҳанийфийлик бу - Иброҳим алайҳиссаломнинг динидир. Аллоҳ таоло айтади:

ثُمَّ أَوْحَيْنَآ إِلَيْكَ أَنِ ٱتَّبِعْ مِلَّةَ إِبْرَٰهِيمَ حَنِيفًا ۖ وَمَا كَانَ مِنَ ٱلْمُشْرِكِينَ ﴿١٢٣﴾.

«Сўнгра сизга: «Иброҳимнинг ҳаққа мойил миллатига эргашинг. У мушриклардан бўлмаган эди», - деб ваҳий қилдик. [Нахл: 123]. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Ҳар бир туғилган бола фақат фитрат (соф табиат) ила туғилади. Бас, ота-онаси уни яҳудий ёки насроний ёки мажусий қилади. Бу худди ҳайвоннинг бус-бутун ҳайвон туғишига ўхшайди. Сиз унда қулоқ-бурни кесилганини ҳис қилганмисиз?» Сўнгра Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу

فَأَقِمْ وَجْهَكَ لِلدِّينِ حَنِيفًا ۚ فِطْرَتَ ٱللَّهِ ٱلَّتِى فَطَرَ ٱلنَّاسَ عَلَيْهَا ۚ لَا تَبْدِيلَ لِخَلْقِ ٱللَّهِ ۚ ذَٰلِكَ ٱلدِّينُ ٱلْقَيِّمُ وَلَـٰكِنَّ أَكْثَرَ ٱلنَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٣٠﴾.

«Бу Аллоҳ одамларни яратган асил табиатдир. Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас. Ушбу тўғри диндир. Лекин одамларнинг кўпи билмаслар» [Рум: 30]. Саҳиҳ Бухорий 4775. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Огоҳ бўлинг, Роббим менга бугун билдирганларидан сизлар билмайдиган нарсаларни ўргатишимни буюрди. «Мен ҳамма бандаларимни хақ динга мойил қилиб яратдим, шайтонлар эса уларни динларидан чиқариб олдилар, ҳамда Мен ҳалол килиб берган нарсаларни уларга ҳаром килишди ва Мен бирон ҳужжат туширмаган нарсаларни Менга шерик килишга буюришди» Муслим ривояти 2865.

## 15- Бирон одам хатокор бўлиб ёки бировнинг хатосига ворис бўлиб туғилмайди.

Бирон одам хатокор бўлиб ёки бировнинг хатосига ворис бўлиб туғилмайди. Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломнинг илоҳий буйруққа хилоф иш қилиб, у ва унинг аёли Ҳаво она дарахтдан еб қўйишганда, надомат чекишганини ва тавба қилиб мағфират сўрашганининг бизга хабарини берди. Аллоҳ таоло чиройлик бир сўзларни айтишликни илҳом қилди ва Одам алайҳиссалом у

сўзларни айтди. Сўнгра Аллоҳ уларнинг тавбасини қабул қилди. Аллоҳ таоло айтади:

وَقُلْنَا يَٰٓـَٔادَمُ ٱسْكُنْ أَنتَ وَزَوْجُكَ ٱلْجَنَّةَ وَكُلَا مِنْهَا رَغَدًا حَيْثُ شِئْتُمَا وَلَا تَقْرَبَا هَٰذِهِ ٱلشَّجَرَةَ فَتَكُونَا مِنَ ٱلظَّٰلِمِينَ﴿٣٥﴾فَأَزَلَّهُمَا ٱلشَّيْطَٰنُ عَنْهَا فَأَخْرَجَهُمَا مِمَّا كَانَا فِيهِ ۖ وَقُلْنَا ٱهْبِطُوا۟ بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ ۖ وَلَكُمْ فِى ٱلْأَرْضِ مُسْتَقَرٌّ وَمَتَٰعٌ إِلَىٰ حِينٍ﴿٣٦﴾فَتَلَقَّىٰٓ ءَادَمُ مِن رَّبِّهِۦ كَلِمَٰتٍ فَتَابَ عَلَيْهِ ۚ إِنَّهُۥ هُوَ ٱلتَّوَّابُ ٱلرَّحِيمُ﴿٣٧﴾قُلْنَا ٱهْبِطُوا۟ مِنْهَا جَمِيعًا ۖ فَإِمَّا يَأْتِيَنَّكُم مِّنِّى هُدًى فَمَن تَبِعَ هُدَاىَ فَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿٣٨﴾.

«Ва: «Эй Одам, сен ўз жуфтинг ила жаннатда маскан топ. Унда нимани хоҳласаларингиз, енглар, ош бўлсин ва мана бу дарахтга яқин келманглар, бас, у ҳолда золимлардан бўласизлар", - дедик. Шайтон уларни ундан оздирди ва бўлган нарсаларидан чиқарди. Ва Биз: «Баъзингиз баъзингизга душман бўлиб тушинглар, сизларга ер юзида қароргоҳ ва бир муддат ҳузур қилиш бордир», дедик. Бас, Одам ўз Роббисидан сўзларни қабул қилиб олди, кейин У зот унинг тавбасини қабул қилди. Албатта, У тавбани қабул қилувчи ва раҳмли зотдир. «Биз: «Ундан ҳаммангиз тушинг, бас, Мендан сизга ҳидоят келажак. Ким Менинг ҳидоятимга эргашса, уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар», - дедик» [Бақара: 35-38]. Шундай қилиб, Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломнинг тавбасини қабул қилди, хатолардан тозаландилар. У кишининг зурриёти ҳам хатони мерос қилиб олиб қолмадилар, чунки, у гуноҳ тавба билан ўчиб кетган. Бир киши бошқа кишининг гуноҳини кўтариб юрмаслиги бу асл бўлиб ҳисобланади. Аллоҳ таоло айтади:

قُلْ أَغَيْرَ ٱللَّهِ أَبْغِى رَبًّا وَهُوَ رَبُّ كُلِّ شَىْءٍ ۚ وَلَا تَكْسِبُ كُلُّ نَفْسٍ إِلَّا عَلَيْهَا ۚ وَلَا تَزِرُ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَىٰ ۚ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّكُم مَّرْجِعُكُمْ فَيُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ ﴿١٦٤﴾.

«Ҳар бир жон ёмон касб қилса, фақат ўзига зиён қиладир. Ҳеч бир жон бошқанинг оғирлигини кўтармас. Сўнгра

Роббиларингизга қайтишингиз бор. Бас, У сизларга ихтилоф қилган нарсаларингиз хабарини берур» [Анъом: 164]. .

مَّنِ ٱهْتَدَىٰ فَإِنَّمَا يَهْتَدِى لِنَفْسِهِۦ ۖ وَمَن ضَلَّ فَإِنَّمَا يَضِلُّ عَلَيْهَا ۚ وَلَا تَزِرُ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَىٰ ۗ وَمَا كُنَّا مُعَذِّبِينَ حَتَّىٰ نَبْعَثَ رَسُولًا ﴿١٥﴾.

«Ким ҳидоятга юрса, фақат ўзи учунгина ҳидоят топадир. Ким залолатга кетса, фақат ўзи учунгина залолатга кетадир. Ҳеч бир жон ўзганинг оғирлигини кўтарувчи бўлмас. Токи Пайғамбар юбормагунимизча, азобловчи бўлган эмасмиз» [Исро: 15]. .

وَلَا تَزِرُ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَىٰ ۚ وَإِن تَدْعُ مُثْقَلَةٌ إِلَىٰ حِمْلِهَا لَا يُحْمَلْ مِنْهُ شَىْءٌ وَلَوْ كَانَ ذَا قُرْبَىٰٓ ۗ إِنَّمَا تُنذِرُ ٱلَّذِينَ يَخْشَوْنَ رَبَّهُم بِٱلْغَيْبِ وَأَقَامُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ ۚ وَمَن تَزَكَّىٰ فَإِنَّمَا يَتَزَكَّىٰ لِنَفْسِهِۦ ۚ وَإِلَى ٱللَّهِ ٱلْمَصِيرُ ﴿١٨﴾.

«Ўзи юкли жон ўзга жоннинг юкини кўтара олмас. Юки оғир жон ўз юкига (бошқани) чақирса-да, ундан ҳеч бир нарса кўтарилмас. Гарчи (чақирилган) қариндош бўлса ҳам. Сен фақат ғайбдаги Роббиларидан қўрқадиган ва намозни тўкис адо этганларни огоҳлантирурсан. Ким покланса, Ўзи учун покланур. Қайтиш Аллоҳгадир. » [Фотир: 18].

# 16- Одамларни яратишдан мақсад уларнинг ёлғиз Аллоҳгагина бандалик қилишларидир.

Одамларни яратишдан мақсад уларнинг ёлғиз Аллоҳгагина бандалик қилишларидир. Аллоҳ таоло айтади:

وَمَا خَلَقْتُ ٱلْجِنَّ وَٱلْإِنسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ ﴿٥٦﴾.

«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим» [Зарият: 56].

## 17- Ислом, инсонни иззат-икромли қилиб қўйди. Хоҳ у эркак бўлсин, хоҳ аёл бўлсин ва унинг ҳуқуқларини тўлиғича кафолатига олган. Инсонни ўзининг ихтиёрларига, қилаётган ишларига масъул қилди. У ўзига ёки бошқаларга зарар келтирадиган ҳар бир иши учун жавобгардир.

Ислом, инсонни иззат-икромли қилиб қўйди. Хоҳ у эркак бўлсин, хоҳ аёл бўлсин. Аллоҳ инсонни ер юзида халифа бўлиши учун яратди. Аллоҳ таоло айтади:

وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَٰٓئِكَةِ إِنِّي جَاعِلٌ فِى ٱلْأَرْضِ خَلِيفَةً ۖ قَالُوٓاْ أَتَجْعَلُ فِيهَا مَن يُفْسِدُ فِيهَا وَيَسْفِكُ ٱلدِّمَآءَ وَنَحْنُ نُسَبِّحُ بِحَمْدِكَ وَنُقَدِّسُ لَكَ ۖ قَالَ إِنِّىٓ أَعْلَمُ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٣٠﴾.

«Эсланг, вақтики Роббингиз фаришталарга: «Мен ер юзида халифа қилмоқчиман»,- деди» [Бақара: 30]. Бу иззат-икром барча одам боласини ўз ичига олади. Аллоҳ таоло айтади:

۞ وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِىٓ ءَادَمَ وَحَمَلْنَٰهُمْ فِى ٱلْبَرِّ وَٱلْبَحْرِ وَرَزَقْنَٰهُم مِّنَ ٱلطَّيِّبَٰتِ وَفَضَّلْنَٰهُمْ عَلَىٰ كَثِيرٍ مِّمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيلًا ﴿٧٠﴾.

«Батаҳқиқ, Биз Бани Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик ва уларни қуруқлигу денгизда (улов-ла) кўтардик ҳамда уларни пок нарсалар ила ризқлантирдик ва уни Ўзимиз яратган кўп нарсалардан мутлақо афзал қилиб қўйдик» [Исро: 70]. .

لَقَدْ خَلَقْنَا ٱلْإِنسَٰنَ فِىٓ أَحْسَنِ تَقْوِيمٍ﴿٤﴾.

«Дарҳақиқат, Биз инсонни энг гўзал шаклу шамойилда яратдик» [Тийн: 4]. Аллоҳ инсонни Аллоҳдан бошқага ўзини хўр тутиб ибодат қилиш ёки бошқага эргашиш ёки итоат қилишдан қайтарди. Аллоҳ таоло айтади:

وَمِنَ ٱلنَّاسِ مَن يَتَّخِذُ مِن دُونِ ٱللَّهِ أَندَادًا يُحِبُّونَهُمْ كَحُبِّ ٱللَّهِ ۖ وَٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ أَشَدُّ حُبًّا لِّلَّهِ ۗ وَلَوْ يَرَى ٱلَّذِينَ ظَلَمُوٓا۟ إِذْ يَرَوْنَ ٱلْعَذَابَ أَنَّ ٱلْقُوَّةَ لِلَّهِ جَمِيعًا وَأَنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ ٱلْعَذَابِ﴿١٦٥﴾إِذْ تَبَرَّأَ ٱلَّذِينَ ٱتُّبِعُوا۟ مِنَ ٱلَّذِينَ ٱتَّبَعُوا۟ وَرَأَوُا۟ ٱلْعَذَابَ وَتَقَطَّعَتْ بِهِمُ ٱلْأَسْبَابُ﴿١٦٦﴾.

«Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар ўзгаларни Аллоҳга тенг билиб, уларни Аллоҳни севгандек севадилар. Иймонли кишиларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари қаттиқроқдир. Бундай золимлар азобга рўбарў бўладиган замонларида (Қиёмат Кунида) бутун куч-қудрат Аллоҳники бўлишини ва Аллоҳнинг азоби қаттиқ азоб эканини билсалар эди. У кунда пешволар эргашувчилардан тонадилар ва ҳаммалари азобни (кўзлари билан) кўрадилар. (У кунда уларни боғлаб турадиган) баҳонаю сабаблар узилади» [Бақара: 165-166]. Аллоҳ таоло ботилда эргашиладиган инсонларни ва ботилга эргашганларни қиёматдаги ҳолатларини баён қилиб айтади:

قَالَ ٱلَّذِينَ ٱسْتَكْبَرُوا۟ لِلَّذِينَ ٱسْتُضْعِفُوٓا۟ أَنَحْنُ صَدَدْنَٰكُمْ عَنِ ٱلْهُدَىٰ بَعْدَ إِذْ جَآءَكُم ۖ بَلْ كُنتُم مُّجْرِمِينَ ﴿٣٢﴾وَقَالَ ٱلَّذِينَ ٱسْتُضْعِفُوا۟ لِلَّذِينَ ٱسْتَكْبَرُوا۟ بَلْ مَكْرُ ٱلَّيْلِ وَٱلنَّهَارِ إِذْ تَأْمُرُونَنَآ أَن نَّكْفُرَ بِٱللَّهِ وَنَجْعَلَ لَهُۥٓ أَندَادًا ۚ وَأَسَرُّوا۟ ٱلنَّدَامَةَ لَمَّا رَأَوُا۟ ٱلْعَذَابَ وَجَعَلْنَا ٱلْأَغْلَٰلَ فِىٓ أَعْنَاقِ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ ۚ هَلْ يُجْزَوْنَ إِلَّا مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٣٣﴾.

«Мутакаббирлик қилганлар заиф саналганларга: «Сизга ҳидоят келганидан кейин биз сизни ундан тўсдикми?! Йўқ! Ўзингиз жиноятчи бўлдингиз»,- дерлар. Заиф саналганлар мутакаббирлик қилганларга: «Йўқ! Кечаю кундузнинг макр-

ҳийласи (тўсди). Ўшанда сизлар бизни Аллоҳга куфр келтиришимизга, Унга тенгдошлар қўшишимизга амр қилар эдингиз», дедилар. Улар азобни кўрган чоғларида надоматни ичларида тутдилар. Биз куфр келтирганларнинг бўйинларига кишанлар солдик. Улар фақат қилиб юрган амалларига яраша жазоланурлар» [Сабаъ: 32-33]. Аллоҳ таолонинг қиёмат кунидаги адолатининг комиллигидан залолатга чақирувчиларга ва уларнинг катталарига ўзларининг ва уларга эргашганларнинг гуноҳини юклаб қўйишидир. Аллоҳ таоло айтади:

لِيَحۡمِلُوٓاْ أَوۡزَارَهُمۡ كَامِلَةٗ يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِ وَمِنۡ أَوۡزَارِ ٱلَّذِينَ يُضِلُّونَهُم بِغَيۡرِ عِلۡمٍۗ أَلَا سَآءَ مَا يَزِرُونَ ﴿٢٥﴾.

«Қиёмат куни ўз гуноҳларини тўлалигича ва жаҳолат ила йўлдан адаштирган кишиларнинг гуноҳларидан кўтаришлари учундир. Огоҳ бўлинг! Улар кўтарган нарса қандоқ ҳам ёмон!» [Ан-Нахл: 25].

Ислом инсоннинг дунёю охиратдаги ҳуқуқларини тўлалигича ўз кафиллигига олди. Ўз кафиллигига олган ҳуқуқларининг энг улуғи бу - Аллоҳнинг инсонлар устидаги ҳаққи ва инсонларнинг Аллоҳдаги ҳақлари. Муъоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳиссалам орқаларига мингашиб борар эдим. У киши: «Эй Муоз!», - дедилар. «Лаббай, Аллоҳнинг Расули, амрингизга мунтазирман!»- дедим. Сўнгра яна уч маротаба чақирдилар. Кейин: «Аллоҳнинг Ўз бандаларидаги ҳаққи нима, биласанми?»- дедилар. «Аллоҳ ва Унинг Расули билувчироқ», - дедим. «Аллоҳнинг бандалардаги ҳаққи У Зотга ибодат қилишлари ва У Зотга ҳеч нарсани шерик қилмасликларидир»- дедилар. Кейин бир муддат юриб, сўнг: «Эй Муоз!»- дедилар. «Лаббай, Аллоҳнинг Расули, амрингизга мунтазирман!», - дедим. «Агар

шундай қилсалар, бандаларнинг Аллоҳдаги ҳаққи нима, биласанми?», - дедилар. «Аллоҳ ва Унинг Расули билади», - дедим. «Бандаларнинг Аллоҳдаги ҳаққи уларни азобламаслигидир», - дедилар. Саҳиҳ Бухорий (6840).

Ислом инсоннинг ҳақ динини, зурриётини, молини ва обрў-эътиборини ўз кафиллигига олди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло сизларнинг қонларингларни, молларингларни ва обрў-эътиборингларни худди шу шаҳарнинг, шу ойнинг ва шу куннинг қадричалик муқаддас қилди». Саҳиҳ Бухорий (6501). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу улуғ мийсоқни видолашув ҳажида эълон қилдилар. У ҳажга юз мингдан ортиқ саҳобий келган эди. Видолашув ҳажида қурбонлик кунида шунга ўхшаш нарсаларни қайта-қайта айтдилар ва таъкиладилар.

Ислом инсоннинг қилаётган ишларига, танловларига ва ишлатаётган нарсаларига жавобгар қилиб қўйди. Аллоҳ таоло айтади:

وَكُلَّ إِنسَـٰنٍ أَلْزَمْنَـٰهُ طَـٰٓئِرَهُۥ فِى عُنُقِهِۦ ۖ وَنُخْرِجُ لَهُۥ يَوْمَ ٱلْقِيَـٰمَةِ كِتَـٰبًا يَلْقَىٰهُ مَنشُورًا ﴿١٣﴾ ٱقْرَأْ كِتَـٰبَكَ كَفَىٰ بِنَفْسِكَ ٱلْيَوْمَ عَلَيْكَ حَسِيبًا ﴿١٤﴾.

«Биз ҳар бир инсоннинг амалини бўйнига боғлаб қўйганмиз ва қиёмат куни унга китоб чиқарамизки, унга очилган ҳолда рўбарў бўлур» [Исро: 13]. Яъни, яхши иш қиладими ёмонми, ишларини унга боғлаб қўяди. Ундан бошқага ўтиб кетмайди. Бировнинг қилган иши учун ҳисоб-китоб қилинмайди, ҳамда биров ҳам бунинг амаллари учун ҳисоб-китоб қилинмайди. Аллоҳ таоло айтади:

يَـٰٓأَيُّهَا ٱلْإِنسَـٰنُ إِنَّكَ كَادِحٌ إِلَىٰ رَبِّكَ كَدْحًا فَمُلَـٰقِيهِ ﴿٦﴾.

«Эй инсон! Албатта сен Роббингга йўлиққунингча, ҳаракату уринишда бўларсан ва охири унга йўлиқарсан» [Иншиқоқ: 6]. .

مَّنْ عَمِلَ صَـٰلِحًافَلِنَفْسِهِۦۖوَمَنْ أَسَآءَ فَعَلَيْهَاۗوَمَا رَبُّكَ بِظَلَّـٰمٍۢ لِّلْعَبِيدِ ﴿٤٦﴾.

«Ким солиҳ амал қилса, ўзига фойда. Ким ёмонлик қилса, ўзига зарар. Роббинг бандаларга зулм қилгувчи эмас» [Фуссилат: 46]. Ислом инсоннинг ўзига зарар берадиган иш қиладими ё бошқагами жавобгарлигини ўз бўйнига оладиган қилиб қўйди. Аллоҳ таоло айтади:

وَمَن يَكْسِبْ إِثْمًا فَإِنَّمَا يَكْسِبُهُۥ عَلَىٰ نَفْسِهِۦۚ وَكَانَ ٱللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا﴿١١١﴾.

«Ким гуноҳ қилса, фақатгина ўз зарарига қилади. Ва Аллоҳ билувчи ва ҳикматли зотдир» [Нисо: 111]. . Шунинг учун ҳам Бани Исроилга:

مِنْ أَجْلِ ذَٰلِكَ كَتَبْنَا عَلَىٰ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَأَنَّهُۥ مَن قَتَلَ نَفْسًۢا بِغَيْرِ نَفْسٍ أَوْ فَسَادٍۢ فِى ٱلْأَرْضِ فَكَأَنَّمَا قَتَلَ ٱلنَّاسَ جَمِيعًا وَمَنْ أَحْيَاهَا فَكَأَنَّمَآ أَحْيَا ٱلنَّاسَ جَمِيعًاۚ وَلَقَدْ جَآءَتْهُمْ رُسُلُنَا بِٱلْبَيِّنَـٰتِ ثُمَّ إِنَّ كَثِيرًا مِّنْهُم بَعْدَ ذَٰلِكَ فِى ٱلْأَرْضِ لَمُسْرِفُونَ ﴿٣٢﴾.

«Ким бир жонни ноҳақдан ёки ер юзида фасод қилмаса ҳам ўлдирса, худди ҳамма одамларни ўлдирган бўлади. Ким уни тирилтирса, худди ҳамма одамларни тирилтиргандек бўлади»- деб ёздик. Батаҳқиқ, уларга Пайғамбарларимиз баёнотлар олиб келдилар. Сўнгра, бундан кейин ҳам, улардан кўплари ер юзида исроф қилгувчилардан бўлдилар. [Моида: 32]. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Одам атонининг биринчи ўғлига қандай бир жон зулм билан ўлдирилса, шунинг қонидан насиба бориб туради. Чунки қотилликни биринчи бошлаган ана ўшадир» Саҳиҳ Муслим (5150).

# 18- Ислом амал қилишда, жавобгарчиликни бўйинга олишда, мукофот ва жазода эркагу аёлни тенг қилиб қўйди.

Ислом – амал қилиш, жавобгарчиликни бўйинга олиш, мукофот ва жазода эркагу аёлни тенг қилиб қўйди. Аллоҳ таоло айтади:

وَمَن يَعْمَلْ مِنَ ٱلصَّـٰلِحَـٰتِ مِن ذَكَرٍ أَوْ أُنثَىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَأُوْلَـٰٓئِكَ يَدْخُلُونَ ٱلْجَنَّةَ وَلَا يُظْلَمُونَ نَقِيرًا﴿١٢٤﴾.

«Эркакми, аёлми–ким мўмин бўлган ҳолда яхшиликлар қилса, ана ўшалар жаннатга кирарлар ва уларга қилча ҳам зулм қилинмас» [Нисо: 124]. .

مَنْ عَمِلَ صَـٰلِحًا مِّن ذَكَرٍ أَوْ أُنثَىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَنُحْيِيَنَّهُۥ حَيَوٰةً طَيِّبَةً ۖ وَلَنَجْزِيَنَّهُمْ أَجْرَهُم بِأَحْسَنِ مَا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿٩٧﴾.

«Эркагу аёл, ким мўмин ҳолида яхши амал қилса, Биз унга яхши ҳаёт кечиртирамиз ва, албатта, уларнинг қилиб юрган амалларининг энг гўзалига бериладиган ажр ила мукофотлармиз» [Наҳл: 97]. .

مَنْ عَمِلَ سَيِّئَةً فَلَا يُجْزَىٰٓ إِلَّا مِثْلَهَا ۖ وَمَنْ عَمِلَ صَـٰلِحًا مِّن ذَكَرٍ أَوْ أُنثَىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَأُوْلَـٰٓئِكَ يَدْخُلُونَ ٱلْجَنَّةَ يُرْزَقُونَ فِيهَا بِغَيْرِ حِسَابٍ﴿٤٠﴾.

«Ким бирор ёмонлик қилса, фақат ўшанга яраша жазо оладир, холос. Эркакдир, аёлдир, ҳар ким мўмин бўлган ҳолида солиҳ амал қилса, бас, ана ўшалар жаннатга кирурлар, у ерда ҳисобсиз ризқланурлар» [Ғофир: 40]. .

إِنَّ ٱلْمُسْلِمِينَ وَٱلْمُسْلِمَٰتِ وَٱلْمُؤْمِنِينَ وَٱلْمُؤْمِنَٰتِ وَٱلْقَٰنِتِينَ وَٱلْقَٰنِتَٰتِ وَٱلصَّٰدِقِينَ وَٱلصَّٰدِقَٰتِ وَٱلصَّٰبِرِينَ وَٱلصَّٰبِرَٰتِ وَٱلْخَٰشِعِينَ وَٱلْخَٰشِعَٰتِ وَٱلْمُتَصَدِّقِينَ وَٱلْمُتَصَدِّقَٰتِ وَٱلصَّٰٓئِمِينَوَٱلصَّٰٓئِمَٰتِ وَٱلْحَٰفِظِينَ فُرُوجَهُمْ وَٱلْحَٰفِظَٰتِ وَٱلذَّٰكِرِينَ ٱللَّهَ كَثِيرًا وَٱلذَّٰكِرَٰتِ أَعَدَّ ٱللَّهُ لَهُم مَّغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا﴿٣٥﴾.

«Албатта, муслимлар ва муслималар, мўминлар ва мўминалар, давомли итоаткор эркаклар ва давомли итоаткор аёллар, садоқатли эркаклар ва садоқатли аёллар, сабрли эркаклар ва сабрли аёллар, тавозуъли эркаклар ва тавозуъли аёллар, садақа қилгувчи эркаклар ва садақа қилгувчи аёллар, рўза тутгувчи эркаклар ва рўза тутгувчи аёллар, фаржларини сақловчи эркаклар ва (фаржларини) сақловчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр қилгувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр қилгувчи аёллар–ўшаларга Аллоҳ мағфиратни ва улуғ ажрни тайёрлаб қўйгандир» [Аҳзоб: 35].

## 19- Ислом аёлни эъзозлади. Уни эркак билан бир қаторга қўйди. Уни таъминлашни қодир бўлган эркакнинг зиммасига юклади. Қизни ота таъминлайди. Онани балоғатга етган бола таъминлайди. Аёлни эса эри таъминлайди.

Ислом аёлни эркак билан бир қаторга қўйди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аёллар эркакларнинг тенгхўрларидир» Термизий ривояти 113.

Ислом аёлни эъзозлаганининг далилларидан, боласининг қудрати етса, онасига нафақа қилишни вожиб қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Берувчи қўл олий ва афзалроқдир. (Беришни оилангдан бошла!) Онангга, отангга, опа-синглингга ва ака-укангга сўнгра ундан кейингиларига ва улардан кейингиларига». Имом Аҳмад ривояти. Ота-онанинг фазилати ва уларнинг маконатлари ҳақида кейинги мавзуларда келади.

Ва яна ислом аёлни эъзозлаганининг далилларидан, унинг умр йўлдоши агар қодир бўлса, нафақа билан уни таъминлашини вожиб қилди. Аллоҳ таоло айтади:

لِيُنفِقۡ ذُو سَعَةٖ مِّن سَعَتِهِۦۖ وَمَن قُدِرَ عَلَيۡهِ رِزۡقُهُۥ فَلۡيُنفِقۡ مِمَّآ ءَاتَىٰهُ ٱللَّهُۚ لَا يُكَلِّفُ ٱللَّهُ نَفۡسًا إِلَّا مَآ ءَاتَىٰهَاۚ سَيَجۡعَلُ ٱللَّهُ بَعۡدَ عُسۡرٖ يُسۡرٗا﴿٧﴾.

«Ризқи кенг кенглигидан нафақа қилсин. Кимнинг ризқи тор бўлса, унга Аллоҳ берганидан нафақа қилсин. Аллоҳ ҳар бир нафсни Ўзи берганидан ортиқчага таклиф қилмас. Аллоҳ қийинчиликдан сўнг тезда осонликни берадир» [Толақ: 7]. Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Аёлнинг эри устидаги ҳаққи нимадир», - деб сўради. «Овқатланганингда овқатлантирасан, кийинсанг кийинтирасан, юзига урмайсан ва уни зуникка чиқармайсан», -дедилар. Имом Аҳмад ривояти. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларни эрларининг устидаги баъзи ҳақларини баён қилиб айтдилар: «Сизларнинг устингларга уларга маъруф ила ризқ беришинглар, кийинтиришинглар вожибдир». Саҳиҳ Муслим. Ва яна бошқа ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Кишига қўл остидагиларини зое қилишдай катта гуноҳ (дўзахга киришига) етарли бўлади». Имом Аҳмад ривояти. Хаттобий роҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Қўл остидагилари» деган сўзга келсак. Бу ерда садақа берувчига: «Аҳли-оиланг ва нафақа

билан таъминлашинг керак бўлган инсонлар муҳтож бўлиб турганда, уларни қўйиб бошқаларга садақа қилиш билан ажр талаб қилма, агар-да шундай қиладиган бўлсанг, савоб ўрнига гуноҳ олиб қоласан», дегандай бўлмоқда.

Ислом аёлни эъзозлаганидан қизини нафақа билан таъминлашни отасига вожиб қилди. Аллоҳ таоло айтади:

۞ وَٱلْوَٰلِدَٰتُ يُرْضِعْنَ أَوْلَٰدَهُنَّ حَوْلَيْنِ كَامِلَيْنِۖ لِمَنْ أَرَادَ أَن يُتِمَّ ٱلرَّضَاعَةَۚ وَعَلَى ٱلْمَوْلُودِ لَهُۥ رِزْقُهُنَّ وَكِسْوَتُهُنَّ بِٱلْمَعْرُوفِۚ لَا تُكَلَّفُ نَفْسٌ إِلَّا وُسْعَهَاۚ لَا تُضَآرَّ وَٰلِدَةُۢ بِوَلَدِهَا وَلَا مَوْلُودٌ لَّهُۥ بِوَلَدِهِۦۚ وَعَلَى ٱلْوَارِثِ مِثْلُ ذَٰلِكَۗ فَإِنْ أَرَادَا فِصَالًا عَن تَرَاضٍ مِّنْهُمَا وَتَشَاوُرٍ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَاۗ وَإِنْ أَرَدتُّمْ أَن تَسْتَرْضِعُوٓا۟ أَوْلَٰدَكُمْ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِذَا سَلَّمْتُم مَّآ ءَاتَيْتُم بِٱلْمَعْرُوفِۗ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٢٣٣﴾.

«Ким эмизишни батамом қилишни ирода қилса, оналар фарзандларни тўлиқ икки йил эмизадилар. Уларни яхшилаб едириб, кийинтириш отанинг зиммасидадир» [Бақара: 233]. Аллоҳ таоло отага туғилган боласини яхшилик ила таом ва кийим билан таъминлаши керак эканини баёнлаб қўйди. Аллоҳ таоло айтади:

أَسْكِنُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ سَكَنتُم مِّن وُجْدِكُمْ وَلَا تُضَآرُّوهُنَّ لِتُضَيِّقُوا۟ عَلَيْهِنَّۚ وَإِن كُنَّ أُو۟لَٰتِ حَمْلٍ فَأَنفِقُوا۟ عَلَيْهِنَّ حَتَّىٰ يَضَعْنَ حَمْلَهُنَّۚ فَإِنْ أَرْضَعْنَ لَكُمْ فَـَٔاتُوهُنَّ أُجُورَهُنَّۖ وَأْتَمِرُوا۟ بَيْنَكُم بِمَعْرُوفٍۖ وَإِن تَعَاسَرْتُمْ فَسَتُرْضِعُ لَهُۥٓ أُخْرَىٰ ﴿٦﴾.

«Агар сизга (фарзандни) эмизиб берсалар, ҳақларини беринглар» [Толақ: 6]. Аллоҳ таоло болани эмизиб берадиган эмизувчининг тўловини ҳам отанинг бўйнига қўйди. Шундай қилиб, бу оят отага боласини, хоҳ қиз бўлсин, хоҳ ўғил, нафақа билан таъминлаши керак эканлигига далолат қилади. Ҳозир яна бир ҳадис зикр қиламиз. У ҳадисда ҳам Ота аҳлини ва болаларини нафақа билан таъминлаши керак эканлигини таъкидлайди. Оиша розияллоҳу анҳо ривоят қиладилар: «Ҳинд[1]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Абу суфён бахил киши, мен унинг молидан олишга мухтожман», - деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўзинг ва болангга кифоя қилгунча маъруф ила олавер», – дедилар. Бухорий ривояти. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қизларига ва опа сингилларига нафақа беришнинг фазилатини баён қилиб шундай дедилар: «Ким то вояга етгунча ёки вояга етмасларидан ўлгунча, икки ёки уч қизни ёки икки ёки уч опа синглисини ўз қарамоғига олса, мен ва у шундай бўламиз», –дедилар. Ва кўрсатгич бармоқлари билан ўрта бармоқларини бир қилиб ишора қилдилар. Саҳиҳ силсила 296.

## 20- Ўлим абадий йўқ бўлиб кетиш эмас. У амал диёридан, жазо ва мукофот диёрига кўчиб ўтиш, холос. Ўлим жасадга ҳам, руҳга ҳам тегишли. Руҳнинг ўлими баданни тарк этишидир. Қиёмат куни қайта тирилиш юз берганида руҳлар жасадларга қайтади. Бир жасаднинг руҳи бошқа бир жасадга кўчиб ўтмайди. Бир жасаднинг руҳидан бошқа бир жасад учун нусха кўчирилмайди.

Ўлим абадий йўқ бўлиб кетиш эмас. Аллоҳ таоло айтади:

۞ قُلْ يَتَوَفَّىٰكُم مَّلَكُ ٱلْمَوْتِ ٱلَّذِى وُكِّلَ بِكُمْ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّكُمْ تُرْجَعُونَ ﴿١١﴾.

«Сиз: «Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонингизни оладир. Сўнгра Роббингизга қайтарилурсиз», деб айтинг» [Сажда: 11]. Ўлим жасадга ҳам, руҳга ҳам тегишли. Руҳнинг ўлими баданни тарк этишидир. Қиёмат куни қайта тирилиш юз берганида руҳлар жасадларга қайтади. Аллоҳ таоло айтади:

ٱللَّهُ يَتَوَفَّى ٱلْأَنفُسَ حِينَ مَوْتِهَا وَٱلَّتِى لَمْ تَمُتْ فِى مَنَامِهَا ۖ فَيُمْسِكُ ٱلَّتِى قَضَىٰ عَلَيْهَا ٱلْمَوْتَ وَيُرْسِلُ ٱلْأُخْرَىٰٓ إِلَىٰٓ أَجَلٍ مُّسَمًّى ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿٤٢﴾.

«Аллоҳ жонларни ўлими вақтида, ўлмаганларини эса, уйқуси вақтида олур. Бас, ўлишига ҳукм қилганларини ушлаб қолур, қолганларини маълум муддатгача қўйиб юборур. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-ибратлар бордир» [Зумар: 42]. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Агар руҳ бадандан чиқарилса, кўз унга эргашади» Муслим ривояти 920. Ўлимдан кейин инсон амал диёридан мукофот ва жазо диёрига кўчиб ўтади. Аллоҳ таоло айтади:

إِلَيْهِ مَرْجِعُكُمْ جَمِيعًا ۖ وَعْدَ ٱللَّهِ حَقًّا ۚ إِنَّهُۥ يَبْدَؤُا۟ ٱلْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُۥ لِيَجْزِىَ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ بِٱلْقِسْطِ ۚ وَٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ لَهُمْ شَرَابٌ مِّنْ حَمِيمٍ وَعَذَابٌ أَلِيمٌۢ بِمَا كَانُوا۟ يَكْفُرُونَ ﴿٤﴾.

«Барчангизнинг қайтишингиз Унгадир. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Албатта, У аввал бошда (барчани) Ўзи яратади. Сўнгра иймон келтирган ва яхши амал қилганларни адолат-ла мукофотлаш учун уларни қайтарур. Кофир бўлганлар эса, куфр келтирганлари учун уларга қайноқ сувдан шароб ва аламли азоб бордир» [Юнус: 4].

Бир жасаднинг руҳидан бошқа бир жасад учун нусха кўчирилмайди. Бошқа бир нусхага кўчирилиши ҳақидаги даъволарга на ақлдан, на нақлдан бирор хил далил йўқдир.

Бирорта пайғамбардан етиб келган бирорта бу тўғрисида гап йўқдир.

## 21- Ислом иймоннинг энг катта асосларига, яъни Аллоҳга, Унинг фаришталарига, Таврот, Инжил ва Забур каби илоҳий китобларнинг аслига (ўзгартириб юборилганидан олдинги шаклига) ва Қуръонга, ҳамма пайғамбарларга, уларнинг охиргиси Муҳаммад алайҳиссаломга, қиёмат кунига, ҳамда қазо ва қадарга иймон келтиришга даъват этади.

Ислом ҳамма бундан олдинги пайғамбарлар даъват қилган, иймоннинг энг катта асосларига даъват қилади. Улардан:

Биринчиси: Аллоҳ таолони Робб, яратувчи, ризқ берувчи ва ҳамма нарсани тадбир қилиб бошқариб турувчи деб иймон келтиришдир. Ва яна у зотнинг ўзигина ибодатга ҳақли, у Зотдан бошқа ҳамма олиҳалар ва уларга қилинган ибодатлар ботил ва у зотдан бошқа нарсалар ибодатга лойиқ эмасдир деб иймон келтиришдир.

Аллоҳ таоло бу улуғ иймоннинг асосларини Қуръондаги ҳар хил оятларда, турли ўринларда зикр қилди. Уларда Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзи:

ءَامَنَ ٱلرَّسُولُ بِمَآ أُنزِلَ إِلَيْهِ مِن رَّبِّهِۦ وَٱلْمُؤْمِنُونَ ۚ كُلٌّ ءَامَنَ بِٱللَّهِ وَمَلَٰٓئِكَتِهِۦ وَكُتُبِهِۦ وَرُسُلِهِۦ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِّن رُّسُلِهِۦ ۚ وَقَالُوا۟ سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا ۖ غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ ٱلْمَصِيرُ ﴿٢٨٥﴾.

«Пайғамбар унга ўз Роббидан туширилган нарсага иймон келтирди ва мўминлар ҳам. Барча Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига иймон келтирди. Унинг Пайғамбарларининг бирорталарини ажратмаймиз. Ва эшитдик ва итоат қилдик, эй Роббимиз мағфаратингни сўраймиз ва қайтиб бориш Сенгадир»,- дедилар. [Бақара: 285]. .

۞ لَّيْسَ ٱلْبِرَّ أَن تُوَلُّوا۟ وُجُوهَكُمْ قِبَلَ ٱلْمَشْرِقِ وَٱلْمَغْرِبِ وَلَٰكِنَّ ٱلْبِرَّ مَنْ ءَامَنَ بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ وَٱلْمَلَٰٓئِكَةِ وَٱلْكِتَٰبِ وَٱلنَّبِيِّـۧنَ وَءَاتَى ٱلْمَالَ عَلَىٰ حُبِّهِۦ ذَوِى ٱلْقُرْبَىٰ وَٱلْيَتَٰمَىٰ وَٱلْمَسَٰكِينَ وَٱبْنَ ٱلسَّبِيلِ وَٱلسَّآئِلِينَ وَفِى ٱلرِّقَابِ وَأَقَامَ ٱلصَّلَوٰةَ وَءَاتَى ٱلزَّكَوٰةَ وَٱلْمُوفُونَ بِعَهْدِهِمْ إِذَا عَٰهَدُوا۟ ۖ وَٱلصَّٰبِرِينَ فِى ٱلْبَأْسَآءِ وَٱلضَّرَّآءِ وَحِينَ ٱلْبَأْسِ ۗ أُو۟لَٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ صَدَقُوا۟ ۖ وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُتَّقُونَ ﴿١٧٧﴾.

«Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига бураверишингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳга, Охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган, ўзи яхши кўриб туриб молини қариндош-уруғларига, етим-есирларга, мискин-бечораларга, йўловчи-мусофирларга, тиланчи-гадоларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўкис адо қилиб, закотни берадиган киши яхши кишидир ва аҳдлашганларида аҳдларига вафо қилгувчилар ва, хусусан, оғир-енгил кунларда ва жангу жадал пайтида сабр-тоқат қилгувчилар яхши кишилардир. Ана ўшалар чин иймонли кишилардир ва ана ўшалар асл тақводорлардир» [Бақара: 177]. Аллоҳ таоло иймоннинг шу асларига иймон келтиришга даъват қилди. Энди кимки бунга куфр келтирадиган бўлса, шубҳасиз, қаттиқ адашган бўлади.

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ ءَامِنُواْ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ وَٱلْكِتَٰبِ ٱلَّذِى نَزَّلَ عَلَىٰ رَسُولِهِۦ وَٱلْكِتَٰبِ ٱلَّذِىٓ أَنزَلَ مِن قَبْلُ ۚ وَمَن يَكْفُرْ بِٱللَّهِ وَمَلَٰٓئِكَتِهِۦ وَكُتُبِهِۦ وَرُسُلِهِۦ وَٱلْيَوْمِ ٱلْءَاخِرِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَٰلًۢا بَعِيدًا ﴿١٣٦﴾.

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга, Унинг Расулига, У Ўз Расулига туширган китобга ва бундан олдин туширган китобга иймон келтиринг. Ким Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига ва охират кунига куфр келтирса, батаҳқиқ, қаттиқ адашган бўладир» [Нисо: 136]. Ҳадисда Умар ибн Хаттобдан келишича: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида ўтирган эдик. Бир пайт кийимлари оппоқ, соч-соқоли қоп-қора, устида сафар аломати кўринмаётган (кийимларига гард қўнмаган-ки, узоқдан сафар қилиб келибди, десак) ва биронтамиз ҳам уни танимайдиган бир киши тўсатдан кириб келди. У Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келиб ўтирди, икки тиззасини (Росулуллоҳнинг) тиззаларига тиради (юзма-юз, бақамти бўлиб ўтириб олди), икки қўлини (ўзининг) сони устига қўйиб, «Эй Муҳаммад, менга Ислом ҳақида хабар бер», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ислом – «Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва, албатта, Муҳаммад Унинг элчисидир», деб гувоҳлик беришинг, намоз ўқишинг, закотни беришинг, Рамазон (ойи) рўзасини тутишинг ва йўлига қодир бўлсанг Байтга (Каъбага) ҳаж қилиб боришинг», дедилар. У: «Тўғри айтдинг», деди. Унинг ишидан ажабландик: ўзи сўраб, (жавобни) ўзи тасдиқлаяпти. Кейин: «Менга иймон ҳақида хабар бер», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «(Иймон) Аллоҳга, Унинг малоика-фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига ва қадарнинг яхшию ёмонига иймон келтиришинг»,- дедилар. У (одам): «Тўғри айтдинг», деб, кейин «Энди эҳсон ҳақида хабар бер», - деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

саллам: «(Эҳсон) Аллоҳга Уни кўриб тургандек ибодат қилишинг. Агар Уни кўрмасанг, У сени кўради (биринчи ҳолатдагидек ибодат қила олмасанг, унда иккинчи ҳолатдагидек – Аллоҳ сени кўриб турганини ҳис қилиб, Унга ибодат қил)»,- дедилар. Саҳиҳ Муслим 8. Бу ҳадисда Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга диннинг мартабалари ҳақида сўраш учун келдилар.

Диннинг мартабалари: Ислом, иймон ва эҳсондир. Жибрил алайҳиссаломга жавоб бергач, саҳобаи кироммларга келган киши Жаброил алайҳиссалом эканликларини ва уларга ўз динларини ўргатиш учун келганларининг хабарини бердилар. Бу илоҳий рисола Иломдир, Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нақл қилдилар, ҳамда у киши инсонларга етказдилар. Саҳобаи киромлар эса, ёдлаб олиб, ўзларидан кейинги бошқа инсонларга етказдилар. Энди иккинчисига келсак у малоикаларга иймон келтириш. Улар ғайбий бир оламдирлар. Аллоҳ таоло уларни яратди, уларга маълум бир ҳайъат берди, уларни улуғ ишларга масъул қилди. Уларнинг энг улуғ ишларидан - Аллоҳни рисолатини пайғамбарларга етказишдир. Малоикаларнинг ичидаги энг улуғи Жаброил алайҳиссалом. Бунга далил у зотни Аллоҳ ўз рисоласига жавобгар қилишидир. Аллоҳ таоло айтади:

يُنَزِّلُ ٱلْمَلَـٰٓئِكَةَبِٱلرُّوحِ مِنْ أَمْرِهِۦ عَلَىٰ مَن يَشَآءُ مِنْ عِبَادِهِۦٓ أَنْ أَنذِرُوٓا۟ أَنَّهُۥلَآ إِلَـٰهَ إِلَّآ أَنَا۠ فَٱتَّقُونِ﴿٢﴾.

«У Ўз амри ила фаришталарни руҳ-ваҳий билан бандаларидан Ўзи хоҳлаганларига: «Огоҳлантиринглар. Албатта, Мендан ўзга илоҳ йўқ. Бас, Менга тақво қилинглар», - деб нозил қиладир» [Нахл: 2]. .

وَإِنَّهُۥ لَتَنزِيلُ رَبِّ ٱلۡعَٰلَمِينَ﴿١٩٢﴾نَزَلَ بِهِ ٱلرُّوحُ ٱلۡأَمِينُ﴿١٩٣﴾عَلَىٰ قَلۡبِكَ لِتَكُونَ مِنَ ٱلۡمُنذِرِينَ﴿١٩٤﴾بِلِسَانٍ عَرَبِيّٖ مُّبِينٖ﴿١٩٥﴾وَإِنَّهُۥ لَفِي زُبُرِ ٱلۡأَوَّلِينَ﴿١٩٦﴾.

«Албатта, у (Қуръон) Роббул Оламийннинг туширганидир. Уни Руҳул амийн олиб тушди. «Сизнинг қалбингизга, огоҳлантиргувчилардан бўлишингиз учун. Очиқ-ойдин араб тилида. Албатта, у (Қуръон) аввалгиларининг китобларида ҳам бордир» [Шуаро: 192-196].

Учинчиси: Илоҳий китобларга иймон келтириш. Улар жумласидан: Таврот, Инжил ва Забур китобларининг ўзгартирилишидан олдинги ҳолатига иймон келтириш ва улардан кейинги ва охирги китоб Қуръон эканига иймон келтиришдир. Аллоҳ таоло айтади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ ءَامِنُواْ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ وَٱلۡكِتَٰبِ ٱلَّذِي نَزَّلَ عَلَىٰ رَسُولِهِۦ وَٱلۡكِتَٰبِ ٱلَّذِيٓ أَنزَلَ مِن قَبۡلُۚ وَمَن يَكۡفُرۡ بِٱللَّهِ وَمَلَٰٓئِكَتِهِۦ وَكُتُبِهِۦ وَرُسُلِهِۦ وَٱلۡيَوۡمِ ٱلۡأٓخِرِ فَقَدۡ ضَلَّ ضَلَٰلَۢا بَعِيدًا ﴿١٣٦﴾.

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга, Унинг Расулига, У Ўз Расулига туширган китобга ва бундан олдин туширган китобга иймон келтиринг. Ким Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига ва охират кунига куфр келтирса, батаҳқиқ, қаттиқ адашган бўладир» [Нисо: 136]. .

نَزَّلَ عَلَيۡكَ ٱلۡكِتَٰبَ بِٱلۡحَقِّ مُصَدِّقٗا لِّمَا بَيۡنَ يَدَيۡهِ وَأَنزَلَ ٱلتَّوۡرَىٰةَ وَٱلۡإِنجِيلَ﴿٣﴾مِن قَبۡلُ هُدٗى لِّلنَّاسِ وَأَنزَلَ ٱلۡفُرۡقَانَۗ إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ لَهُمۡ عَذَابٞ شَدِيدٞۗ وَٱللَّهُ عَزِيزٞ ذُو ٱنتِقَامٍ﴿٤﴾.

«У сенга китобни ҳақ ила ўзидан аввалги нарсани тасдиқловчи қилиб туширди ҳамда Таврот ва Инжилни туширди. Ундан олдин одамларга ҳидоят қилиб, ва Фурқонни ҳам туширди. Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганларга шиддатли азоб бор. Аллоҳ азиз ва интиқом олувчи зотдир» [Оли Имрон: 3-4]. .

ءَامَنَ ٱلرَّسُولُ بِمَآ أُنزِلَ إِلَيۡهِ مِن رَّبِّهِۦ وَٱلۡمُؤۡمِنُونَۚ كُلٌّ ءَامَنَ بِٱللَّهِ وَمَلَٰٓئِكَتِهِۦ وَكُتُبِهِۦ وَرُسُلِهِۦ لَا نُفَرِّقُ بَيۡنَ أَحَدٖ مِّن رُّسُلِهِۦۚ وَقَالُواْ سَمِعۡنَا وَأَطَعۡنَاۖ غُفۡرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيۡكَ ٱلۡمَصِيرُ﴿٢٨٥﴾.

«Пайғамбар унга ўз Роббидан туширилган нарсага иймон келтирди ва мўминлар ҳам. Барча Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига иймон келтирди. Унинг Пайғамбарларининг бирорталарини ажратмаймиз. Ва эшитдик ва итоат қилдик, эй Роббимиз мағфаратингни сўраймиз ва қайтиб бориш Сенгадир,» - дедилар. [Бақара: 285]. .

قُلۡ ءَامَنَّا بِٱللَّهِ وَمَآ أُنزِلَ عَلَيۡنَا وَمَآ أُنزِلَ عَلَىٰٓ إِبۡرَٰهِيمَ وَإِسۡمَٰعِيلَ وَإِسۡحَٰقَ وَيَعۡقُوبَ وَٱلۡأَسۡبَاطِ وَمَآ أُوتِيَ مُوسَىٰ وَعِيسَىٰ وَٱلنَّبِيُّونَ مِن رَّبِّهِمۡ لَا نُفَرِّقُ بَيۡنَ أَحَدٖ مِّنۡهُمۡ وَنَحۡنُ لَهُۥ مُسۡلِمُونَ ﴿٨٤﴾.

«Сиз: «Аллоҳга ва бизга туширилган нарсага, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва асботларга туширилган нарсага, Мусо, Ийсо ва Набийларга Роббиларидан берилган нарсага иймон келтирдик, улардан бирортасини ажратмаймиз ва биз Унгагина мусулмонмиз!» деб айтинг!» [Оли Имрон: 84]. Тўртинчиси: Барча анбиё ва пайғамбарларга иймон келтиришдир. Барча пайғамбарларга иймон келтириш вожибдир. Ва яна уларнинг барчалари Аллоҳдан юборилган элчилар, улар Аллоҳнинг динини, шариатини инсонларга етказадилар. Аллоҳ таоло айтади:

قُولُوٓاْ ءَامَنَّا بِٱللَّهِ وَمَآ أُنزِلَ إِلَيۡنَا وَمَآ أُنزِلَ إِلَىٰٓ إِبۡرَٰهِـۧمَ وَإِسۡمَٰعِيلَ وَإِسۡحَٰقَ وَيَعۡقُوبَ وَٱلۡأَسۡبَاطِ وَمَآ أُوتِيَ مُوسَىٰ وَعِيسَىٰ وَمَآ أُوتِيَ ٱلنَّبِيُّونَ مِن رَّبِّهِمۡ لَا نُفَرِّقُ بَيۡنَ أَحَدٖ مِّنۡهُمۡ وَنَحۡنُ لَهُۥ مُسۡلِمُونَ ﴿١٣٦﴾.

«Айтинглар: «Аллоҳга ва бизга туширилган нарсага, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, асботларга туширилган нарсага, Мусо ва Ийсога берилган нарсага ва Пайғамбарларга Роббиларидан берилган нарсага иймон келтирдик. Уларнинг орасидан

биротасини фарқламаймиз ва биз Унга мусулмонлармиз» [Бақара: 136]. .

ءَامَنَ ٱلرَّسُولُ بِمَآ أُنزِلَ إِلَيۡهِ مِن رَّبِّهِۦ وَٱلۡمُؤۡمِنُونَۚ كُلٌّ ءَامَنَ بِٱللَّهِ وَمَلَٰٓئِكَتِهِۦ وَكُتُبِهِۦ وَرُسُلِهِۦ لَا نُفَرِّقُ بَيۡنَ أَحَدٖ مِّن رُّسُلِهِۦۚ وَقَالُواْ سَمِعۡنَا وَأَطَعۡنَاۖ غُفۡرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيۡكَ ٱلۡمَصِيرُ﴿٢٨٥﴾.

«Пайғамбар унга ўз Роббидан туширилган нарсага иймон келтирди ва мўминлар ҳам. Барча Аллоҳга, Унинг фариштаrларига, китобларига, Пайғамбарларига иймон келтирди. Унинг Пайғамбарларининг бирорталарини ажратмаймиз. Ва эшитдик ва итоат қилдик, эй Роббимиз мағфаратингни сўраймиз ва қайтиб бориш Сенгадир» - дедилар» [Бақара: 285]. .

قُلۡ ءَامَنَّا بِٱللَّهِ وَمَآ أُنزِلَ عَلَيۡنَا وَمَآ أُنزِلَ عَلَىٰٓ إِبۡرَٰهِيمَ وَإِسۡمَٰعِيلَ وَإِسۡحَٰقَ وَيَعۡقُوبَ وَٱلۡأَسۡبَاطِ وَمَآ أُوتِيَ مُوسَىٰ وَعِيسَىٰ وَٱلنَّبِيُّونَ مِن رَّبِّهِمۡ لَا نُفَرِّقُ بَيۡنَ أَحَدٖ مِّنۡهُمۡ وَنَحۡنُ لَهُۥ مُسۡلِمُونَ ﴿٨٤﴾.

«Сиз: «Аллоҳга ва бизга туширилган нарсага, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва асботларга туширилган нарсага, Мусо, Ийсо ва Набийларга Роббиларидан берилган нарсага иймон келтирдик, улардан бирортасини ажратмаймиз ва биз Унгагина мусулмонмиз!»,- деб айтинг» [Оли Имрон: 84]. Пайғамбарларнинг хотами-охиргиси бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтириш ҳам, алоҳида вожибдир. Аллоҳ таоло айтади:

وَإِذۡ أَخَذَ ٱللَّهُ مِيثَٰقَ ٱلنَّبِيِّـۧنَ لَمَآ ءَاتَيۡتُكُم مِّن كِتَٰبٖ وَحِكۡمَةٖ ثُمَّ جَآءَكُمۡ رَسُولٞ مُّصَدِّقٞ لِّمَا مَعَكُمۡ لَتُؤۡمِنُنَّ بِهِۦ وَلَتَنصُرُنَّهُۥۚ قَالَ ءَأَقۡرَرۡتُمۡ وَأَخَذۡتُمۡ عَلَىٰ ذَٰلِكُمۡ إِصۡرِيۖ قَالُوٓاْ أَقۡرَرۡنَاۚ قَالَ فَٱشۡهَدُواْ وَأَنَا۠ مَعَكُم مِّنَ ٱلشَّٰهِدِينَ﴿٨١﴾.

«Аллоҳ Набийлардан: «Сизларга китоб ва ҳикмат берганим учун, кетингиздан сизлардаги нарсани тасдиқловчи Пайғамбар келганда, албатта унга иймон келтирасиз ва ёрдам берасиз, – деб аҳду паймонларини олиб туриб: –Иқрор бўлдингизми? Бу

ҳақда ишончли аҳду паймонимни қабул қилдингизми?» деганини эсла. Улар: «Иқрор бўлдик», дейишди. У: «Бас, гувоҳ бўлинглар, мен ҳам гувоҳ бўлувчиларданман»,- деди» [Оли Имрон 81]. Ислом, умумий олганда, барча пайғамбарларга ва уларнинг охиргиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтиришни инсонларга вожиб қилади. Аллоҳ таоло айтади:

قُلْ يَٰٓأَهْلَ ٱلْكِتَٰبِ لَسْتُمْ عَلَىٰ شَىْءٍ حَتَّىٰ تُقِيمُوا۟ ٱلتَّوْرَىٰةَ وَٱلْإِنجِيلَ وَمَآ أُنزِلَ إِلَيْكُم مِّن رَّبِّكُمْ ۗ وَلَيَزِيدَنَّ كَثِيرًا مِّنْهُم مَّآ أُنزِلَ إِلَيْكَ مِن رَّبِّكَ طُغْيَٰنًا وَكُفْرًا ۖ فَلَا تَأْسَ عَلَى ٱلْقَوْمِ ٱلْكَٰفِرِينَ﴿٦٨﴾.

«Сиз: «Эй аҳли китоблар! Таврот, Инжил ва сизга Роббингиздан нозил қилинган нарсага амал қилмагунларингизгача ҳеч нарсага арзимайсизлар»,- деб айтинг» [Маида: 68]. .

قُلْ يَٰٓأَهْلَ ٱلْكِتَٰبِ تَعَالَوْا۟ إِلَىٰ كَلِمَةٍ سَوَآءٍۭ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ أَلَّا نَعْبُدَ إِلَّا ٱللَّهَ وَلَا نُشْرِكَ بِهِۦ شَيْـًٔا وَلَا يَتَّخِذَ بَعْضُنَا بَعْضًا أَرْبَابًا مِّن دُونِ ٱللَّهِ ۚ فَإِن تَوَلَّوْا۟ فَقُولُوا۟ ٱشْهَدُوا۟ بِأَنَّا مُسْلِمُونَ ﴿٦٤﴾.

«Сиз: «Эй аҳли китоблар! Бизга ҳам, сизга ҳам баробар сўзга келинг: Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб, баъзимиз - баъзимизни Робб қилиб олмайлик»,- деб айтинг. Бас, агар юз ўгирсалар: «Гувоҳ бўлинглар, биз, албатта, мусулмонлармиз»,- деб айтинглар» [Оли Имрон: 64]. Кимки битта пайғамбарга куфр келтирса, барча пайғамбарларга куфр келтирган билан тенг бўлади. Шунинг учун Аллоҳ таоло Нуҳ алаҳиссалом қавми ҳақида айтади.

كَذَّبَتْ قَوْمُ نُوحٍ ٱلْمُرْسَلِينَ﴿١٠٥﴾.

«Нуҳ қавми Пайғамбарларни ёлғончига чиқарди» [Шуаро: 105]. Бизга маълумки, Нуҳ алайҳиссаломдан олдин ҳеч қандай

Расул ўтмаган. Шунга қарамасдан Нуҳ алаҳиссаломнинг ўзига куфр келтириб, ёлғонга чиқаришлари билан ҳамма пайғамбарларни ёлғонга чиқаргандай бўлиб қолдилар. Чунки ҳамма пайғамбарларнинг ғояси битта, ва улар барчаси битта нарсага даъват қилишади. Шунинг учун барча пайғамбарларни ёлғонга чиқарган билан тенг бўлдилар. Бешинчиси: Қиёмат кунига иймон келтиришдир. Яъни бу дунёнинг охирги кунига иймон келтириш. Аллоҳ таоло Исрофил алайҳиссаломни сур чалишга буюради. Чалгандан кейин ҳамма чақмоқ чалгандай ўлади. Аллоҳ таоло айтади:

وَنُفِخَ فِى ٱلصُّورِ فَصَعِقَ مَن فِى ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَمَن فِى ٱلْأَرْضِ إِلَّا مَن شَآءَ ٱللَّهُ ۖ ثُمَّ نُفِخَ فِيهِ أُخْرَىٰ فَإِذَا هُمْ قِيَامٌ يَنظُرُونَ ﴿٦٨﴾.

«Ва сурга пуфланди. Осмонлару ерда ким бўлса, қулаб ўлди. Магар Аллоҳ хоҳлаганларгина қолди. Сўнгра унга яна бир бор пуфланди. Бас, тўсатдан улар туриб интизор бўлурлар» [Зумар: 68]. Аллоҳ таоло хоҳлаганлардан бошқа барча ўлгандан кейин Аллоҳ таоло осмону ерларни буклайди. Аллоҳ таоло айтади:

يَوْمَ نَطْوِى ٱلسَّمَآءَ كَطَىِّ ٱلسِّجِلِّ لِلْكُتُبِ ۚ كَمَا بَدَأْنَآ أَوَّلَ خَلْقٍ نُّعِيدُهُۥ ۚ وَعْدًا عَلَيْنَآ ۚ إِنَّا كُنَّا فَـٰعِلِينَ ﴿١٠٤﴾.

«Ўша кунда осмонни худди мактуб ёзилган дафтарни ёпгандек ёпамиз. Аввал қандай яратган бўлсак, шундай ҳолга қайтарамиз. Бу зиммамиздаги ваъдадир. Албатта, Биз буни қилгувчимиз» [Анбиё: 104]. .

وَمَا قَدَرُوا۟ ٱللَّهَ حَقَّ قَدْرِهِۦ وَٱلْأَرْضُ جَمِيعًا قَبْضَتُهُۥ يَوْمَ ٱلْقِيَـٰمَةِ وَٱلسَّمَـٰوَٰتُ مَطْوِيَّـٰتٌۢ بِيَمِينِهِۦ ۚ سُبْحَـٰنَهُۥ وَتَعَـٰلَىٰ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٦٧﴾.

«Улар Аллоҳни тўғри таний олмадилар! Бутун Ер Қиёмат Кунида Унинг қабзаси — чангали(дадир). Осмонлар эса Унинг қўлига йиғилгандир. У зот уларнинг ширкларидан пок ва

юксакдир» [Зумар: 67]. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Қиёмат кунида Аллоҳ азза ва жалла осмонларни буклаб ўнг қўлига олиб дейди: «Мен (Молик) Подшоҳман, қани жабборлар, қани мутакаббирлар?» Сўнгра ерларни буклаб чап қўлига олиб дейди: «Мен (Молик) Подшоҳман, қани жабборлар, қани мутакаббирлар?» Муслим ривояти. Сўнгра Аллоҳ таоло фариштага сурни(шохни) иккинчи маротаба пуфлашни буюради ва халойиқлар қайта тирилиб Роббиларининг амрига интизор бўлурлар. Аллоҳ таоло айтади:

وَنُفِخَ فِى ٱلصُّورِ فَصَعِقَ مَن فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَن فِى ٱلْأَرْضِ إِلَّا مَن شَآءَ ٱللَّهُ ۖ ثُمَّ نُفِخَ فِيهِ أُخْرَىٰ فَإِذَا هُمْ قِيَامٌ يَنظُرُونَ ﴿٦٨﴾.

«Сўнгра у иккинчи бор чалинди-да, баногоҳ улар (яъни, барча халойиқ қайта тирилди, қабрларидан) туриб, (Аллоҳнинг амрига) кўз тутарлар» [Зумар: 68]. Аллоҳ таоло инсонларни қайта тирилтиргандан сўнг ҳисоб килиш учун уларни бир жойга жамлайди. Аллоҳ таоло айтади:

«У Кунда уларнинг устидаги Ер ёрилиб, (улар) шошган ҳолларида (қабрларидан чиқиб келурлар). Бу (яъни, Қиёмат Кунида барча халойиқни ҳисоб-китоб учун тўплаш) ёлғиз Бизгагина осон бўлган тўплашдир» [Қоф: 44]. .

يَوْمَ هُم بَٰرِزُونَ ۖ لَا يَخْفَىٰ عَلَى ٱللَّهِ مِنْهُمْ شَىْءٌ ۚ لِّمَنِ ٱلْمُلْكُ ٱلْيَوْمَ ۖ لِلَّهِ ٱلْوَٰحِدِ ٱلْقَهَّارِ ﴿١٦﴾.

«Ўша кунда улар зоҳир бўлурлар. Аллоҳга улардан бирон нарса махфий қолмас. Бугун мулк кимникидир?! Яккаю ёлғиз, ўта қаҳрли Аллоҳникидир!» [Ғофир: 16]. Ўша кунда Аллоҳ таоло барча инсонларни ҳисоб-китоб килиб, ҳар бир мазлумнинг ҳаққини олиб бериб, ва ҳамма инсонларга амалларига яраша мукофот берур. Аллоҳ таоло айтади:

ٱلْيَوْمَ تُجْزَىٰ كُلُّ نَفْسٍۭ بِمَا كَسَبَتْ ۚ لَا ظُلْمَ ٱلْيَوْمَ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ سَرِيعُ ٱلْحِسَابِ ﴿١٧﴾.

«Бу Кунда ҳар бир жон ўзи қилган иш-амали билан жазоланур. Бу Кунда (ҳеч кимга) зулм қилинмас. Албатта Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилгувчи Зотдир» [Ғофир: 17]. .

﴿إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَظۡلِمُ مِثۡقَالَ ذَرَّةٖۖ وَإِن تَكُ حَسَنَةٗ يُضَٰعِفۡهَا وَيُؤۡتِ مِن لَّدُنۡهُ أَجۡرًا عَظِيمٗا﴿٤٠﴾.

«Албатта, Аллоҳ заррача ҳам зулм қилмас. Агар яхшилик бўлса, бир неча бор кўпайтирур ва Ўз ҳузуридан улуғ ажр берур» [Нисо: 40].

﴿فَمَن يَعۡمَلۡ مِثۡقَالَ ذَرَّةٍ خَيۡرٗا يَرَهُۥ﴿٧﴾ وَمَن يَعۡمَلۡ مِثۡقَالَ ذَرَّةٖ شَرّٗا يَرَهُۥ﴿٨﴾.

«Бас, ким (ҳаёти дунёдалик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қилса, (Қиёмат Кунида) ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур!» [Залзала: 7-8]. .

﴿وَنَضَعُ ٱلۡمَوَٰزِينَ ٱلۡقِسۡطَ لِيَوۡمِ ٱلۡقِيَٰمَةِ فَلَا تُظۡلَمُ نَفۡسٞ شَيۡـٔٗاۖ وَإِن كَانَ مِثۡقَالَ حَبَّةٖ مِّنۡ خَرۡدَلٍ أَتَيۡنَا
بِهَاۗ وَكَفَىٰ بِنَا حَٰسِبِينَ﴿٤٧﴾.

«Биз қиёмат куни учун адолат тарозуларини қўюрмиз. Бирор жонга ҳеч қандай зулм қилинмас. Агар (амал) хардал (ўсимлигининг) донаси оғирлигича бўлса ҳам, келтирурмиз. Ҳисобчиликда Ўзимиз кифоя қилурмиз» [Анбиё: 47].

Қайта тирилиш ва ҳисобдан кейин яхши амал қилганларга абадий туганмас роҳат, ёмон ва куфр амал қилганларга эса азоб бўлур. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ٱلۡمُلۡكُ يَوۡمَئِذٖ لِّلَّهِ يَحۡكُمُ بَيۡنَهُمۡۚ فَٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ وَعَمِلُواْ ٱلصَّٰلِحَٰتِ فِي جَنَّٰتِ ٱلنَّعِيمِ﴿٥٦﴾ وَٱلَّذِينَ
كَفَرُواْ وَكَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِنَا فَأُوْلَٰٓئِكَ لَهُمۡ عَذَابٞ مُّهِينٞ﴿٥٧﴾.

«У кунда подшоҳлик (ёлғиз) Аллоҳникидир. У зотнинг Ўзи улар ўртасида ҳукм қилур. Бас, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар ноз-неъматларга (тўла) жаннатлардадирлар. Куфр келтирган ва оятларимизни ёлғонга

чиқарганлар эса, бас, ана ўшаларга хорловчи азоб бордир» [Ҳаж: 56-57]. Билишимиз лозимки , агар-да дунё ҳаёти охирги манзил бўлганида эди , бу ҳаёт ва бизнинг вужудимиз ҳақиқий беҳудаликдан бошка нарса бўлмас эди. Аллоҳ таоло айтади:

أَفَحَسِبْتُمْ أَنَّمَا خَلَقْنَٰكُمْ عَبَثًا وَأَنَّكُمْ إِلَيْنَا لَا تُرْجَعُونَ ﴿١١٥﴾.

«Ёки сизларнинг гумонингизча, Биз сизларни беҳуда (яъни, дунёда сизлар-га бирон вазифа бермайдиган, Охиратда ҳисоб-китоб қилмайдиган ҳолда) яратдигу, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизларми?!» (Ундоқ эмас)! [Мўъминун: 115].

Олтинчи: Қазо ва Қадарга иймон келтириш ва у Аллоҳ таоло барча бўлиб ўтган ва келажакда бўладиган нарсаларни билишлиги ва буларнинг барчасини еру осмонларни яратишдан олдин ёзганлиги(тақдир қилгани)га иймон келтириш демакдир. Аллоҳ таоло айтади:

۞ وَعِندَهُۥ مَفَاتِحُ ٱلْغَيْبِ لَا يَعْلَمُهَآ إِلَّا هُوَ ۚ وَيَعْلَمُ مَا فِى ٱلْبَرِّ وَٱلْبَحْرِ ۚ وَمَا تَسْقُطُ مِن وَرَقَةٍ إِلَّا يَعْلَمُهَا وَلَا حَبَّةٍ فِى ظُلُمَٰتِ ٱلْأَرْضِ وَلَا رَطْبٍ وَلَا يَابِسٍ إِلَّا فِى كِتَٰبٍ مُّبِينٍ ﴿٥٩﴾.

«Ғайб очқичлари Унинг ҳузуридадирким, уларни ёлғиз Ўзигина билур. У қуруқлик ва денгиздаги бор нарсаларни билур. Бирон барг (шохидан узилиб) тушмас, магар У билур. Ер тубларидаги ҳар бир дон, бор ҳўлу қуруқ нарса, албатта, Очиқ Китобда (яъни, Лавҳул-Маҳфузда) мавжуддир» [Анъом: 59]. Аллоҳ ҳар бир нарсани ўз илми ила иҳота (ўраб) олгандир. Аллоҳ таоло айтади:

ٱللَّهُ ٱلَّذِى خَلَقَ سَبْعَ سَمَٰوَٰتٍ وَمِنَ ٱلْأَرْضِ مِثْلَهُنَّ يَتَنَزَّلُ ٱلْأَمْرُ بَيْنَهُنَّ لِتَعْلَمُوٓا۟ أَنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ وَأَنَّ ٱللَّهَ قَدْ أَحَاطَ بِكُلِّ شَىْءٍ عِلْمًۢا ﴿١٢﴾.

«Аллоҳ етти осмонни ва улар мислидек ерни яратган зотдир. Уларнинг орасидан У зотнинг амри тушадир. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир эканини ва, албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани Ўз илми ила ўраб олганини билишингиз учун» [Талоқ: 12]. Бу оламда барча содир бўлган нарса Аллоҳнинг иродаси , хоҳиши, яратиши ва муваффақияти билангина бўлур. Аллоҳ таоло айтади:

ٱلَّذِي لَهُۥ مُلۡكُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ وَلَمۡ يَتَّخِذۡ وَلَدٗا وَلَمۡ يَكُن لَّهُۥ شَرِيكٞ فِي ٱلۡمُلۡكِ وَخَلَقَ كُلَّ شَيۡءٖ فَقَدَّرَهُۥ تَقۡدِيرٗا﴿٢﴾.

«У — осмонлар ва Ернинг подшоҳлиги Ўзиники бўлган, бола-чақа қилмаган, подшоҳликда бирон шериги бўлмаган ва барча нарсани яратиб (аниқ) ўлчов билан ўлчаб қўйган Зотдир» [Фурқон: 2]. У(Аллоҳ) инсонлар эгалик қила олмайдиган улкан ҳикмат эгасидир. Аллоҳ таоло айтади:

حِكۡمَةُۢ بَٰلِغَةٞۖ فَمَا تُغۡنِ ٱلنُّذُرُ﴿٥﴾.

«Етук ҳикмат келдики, (унда куфру залолатдан тийилиш лозим эканлигини уқтиргувчи ибратлар бор эди). (Лекин улар ўзларининг куфрларидан тийилмадилар). Бас, (уларга ҳеч қандай) огоҳлантириш фойда бермас» [Қомар: 5]. .

وَهُوَ ٱلَّذِي يَبۡدَؤُاْ ٱلۡخَلۡقَ ثُمَّ يُعِيدُهُۥ وَهُوَ أَهۡوَنُ عَلَيۡهِۚ وَلَهُ ٱلۡمَثَلُ ٱلۡأَعۡلَىٰ فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِۚ وَهُوَ ٱلۡعَزِيزُ ٱلۡحَكِيمُ﴿٢٧﴾.

«У аввал бошда Ўзи яратиб, сўнгра (Қиёмат Кунида) Ўзи яна қайта яратадиган Зотдир. (Қайта яратиш — тирилтириш) У зотга жуда осондир. Осмонлар ва Ердаги энг юксак хислат (яъни, Тенгсиз — Ягоналик хислати) Уникидир. У қудрат ва ҳикмат Эгасидир» [Рум: 27]. Аллоҳ таоло ўзини ҳикмат билан васфлади ва ўзини Ал-Ҳаким деб номлади. Аллоҳ таоло айтади:

شَهِدَ ٱللَّهُ أَنَّهُۥ لَآ إِلَـٰهَ إِلَّا هُوَ وَٱلْمَلَـٰٓئِكَةُ وَأُو۟لُوا۟ ٱلْعِلْمِ قَآئِمًۢا بِٱلْقِسْطِ ۚ لَآ إِلَـٰهَ إِلَّا هُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ﴿١٨﴾.

«Аллоҳ адолат ила туриб, албатта, Ундан ўзга илоҳ йўқлигига шоҳидлик берди. Фаришталар ва илм эгалари ҳам. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У азиз ва ҳаким зотдир» [Оли Имрон: 18]. Аллоҳ таоло, Ийсо алайҳиссалом охират кунида (Аллоҳга) шундай деб мурожаат килишлигини баён килди:

إِن تُعَذِّبْهُمْ فَإِنَّهُمْ عِبَادُكَ ۖ وَإِن تَغْفِرْ لَهُمْ فَإِنَّكَ أَنتَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ﴿١١٨﴾.

«Агар уларни азобласанг, улар Сенинг ожиз бандаларинг. Агар уларни мағфират қилсанг, албатта, Сен Ўзинг қудрат, ҳикмат Эгасидирсан» [Моида: 118]. Аллоҳ таоло Тур (тоғи) ёнида турган Мусо алайҳиссаломга нидо килиб шундай деди:

يَـٰمُوسَىٰٓ إِنَّهُۥٓ أَنَا ٱللَّهُ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ﴿٩﴾.

«Эй Мусо, шак-шубҳасиз, Мен ғолиб ва ҳикмат соҳиби — Аллоҳдирман» [Намл: 9]. Буюк Қуръон ҳам у Зотни(Аллоҳни) улкан ҳикмат эгаси эканлигини баён этди. Аллоҳ таоло айтади:

الٓر ۚ كِتَـٰبٌ أُحْكِمَتْ ءَايَـٰتُهُۥ ثُمَّ فُصِّلَتْ مِن لَّدُنْ حَكِيمٍ خَبِيرٍ ﴿١﴾.

«Алиф, Лом, Ро. (Ушбу Китоб) ҳикмат Соҳиби ва (ҳамма нарсадан) хабардор Зот — Аллоҳ томонидан оятлари бузилмайдиган мустаҳкам ва муфассал қилиб (нозил қилинган) бир Китобдир» [Ҳуд: 1]. .

ذَٰلِكَ مِمَّآ أَوْحَىٰٓ إِلَيْكَ رَبُّكَ مِنَ ٱلْحِكْمَةِ ۗ وَلَا تَجْعَلْ مَعَ ٱللَّهِ إِلَـٰهًا ءَاخَرَ فَتُلْقَىٰ فِى جَهَنَّمَ مَلُومًا مَّدْحُورًا ﴿٣٩﴾.

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом), бу оятлар Роббингиз сизга ваҳий қилган ҳикматлардан айримларидир. Сиз Аллоҳ билан бирга яна бошқа бирон илоҳ бор деб,

маломатланган ва (Аллоҳ раҳматидан) қувилган ҳолда жаҳаннамга ташланманг» [Исро: 39].

# 22- Пайғамбарлар ( уларга Аллоҳнинг саломи бўлсин) Аллоҳнинг динини комил даражада етказдилар, улар соғлом ақл ва хулқ-атворга карши келадиган нуқсонлардан покдирлар ва улар Аллоҳнинг буйруқларини бандаларига етказувчи зотлар бўлиб, Рубубият ва Улуҳиятда уларнинг ҳеч кандай ҳиссалари йўқдир, балки улар ҳам бошқалар каби инсондирлар ва Роббиларининг ваҳийсини бошка инсонларга етказурлар.

Пайғамбарлар (уларга Аллоҳнинг саломи бўлсин) Аллоҳнинг ваҳийсини етказишда ноқисликка йўл қўймайдилар , чунки Аллоҳ таоло бу вазифа учун ўзининг энг яхши бандаларини танлагандир. Аллоҳ таоло айтади:

ٱللَّهُ يَصْطَفِي مِنَ ٱلْمَلَـٰٓئِكَةِ رُسُلًا وَمِنَ ٱلنَّاسِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ سَمِيعٌۢ بَصِيرٌ﴿٧٥﴾.

«Аллоҳ фаришталардан ва одамлардан Пайғамбарлар танлар. Албатта, Аллоҳ ўта эшитгувчи ва кўргувчидир» [Ҳаж: 75].

إِنَّ اللَّهَ اصْطَفَى آدَمَ وَنُوحًا وَآلَ إِبْرَاهِيمَ وَآلَ عِمْرَانَ عَلَى الْعَالَمِينَ

«Албатта, Аллоҳ Одамни, Нуҳни, Оли Иброҳимни, Оли Имронни оламлар устидан танлаб олди» [Оли Имрон: 33]. .

قَالَ يَٰمُوسَىٰٓ إِنِّي ٱصۡطَفَيۡتُكَ عَلَى ٱلنَّاسِ بِرِسَٰلَٰتِي وَبِكَلَٰمِي فَخُذۡ مَآ ءَاتَيۡتُكَ وَكُن مِّنَ ٱلشَّٰكِرِينَ﴿١٤٤﴾.

«Аллоҳ айтди: «Эй Мусо, ҳақиқатан Мен сени одамлар устида пайғамбарим бўлишга ва (бевосита) каломимни эшитишга танлаб олдим. Бас, сенга ато этган нарсамни (яъни, пайғамбарликни) олгин ва шукр қилгувчилардан бўлгин!» [Аъроф: 144]. Пайғамбарлар (уларга Аллоҳнинг саломи бўлсин) уларга нозил бўлаётган ваҳий Аллох томониданлигини биладилар, ҳаттоки, ваҳий олиб тушаётган фаришталарни ҳам кўрадилар. Аллоҳ таоло айтади:

عَٰلِمُ ٱلۡغَيۡبِ فَلَا يُظۡهِرُ عَلَىٰ غَيۡبِهِۦٓ أَحَدًا﴿٢٦﴾إِلَّا مَنِ ٱرۡتَضَىٰ مِن رَّسُولٖ فَإِنَّهُۥ يَسۡلُكُ مِنۢ بَيۡنِ يَدَيۡهِ وَمِنۡ خَلۡفِهِۦ رَصَدٗا﴿٢٧﴾لِّيَعۡلَمَ أَن قَدۡ أَبۡلَغُواْ رِسَٰلَٰتِ رَبِّهِمۡ وَأَحَاطَ بِمَا لَدَيۡهِمۡ وَأَحۡصَىٰ كُلَّ شَيۡءٍ عَدَدَۢا﴿٢٨﴾.

«У ғайбни билувчидир ва ҳеч кимни Ўз ғайбидан хабардор қилмайди. Фақат Ўзи рози бўлган пайғамбарнигина (Ўзининг ғайбидан сир-асрорининг айримларидан огоҳ этар). Бас, албатта У (Аллоҳ Ўзининг ғайбидан огоҳ қилиб қўйган ҳар бир пайғамбарнинг) олдидан ҳам, ортидан ҳам кузатгувчи (фаришта) йўллар. Токи (пайғамбарлар) Парвардигорларининг элчилик вазифаларини (ўз умматларига) тўла етказганларини билиш учун (кузатгувчи фаришта йўллар). У зот (пайғамбарлар) ҳузуридаги бор нарсани (яъни, уларнинг илму амалларини)

иҳота қилиб олгандир ва (коинотдаги) ҳар бир нарсанинг саноғини ҳисоб-китоб қилиб қўйгандир» [Жин: 26-28]. Аллоҳ таоло уларни(пайғамбарларни) ўз рисолатини етказишликка буюрди. Аллоҳ таоло айтади:

۞ يَٰٓأَيُّهَا ٱلرَّسُولُ بَلِّغۡ مَآ أُنزِلَ إِلَيۡكَ مِن رَّبِّكَۖ وَإِن لَّمۡ تَفۡعَلۡ فَمَا بَلَّغۡتَ رِسَالَتَهُۥۚ وَٱللَّهُ يَعۡصِمُكَ مِنَ ٱلنَّاسِۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهۡدِي ٱلۡقَوۡمَ ٱلۡكَٰفِرِينَ﴿٦٧﴾.

«Эй пайғамбар, сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг! Агар (бу фармонга амал) қилмасангиз, Унинг элчилигини (бандаларига) етказмаган бўлурсиз, Аллоҳ Сизни одамлардан (уларнинг зараридан) сақлагай. Албатта, Аллоҳ кофир қавмни ҳидоят қилмас» [Моида: 67]. .

رُّسُلًا مُّبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ لِئَلَّا يَكُونَ لِلنَّاسِ عَلَى ٱللَّهِ حُجَّةُۢ بَعۡدَ ٱلرُّسُلِۚ وَكَانَ ٱللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا﴿١٦٥﴾.

«Башорат берувчи ва огоҳлантирувчи Пайғамбарларни Аллоҳ ҳузурида одамларга Пайғамбарлардан сўнг ҳужжат бўлмаслиги учун юбордик. Ва Аллоҳ азиз ва ҳаким бўлган зотдир» [Нисо: 165].

Пайғамбарлар (уларга Аллоҳнинг саломи бўлсин) Аллоҳдан ҳақиқий қўрқув ила қўрқарлар, Роббиларининг рисолатига хеч нарса қўшмаслар ва ҳеч нарсани озайтирмайдилар. Аллоҳ таоло айтади:

وَلَوۡ تَقَوَّلَ عَلَيۡنَا بَعۡضَ ٱلۡأَقَاوِيلِ﴿٤٤﴾لَأَخَذۡنَا مِنۡهُ بِٱلۡيَمِينِ﴿٤٥﴾ثُمَّ لَقَطَعۡنَا مِنۡهُ ٱلۡوَتِينَ﴿٤٦﴾فَمَا مِنكُم مِّنۡ أَحَدٍ عَنۡهُ حَٰجِزِينَ ﴿٤٧﴾.

«Агар (Пайғамбар) Бизнинг шаънимизга (Биз айтмаган) айрим сўзларни тўқиб олганида, Албатта, Биз уни қудрат ила тутган, сўнгра, албатта унинг шоҳтомирини узиб ташлаган бўлур эдик. У

ҳолда сизлардан бирон киши ундан (яъни пайғамбардан ҳалокатни) тўса олгувчи бўлмас эди» [Ал-Ҳаққо: 44-47]. Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Аллоҳ таоло айтади:

«Ва агар у Бизнинг (номимиздан) ёлғон тўқиса; яъни : Агар Муҳаммад алайҳиссалом рисолатни озайтириб ёки унга қўшиб, сўнгра бизга нисбат берганида эди (асло ундай килмас) уни бу дунёнинг ўзидаёқ жазолаган бўлар эдик, шунга ишора қилиб (Аллоҳ)айтдики: «Албатта, Биз уни ўнг қўл билан тутармиз» ва бунинг маъноси: қасос олишликдир , чунки у(ўнг қўл) ушлашликда шиддатлироқдир ва бунинг маъносида "Биз унинг ўнг қўлидан тутармиз",- деган маъно ҳам айтилган. Аллоҳ таоло айтади:

وَإِذْ قَالَ ٱللَّهُ يَـٰعِيسَى ٱبْنَ مَرْيَمَ ءَأَنتَ قُلْتَ لِلنَّاسِ ٱتَّخِذُونِى وَأُمِّىَ إِلَـٰهَيْنِ مِن دُونِ ٱللَّهِ ۖ قَالَ سُبْحَـٰنَكَ مَا يَكُونُ لِىٓ أَنْ أَقُولَ مَا لَيْسَ لِى بِحَقٍّ ۚ إِن كُنتُ قُلْتُهُۥ فَقَدْ عَلِمْتَهُۥ ۚ تَعْلَمُ مَا فِى نَفْسِى وَلَآ أَعْلَمُ مَا فِى نَفْسِكَ ۚ إِنَّكَ أَنتَ عَلَّـٰمُ ٱلْغُيُوبِ ﴿١١٦﴾ مَا قُلْتُ لَهُمْ إِلَّا مَآ أَمَرْتَنِى بِهِۦٓ أَنِ ٱعْبُدُوا۟ ٱللَّهَ رَبِّى وَرَبَّكُمْ ۚ وَكُنتُ عَلَيْهِمْ شَهِيدًا مَّا دُمْتُ فِيهِمْ ۖ فَلَمَّا تَوَفَّيْتَنِى كُنتَ أَنتَ ٱلرَّقِيبَ عَلَيْهِمْ ۚ وَأَنتَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ شَهِيدٌ ﴿١١٧﴾.

«Эй Ийсо ибн Марям, сен одамларга, Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни илоҳ қилиб олинглар, дедингми?» деганини, у эса: «Эй пок Зот, ҳаққим йўқ нарсани мен айта олмайман-ку. Агар айтган бўлганимда, батаҳқиқ, Сен уни билар эдинг. Сен менинг дилимдагини биласан, мен Сендаги ҳеч нарсани билмайман. Албатта, Сен Ўзинг ғайбларни энг яхши билгувчи зотсан. Мен уларга Ўзинг менга амр қилган нарса;«Аллоҳга менинг Роббим ва сизнинг Роббингизга ибодат қилингдан», бошқани айтганим йўқ. Ва, модомики, ораларида эканман, уларга гувоҳ бўлдим. Мени Ўзингга олганингдан сўнг, Сенинг Ўзинг уларга кузатувчи

бўлдинг. Зотан, сен ҳар бир нарсага гувоҳсан» [Моида: 116-117]. Аллоҳ таоло фазилати ила ўз Пайғамбарларини мустаҳкам(балоларга чидамкор) қилиб қўяди. Аллоҳ таоло айтади:

إِن نَّقُولُ إِلَّا ٱعْتَرَىٰكَ بَعْضُ ءَالِهَتِنَا بِسُوٓءٍۗ قَالَ إِنِّىٓ أُشْهِدُ ٱللَّهَ وَٱشْهَدُوٓاْ أَنِّى بَرِىٓءٌ مِّمَّا تُشْرِكُونَ ﴿٥٤﴾مِن دُونِهِۦۖ فَكِيدُونِى جَمِيعًا ثُمَّ لَا تُنظِرُونِ ﴿٥٥﴾إِنِّى تَوَكَّلْتُ عَلَى ٱللَّهِ رَبِّى وَرَبِّكُمۚ مَّا مِن دَآبَّةٍ إِلَّا هُوَ ءَاخِذٌۢ بِنَاصِيَتِهَآۚ إِنَّ رَبِّى عَلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ﴿٥٦﴾.

«У: «Албатта, мен Аллоҳни гувоҳ қиламан ва сиз ҳам гувоҳ бўлингки, мен шерик келтираётганингиздан покман. Аллоҳни қўйиб, (Унга сохта-ёлғон худоларни шерик қилишингиздан безорман). Кейин менга муҳлат ҳам бермай қўя қолинглар». (Яъни, қўлингиздан келган ҳийла-найрангларингизни дарҳол кечиктирмай қилаверинглар.) Мен фақат менинг ҳам, сизларнинг ҳам Роббимиз бўлган Аллоҳга суяндим. Ўрмалаган нарса борки, барчаси У зотнинг қўл остидадир. Роббим, шак-шубҳасиз, Тўғри йўлдадир» [Ҳуд:54-56]. .

وَإِن كَادُواْ لَيَفْتِنُونَكَ عَنِ ٱلَّذِىٓ أَوْحَيْنَآ إِلَيْكَ لِتَفْتَرِىَ عَلَيْنَا غَيْرَهُۥۖ وَإِذًا لَّٱتَّخَذُوكَ خَلِيلًا﴿٧٣﴾وَلَوْلَآ أَن ثَبَّتْنَـٰكَ لَقَدْ كِدتَّ تَرْكَنُ إِلَيْهِمْ شَيْـًٔا قَلِيلًا ﴿٧٤﴾إِذًا لَّأَذَقْنَـٰكَ ضِعْفَ ٱلْحَيَوٰةِ وَضِعْفَ ٱلْمَمَاتِ ثُمَّ لَا تَجِدُ لَكَ عَلَيْنَا نَصِيرًا﴿٧٥﴾.

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом, мушриклар) сизни Бизнинг шаънимизга, (ваҳийдан) ўзга нарсаларни тўқиб чиқаришингиз учун — Биз сизга ваҳий қилган оятлардан алдаб-буриб юборишларига оз қолди. У ҳолда, (яъни, уларнинг йўриқларига юрсангиз), сизни дўст қилиб олган бўлур эдилар. Агар Биз сизни собит қилмаганимизда, батаҳқиқ, уларга бир оз бўлса-да, мойил бўлишингизга оз қолар эди. Шундай бўлган тақдирда биз сизга ҳаёт (азобини) ҳам икки ҳисса, мамот (азобини) ҳам икки ҳисса тоттирган бўлардик. Сўнгра ўзингиз учун бизга қарши ёрдамчи топа олмас эдингиз» [Исро: 73-75]. Бу

ва бундан олдинги оятлар Қуръон Аллоҳ ҳузуридан нозил бўлганлигига очиқ далилдир, агар Муҳаммад Соллалоҳу алайҳи ва салламга тегишли бўлганида эди, у зотга бу тариқада хитоб қилмаган бўлар эди. Аллоҳ субаҳанаҳу ва таоло ўз Пайғамбарларини инсонлардан ҳимоя қилур. Аллоҳ таоло айтади:

۞ يَٰٓأَيُّهَا ٱلرَّسُولُ بَلِّغۡ مَآ أُنزِلَ إِلَيۡكَ مِن رَّبِّكَۖ وَإِن لَّمۡ تَفۡعَلۡ فَمَا بَلَّغۡتَ رِسَالَتَهُۥۚ وَٱللَّهُ يَعۡصِمُكَ مِنَ ٱلنَّاسِۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهۡدِي ٱلۡقَوۡمَ ٱلۡكَٰفِرِينَ﴿٦٧﴾.

«Эй пайғамбар, сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг! Агар (бу фармонга амал) қилмасангиз, Унинг элчилигини (бандаларига) етказмаган бўлурсиз, Аллоҳ Сизни одамлардан (уларнинг зараридан) сақлагай. Албатта, Аллоҳ кофир қавмни ҳидоят қилмас» [Моида: 67]. .

۞ وَٱتۡلُ عَلَيۡهِمۡ نَبَأَ نُوحٍ إِذۡ قَالَ لِقَوۡمِهِۦ يَٰقَوۡمِ إِن كَانَ كَبُرَ عَلَيۡكُم مَّقَامِي وَتَذۡكِيرِي بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ فَعَلَى ٱللَّهِ تَوَكَّلۡتُ فَأَجۡمِعُوٓاْ أَمۡرَكُمۡ وَشُرَكَآءَكُمۡ ثُمَّ لَا يَكُنۡ أَمۡرُكُمۡ عَلَيۡكُمۡ غُمَّةٗ ثُمَّ ٱقۡضُوٓاْ إِلَيَّ وَلَا تُنظِرُونِ ﴿٧١﴾.

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом), уларга Нуҳ ҳақидаги хабарни тиловат килинг, у қавмига (бундай) деган эди: «Эй қавмим, агар сизларга (орангизда узоқ йиллар яшаб) турганлигим ва Аллоҳ оятларини эслатишим оғирлик қилган бўлса, бас, мен Аллоҳнинг Ўзига суяндим — таваккул қилдим. Энди бутларингиз билан бирга билган ишларингизни қилаверинглар. Кейин қилаёттан ишларингиз ўзларингизга махфий бўлиб қолмасин (яъни, бемалол, ошкор иш тутаверинглар, мен парво қилмайман), сўнгра менга нисбатан (хоҳлаган) ҳукмингизни ижро этаверинглар ва менга муҳлат ҳам

берманглар». [Юнус: 71]. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссалом ҳакида хабар бериб шундай деди:

قَالَا رَبَّنَآ إِنَّنَا نَخَافُ أَن يَفْرُطَ عَلَيْنَآ أَوْ أَن يَطْغَىٰ ﴿٤٥﴾قَالَ لَا تَخَافَآۖ إِنَّنِى مَعَكُمَآ أَسْمَعُ وَأَرَىٰ ﴿٤٦﴾.

«Улар дедилар: «Эй Роббимиз, дарҳақиқат, биз (агар уни Сенга иймон келтиришга даъват этсак) у шошқалоқлик (билан бизни азобга гирифтор) қилишидан ёки баттар туғёнга тушишидан хавфдамиз. (Аллоҳ) айтди: «Қўрқманглар. Шак-шубҳасиз, Мен сизлар билан биргаман — эшитиб, кўриб турурман» [Тоҳа: 45-46]. Аллоҳ таоло Ўзингиз пайғамбарларини душманларнинг зараридан сақлаганини , уларга(пайғамбарларга) душманлари томонидан хеч қандай зарар келмаслигини , ва пайғамбарларини сақлагани каби ўз вахийсини хам хеч қандай зиёда-ю нуқсон етказмай сақлашини баён килди. Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا ٱلذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُۥ لَحَـٰفِظُونَ﴿٩﴾.

«Албатта, бу эслатмани (яъни, Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва, шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз». [Ҳижр: 9]. Пайғамбарлар (уларга Аллоҳнинг саломи бўлсин) соғлом ақл ва хулқ-атворга хилоф бўлган барча камчиликлардан покдирлар. Аллоҳ таоло ўз расули Муҳаммад алайҳиссаломни поклаб шундай деди:

وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ﴿٤﴾.

«Албатта сиз улуғ хулқ устидадирсиз» [Қалам: 4]. .

وَمَا صَاحِبُكُم بِمَجْنُونٍ﴿٢٢﴾.

«Ва сизларнинг соҳибингиз (Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом) мажнун эмасдир» [Таквир: 22]. Буларнинг барчаси, улар

Аллоҳнинг рисолатини тўлик тўкис адо этишлари учундир, чунки пайғамбарлар(уларга Аллоҳнинг саломи бўлсин)нинг вазифалари Аллоҳнинг авомирларини(буйруқларини) бандаларига етказишдир ва улар Рубубийят ёки Улуҳийят бобида хеч қандай хусусиятга эга эмасдирлар, балки улар ҳам бошқа инсонлар каби инсондирлар. Аллоҳ таоло айтади:

قَالَتْ لَهُمْ رُسُلُهُمْ إِن نَّحْنُ إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ وَلَـٰكِنَّ ٱللَّهَ يَمُنُّ عَلَىٰ مَن يَشَآءُ مِنْ عِبَادِهِۦ ۖ وَمَا كَانَ لَنَآ أَن نَّأْتِيَكُم بِسُلْطَـٰنٍ إِلَّا بِإِذْنِ ٱللَّهِ ۚ وَعَلَى ٱللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ ٱلْمُؤْمِنُونَ﴿١١﴾.

«Пайғамбарлари уларга айтдилар: «(Ҳа), биз ҳам худди сизларга ўхшаган одамлармиз, лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган бандаларига (пайғамбарлик) инъом қилур. Биз сизларга бирон ҳужжат келтира олмаймиз, магар Аллоҳнинг изни-иродаси билангина (келтиришимиз мумкин). Иймон келтирган кишилар ёлғиз Аллоҳгагина таваккул қилсинлар» [Иброҳим: 11]. Аллоҳ таоло ўз пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга ўз қавмларига шундай деб айтишларини буюрди:

قُلْ إِنَّمَآ أَنَا۠ بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُوحَىٰٓ إِلَىَّ أَنَّمَآ إِلَـٰهُكُمْ إِلَـٰهٌ وَٰحِدٌ ۖ فَمَن كَانَ يَرْجُوا۟ لِقَآءَ رَبِّهِۦ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَـٰلِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِۦٓ أَحَدًۢا﴿١١٠﴾.

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом, уларга) айтинг: «Ҳеч шак-шубҳа йўқки, мен ҳам сизлар каби бир одамдирман. Менга Аллоҳингиз ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи экани ваҳий этилмоқда. Бас, ким Роббисига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Роббисига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин! (Яъни, қиладиган барча амалларини ёлғиз Аллоҳ учун қилсин).» [Каҳф: 110].

23- Ислом ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилишга чақиради. Энг асосий катта ибодатлар тўртта. намоз, закот, рўза ва ҳаж. Намозда банда Аллоҳни эслайди, У Зотга ҳамду санолар айтади, дуо-илтижолар қилади, қиёмда, рукуъда, саждада бўлади. Банда бир кунда беш маҳал намоз ўқийди. Жамоа намозида ҳамма одам - бой ё камбағал, раҳбар ё ишчи бир сафда туради. Ўртадаги фарқлар барҳам топади. Иккинчи катта ибодат - закот. У бойларнинг маълум шартларга кўра Аллоҳ белгилаб қўйган бир арзимас миқдордаги маблағни камбағалларга ёки бошқа тайин қилинган ўринларга йилда бир марта сарфлашидир. Учинчи катта ибодат - рўза. Рўза Рамазон ойининг кундуз

кунлари уни бузадиган ишларни қилмасликдир. Бу билан нафс чиниқади. Унда ирода ва сабр шаклланади. Тўртинчи ибодат - ҳаж. Қодир бўлган одам умрида бир марта Маккаи Мукаррамадаги Аллоҳнинг уйига бориб, ҳаж ибодатини қилиб келиши фарз. Ҳажда ҳам намоздаги каби ҳамма бир хил бўлади. Ўртадаги насл-насаб, бойлик каби фарқлар барҳам топади.

Ислом каттаю кичик ибодатларни ёлғиз Аллоҳга сарфлашга ундайди , ва катта ибодатларни Аллоҳ таоло ўзиниг хамма пайғамбарларига фарз килгандир, уларнинг энг улканлари:

Биринчи: намоз, Аллоҳ таоло ўзиниг пайғамбарларига фарз қилгани каби мусулмонларга ҳам фарз қилди ва у Ўзининг пайғамбари ва халили булмиш Иброҳим алайҳиссаломга тавоф килгувчилар, намозхонлар, рукуъ қилувчилар ва сажда қилувчилар учун унинг байтини(Каъбани) поклашни амр қилиб шундай деди:

وَإِذْ قَالَ إِبْرَٰهِـۧمُ رَبِّ ٱجْعَلْ هَـٰذَا بَلَدًا ءَامِنًا وَٱرْزُقْ أَهْلَهُۥ مِنَ ٱلثَّمَرَٰتِ مَنْ ءَامَنَ مِنْهُم بِٱللَّهِ وَٱلْيَوْمِ ٱلْـَٔاخِرِ ۖ قَالَ وَمَن كَفَرَ فَأُمَتِّعُهُۥ قَلِيلًا ثُمَّ أَضْطَرُّهُۥٓ إِلَىٰ عَذَابِ ٱلنَّارِ ۖ وَبِئْسَ ٱلْمَصِيرُ﴿١٢٦﴾.

«Эсланг: «Байтуллоҳни одамлар учун зиёратгоҳ ва тинч жой қилдик ва Иброҳимнинг (Каъбатуллоҳни бино қилаётган вақтида) турган ўрнини намозгоҳ қилиб олинг, (дедик) ва Иброҳим билан Исмоилга: «Менинг байтимни тавоф қилгувчилар, ўша Ерда ибодат қилиб турувчилар, рукуъ-сажда қилувчилар учун пок тутинг»,- деб буюрдик» [Бақара: 125]. Аллоҳ таоло уни(намозни) Мусо алайҳиссаломга биринчи маротаба нидо қилганида фарз қилди. Аллоҳ таоло айтади:

إِنِّيٓ أَنَا۠ رَبُّكَ فَٱخۡلَعۡ نَعۡلَيۡكَ إِنَّكَ بِٱلۡوَادِ ٱلۡمُقَدَّسِ طُوٗى﴿١٢﴾وَأَنَا ٱخۡتَرۡتُكَ فَٱسۡتَمِعۡ لِمَا يُوحَىٰٓ﴿١٣﴾إِنَّنِيٓ أَنَا ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ إِلَّآ أَنَا۠ فَٱعۡبُدۡنِي وَأَقِمِ ٱلصَّلَوٰةَ لِذِكۡرِيٓ﴿١٤﴾.

«Албатта, Мен Ўзим сенинг Роббингдирман. Кавушларингни еч. Чунки сен муқаддас Тувo водийсидасан. Мен сени ихтиёр қилиб олдим. Ваҳий қилинадиган нарсага қулоқ ос. Албатта, Мен Ўзим Аллоҳдирман. Мендан ўзга илоҳ йўқ. Бас, Менга ибодат қил ва мени зикр этиш учун намозни тўкис адо эт» [Тоҳа: 12-14]. Ийсо алайҳиссалом ҳам Аллоҳ таоло унга намозни ва закотни фарз қилганлигини хабар қилади. Аллоҳ таоло айтади:

وَجَعَلَنِي مُبَارَكًا أَيۡنَ مَا كُنتُ وَأَوۡصَٰنِي بِٱلصَّلَوٰةِ وَٱلزَّكَوٰةِ مَا دُمۡتُ حَيّٗا﴿٣١﴾.

«Яна мени қаерда бўлсам, хайру баракотли қилди ва, модомики, ҳаёт эканман, намозни (адо этишни) ва закотни (адо этишни) амр қилди» [Марям: 31]. Намоз бу бир кунда беш махал ўқиладиган амал бўлиб, қиём, рукуъ, Аллоҳни эслаш , унга сано айтиш ва дуо дан иборатдир. Аллоҳ таоло айтади:

حَٰفِظُواْ عَلَى ٱلصَّلَوَٰتِ وَٱلصَّلَوٰةِ ٱلۡوُسۡطَىٰ وَقُومُواْ لِلَّهِ قَٰنِتِينَ ﴿٢٣٨﴾.

«Барча намозларни ва, хусусан, ўрта намозни (аср намозини) сақланглар — ўз вақтларида адо қилинглар! Ва Аллоҳ учун бўйсунган ҳолда туринглар!» [Бақара: 238]. .

أَقِمِ ٱلصَّلَوٰةَ لِدُلُوكِ ٱلشَّمۡسِ إِلَىٰ غَسَقِ ٱلَّيۡلِ وَقُرۡءَانَ ٱلۡفَجۡرِۖ إِنَّ قُرۡءَانَ ٱلۡفَجۡرِ كَانَ مَشۡهُودٗا﴿٧٨﴾.

«Қуёш оғишидан то тун қоронғусигача намозни тўкис адо қилинг ва тонгги ўқишни (бомдод намозини) ҳам (тўкис адо қилинг). Зеро тонгги ўқиш (кеча ва кундуз фаришталари) ҳозир бўладиган намоздир» [Исро: 78]. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Рукуъда Роббни улуғланглар , сажда пайтида эса дуога ҳаракат қилинглар , мана шунда ижобатга лойиқ бўласизлар». Саҳиҳ Муслим ривояти.

Иккинчи: Закот, Аллоҳ таоло ўзининг пайғамбарларига фарз қилгани каби мусулмонларга хам фарз қилган закот ибодатидир ва у бой инсонларнинг молу давлатларидан Аллоҳ тайинлаган шартлар ва миқдорлар асосида олиниб, камбағалларга ва бошқа муқтож инсонларга бир йилда бир баротаба берилади. Аллоҳ таоло айтади:

خُذۡ مِنۡ أَمۡوَٰلِهِمۡ صَدَقَةٗ تُطَهِّرُهُمۡ وَتُزَكِّيهِم بِهَا وَصَلِّ عَلَيۡهِمۡۖ إِنَّ صَلَوٰتَكَ سَكَنٞ لَّهُمۡۗ وَٱللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ﴿١٠٣﴾.

«Уларнинг молларидан садақа ол. Бу билан уларни поклайсан, тозалайсан ва уларнинг ҳаққига дуо қил. Албатта, сенинг дуоинг улар учун сокинликдир. Аллоҳ эшитгувчи ва билгувчи Зотдир» [Тавба: 103]. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам Муоз(улардан Аллоҳ рози бўлсин)ни Яманга юбораётган пайтларида шундай дедилар: «Сиз аҳли китобларга кетаяпсиз, уларни аввали шаходат(Аллоҳнинг ёлғизлигига ва росулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам пайгамбар эканликларига гувоҳлик бериш)га чақиринг, агар сизга итоат қилишса , Аллох таоло уларга кеча ва кундузда беш маҳал намозни фарз қилганлигини айтинг, унга хам итоат қилишса Аллоҳ таоло уларга

садақани(закотни) фарз қилганини ва у бойлардан олиниб камбағалларга берилишини айтинг, агар унга хам итоат келсалар уларнинг бойликларидан энг яхшисини олишдан сақланинг ва мазлумнинг дуосидан қўрқинг , чунки унинг дуоси ва Аллоҳ таоло орасида тўсиқ йўқдир». Термизий ривояти: 625.

Учинчиси : рўзадир , уни Аллоҳ таоло олдинги ўтган пайғамбарларга фарз қилгани каби мусулмонларга ҳам фарз қилди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ كُتِبَ عَلَيْكُمُ ٱلصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١٨٣﴾﴾.

«Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди» [Бақара: 183]. У(Рўза) куннинг кундузги қисмида уни бузадиган нарсалардан сақланишдан иборатдир ва рўза инсонда ирода ва сабр каби яхши сифатларни пайдо қилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло айтади: Рўза мен учундир ва унинг мукофотини ўзим берурман, чунки бандам мен учун шаҳватидан, таомидан ва шаробидан вос кечади, Соим(Рўзадор) киши учун икки хурсандчилик бордир: Бири ифтор қилганида иккинчиси эса Роббисига йўлиққанда». Саҳиҳ Бухорий 7492.

Тўртинчи: Аллоҳ таоло ўзининг пайғамбарларига фарз қилгани каби мусулмонларга хам фарз қилган ҳаж ибодатидир. Аллоҳ таоло ўз пайғамбари Иброҳим алайҳиссаломга инсонларни Ҳажга чақиришлигини амр қилиб шундай деди:

﴿وَأَذِّن فِى ٱلنَّاسِ بِٱلْحَجِّ يَأْتُوكَ رِجَالًا وَعَلَىٰ كُلِّ ضَامِرٍ يَأْتِينَ مِن كُلِّ فَجٍّ عَمِيقٍ ﴿٢٧﴾﴾.

«Одамларни ҳажга чақир, улар сен томон пиёда, узоқ-узоқ йўллардан юриб, озиган уловлар устида келсинлар». [Ҳаж: 27].

Аллох таоло у зот(Иброҳим алайҳиссалом)га ҳожилар учун ўзининг байтини(Каъбани) поклашни буюриб шундай деди:

وَإِذْ بَوَّأْنَا لِإِبْرَٰهِيمَ مَكَانَ ٱلْبَيْتِ أَن لَّا تُشْرِكْ بِى شَيْـًٔا وَطَهِّرْ بَيْتِىَ لِلطَّآئِفِينَ وَٱلْقَآئِمِينَ وَٱلرُّكَّعِ ٱلسُّجُودِ﴿٢٦﴾.

«Биз Иброҳимга Байтнинг жойини белгилаб бериб: «Менга ҳеч нарсани шерик қилма, Байтимни тавоф қилгувчилар, (ибодатда) қоим тургувчилар ҳамда рукуъ, сажда қилгувчилар учун поклагин» [Ҳаж: 26].

Ҳаж бу Маккаю Мукаррамада жойлашган Аллоҳнинг байтида(Каъбада), умри давомида қодир бўлган инсон учун бир марта фарз буладиган амалдир. Аллоҳ таоло айтади:

فِيهِ ءَايَٰتٌۢ بَيِّنَٰتٌ مَّقَامُ إِبْرَٰهِيمَ ۖ وَمَن دَخَلَهُۥ كَانَ ءَامِنًا ۗ وَلِلَّهِ عَلَى ٱلنَّاسِ حِجُّ ٱلْبَيْتِ مَنِ ٱسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا ۚ وَمَن كَفَرَ فَإِنَّ ٱللَّهَ غَنِىٌّ عَنِ ٱلْعَٰلَمِينَ﴿٩٧﴾.

«Ва йўлга қодир бўлган кишилар зиммасида Аллоҳ учун мана шу уйни ҳаж-зиёрат қилиш бурчи бордир. Кимда-ким кофир бўлса (яъни Каъбани зиёрат қилиш фарз эканини инкор қилса), бас, албатта Аллоҳ бутун оламлардан беҳожат бўлган Зотдир» [Оли-Имрон: 97]. Ҳажда барча ҳожи мусулмонлар, уларнинг яратувчиси бўлмиш Аллоҳ таолонинг ўзигагина ибодат қилишлик учун бир жойга йиғилишади , ва уларнинг муҳитлари , урф-одатлари ва ижтимоий холатлари қандай бўлишидан қатъий назар бир хил кўринишда ҳаж амалларини адо этадилар.

## 24. Исломдаги ибодатларнинг ўзгачалиги шундаки, уларнинг қандай адо этилиши, шартлари ва вақтларини Аллоҳ таолонинг Ўзи шариатлаштириб қўйган ва уни бизга пайғамбари орқали етказган. Шу кунга қадар бу нарсаларга биронта инсон дахл қилмаган. Уларнинг бирон жойи камайиб ё кўпайиб кетмаган. Ҳамма пайғамбарлар мана шу асосий ибодатларга чақирганлар. Уларга Аллоҳнинг саломи бўлсин.

Исломдаги ибодатларнинг ўзгачалиги шундаки, уларнинг қандай адо этилиши, шартлари ва вақтларини Аллоҳ таолонинг Ўзи шариатлаштириб қўйган ва уни бизга пайғамбари орқали етказган. Шу кунга қадар бу нарсаларга биронта инсон дахл қилмаган. Уларнинг бирон жойи камайиб ё кўпайиб кетмаган. Аллоҳ таоло айтади:

ٱلْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتْمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِى وَرَضِيتُ لَكُمُ ٱلْإِسْلَٰمَ دِينًا ۚ فَمَنِ ٱضْطُرَّ فِى مَخْمَصَةٍ غَيْرَ مُتَجَانِفٍ لِّإِثْمٍ ۙ فَإِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴿٣﴾.

«Бугунги кунда Мен сизнинг динингизни мукаммал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим» [Моида: 3]. .

فَٱسْتَمْسِكْ بِٱلَّذِىٓ أُوحِىَ إِلَيْكَ ۖ إِنَّكَ عَلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿٤٣﴾.

«Бас, ўзингизга ваҳий қилинган нарсани маҳкам тутинг! Албатта, сиз тўғри йўлдасиз» [Зухруф: 43]. Аллоҳ таоло намоз ҳакида шундай деди:

فَإِذَا قَضَيْتُمُ ٱلصَّلَوٰةَ فَٱذْكُرُوا۟ ٱللَّهَ قِيَـٰمًا وَقُعُودًا وَعَلَىٰ جُنُوبِكُمْ ۚ فَإِذَا ٱطْمَأْنَنتُمْ فَأَقِيمُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ ۚ إِنَّ ٱلصَّلَوٰةَ كَانَتْ عَلَى ٱلْمُؤْمِنِينَ كِتَـٰبًا مَّوْقُوتًا ﴿١٠٣﴾.

«Намозни адо этганингиздан сўнг, Аллоҳни турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолингизда эсланг. Хотиржам бўлганингизда намозни тўлиқ адо этинг. Албатта, намоз мўминларга вақтида фарз қилингандир» [Нисо: 103]. Закот ҳақида шундай деди:

۞ إِنَّمَا ٱلصَّدَقَـٰتُ لِلْفُقَرَآءِ وَٱلْمَسَـٰكِينِ وَٱلْعَـٰمِلِينَ عَلَيْهَا وَٱلْمُؤَلَّفَةِ قُلُوبُهُمْ وَفِى ٱلرِّقَابِ وَٱلْغَـٰرِمِينَ وَفِى سَبِيلِ ٱللَّهِ وَٱبْنِ ٱلسَّبِيلِ ۖ فَرِيضَةً مِّنَ ٱللَّهِ ۗ وَٱللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٦٠﴾.

«Албатта, садақалар фақирларга, мискинларга, садақа ишида ишловчиларга, кўнгилларини улфат қилинадиганларга, қул озод қилишга, қарздорларга, Аллоҳнинг йўлига ва йўл ўғлиларига берилиши Аллоҳ томонидан фарз қилингандир. Аллоҳ билгувчи ва ҳикматли Зотдир» [Тавба: 60]. Рўза ҳақида шундай деди:

شَهْرُ رَمَضَانَ ٱلَّذِىٓ أُنزِلَ فِيهِ ٱلْقُرْءَانُ هُدًى لِّلنَّاسِ وَبَيِّنَـٰتٍ مِّنَ ٱلْهُدَىٰ وَٱلْفُرْقَانِ ۚ فَمَن شَهِدَ مِنكُمُ ٱلشَّهْرَ فَلْيَصُمْهُ ۖ وَمَن كَانَ مَرِيضًا أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِّنْ أَيَّامٍ أُخَرَ ۗ يُرِيدُ ٱللَّهُ بِكُمُ ٱلْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ ٱلْعُسْرَ وَلِتُكْمِلُوا۟ ٱلْعِدَّةَ وَلِتُكَبِّرُوا۟ ٱللَّهَ عَلَىٰ مَا هَدَىٰكُمْ وَلَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿١٨٥﴾.

«Рамазон ойики, унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидояту фурқондан иборат очиқ баёнотлар бўлиб Қуръон туширилгандир. Сиздан ким у ойда ҳозир бўлса, рўзасини

тутсин. Ким бемор ёки сафарда бўлса, бас, саноғини бошқа кунлардан тутадир. Аллоҳ сизларга енгилликни хоҳлайди ва сизларга қийинликни хоҳламас. Саноғини мукаммал қилишингиз ва сизни ҳидоятга бошлаган Аллоҳни улуғлашингиз учун. Шоядки, шукр қилсаларингиз» [Бақара: 185]. Ҳаж ҳақида эса шундай деб айтди:

ٱلْحَجُّ أَشْهُرٌ مَّعْلُومَـٰتٌ ۚ فَمَن فَرَضَ فِيهِنَّ ٱلْحَجَّ فَلَا رَفَثَ وَلَا فُسُوقَ وَلَا جِدَالَ فِى ٱلْحَجِّ ۗ وَمَا تَفْعَلُوا۟ مِنْ خَيْرٍ يَعْلَمْهُ ٱللَّهُ ۗ وَتَزَوَّدُوا۟ فَإِنَّ خَيْرَ ٱلزَّادِ ٱلتَّقْوَىٰ ۚ وَٱتَّقُونِ يَـٰٓأُو۟لِى ٱلْأَلْبَـٰبِ ﴿١٩٧﴾.

«Ҳаж маълум ойлардир. Кимки уларда ўзига ҳажни фарз қилса, ҳажда шаҳвоний нарсалар, фисқ ва жанжал йўқдир. Нима яхшилик қилсангиз, Аллоҳ уни биладир. Озуқа олинг, энг яхши озуқа тақводир. Менга тақво қилинг, эй, ақл эгалари!» [Бақара: 197]. Ҳамма Пайғамбарлар бу буюк ибодатларнинг барчасини адо этишликка даъват килганлар!

## 25 - Ислом пайғамбари Исмоил ибн Иброҳим зурриётидан бўлган Муҳаммад ибн Абдуллоҳдир. Уларга Аллоҳнинг саломи бўлсин. Милодий 571 йилда Маккада туғилганлар. Ўша ерда пайғамбар қилиб юборилган, кейинроқ Мадинага ҳижрат қилган, қавмларининг улуғ, олижаноб ишларида иштирок этган бўлсалар-да,

бутпарастлигига асло аралашмаганлар. Пайғамбар бўлишларидан олдин ҳам гўзал хулқли бўлганлар. Қавмлари у кишини амин (ишончли одам), деб атаган. Қирқ ёшга етганларида Аллоҳ у кишини пайғамбар қилиб юборган. Турли мўъжизалар билан қўллаб-қувватлаган. Уларнинг энг улкани Қуръони каримдир. Қуръон ҳамма пайғамбарларга берилган мўъжизалар ичида то шу кунга қадар яшаб келаётган энг улуғ мўъжизадир. Пайғамбар алайҳиссалом Аллоҳ комил қилган динни одамларга мукаммал тарзда етказиб бўлганларидан кейин олтмиш уч ёшларида вафот этдилар. Мадинаи

мунавварага дафн этилдилар. Муҳаммад алайҳиссалом охирги пайғамбардирлар. Уларни Аллоҳ ҳидоят ва ҳақ дин ила одамларни бутпарастлик, куфр ва жаҳолат зулматларидан тавҳид ва иймон нури сари олиб чиқишлари учун юборди. Уларни Ўз изни ила даъватчи қилиб юборганига Аллоҳнинг Ўзи гувоҳлик берган.

Ислом пайғамбари Исмоил ибн Иброҳим зурриётидан бўлган Муҳаммад ибн Абдуллоҳдир. Уларга Аллоҳнинг саломи бўлсин. Милодий 571 йилда Маккада туғилганлар. Ўша ерда пайғамбар қилиб юборилган, кейинроқ Мадинага ҳижрат қилган, қавмларининг улуғ, олижаноб ишларида иштирок этганлар, ва пайғамбар булишларидан олдин ҳам буюк хулк атвор эгаси булганлар. Аллоҳ таоло айтади:

وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ﴿٤﴾.

«Албатта, сиз улуғ Хулқ устидадирсиз» [Қалам: 4]. Аллоҳ таоло у зот(Росулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам) қирқ ёшга тўлганларида пайғамбар қилиб юборди ва уларни энг буюк мўъжиза бўлмиш Қуръону Карим ва ундан бошқа кўплаган мўъжизалар билан қўллаб қувватлади. Расулуллоҳ соллалоҳу

алайҳи ва саллам дедилар: «Мендан олдинги пағамбарларнинг барчасига (пайғамбарлигини исботловчи) мўъжизалар берилгандир. Аллоҳнинг менга берган оят-муьжизаси эса ваҳий қилинган Қурьондир! Қиёмат кунида энг кўп уммат эргашган набий бўлишимдан умид қиламан!» Саҳиҳ Бухорий. Буюк Қуръон, Аллоҳ таолонинг Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламга нозил қилган ваҳийсидир. Аллоҳ таоло у(Қуръон) ҳақида шундай деди:

ذَٰلِكَ ٱلۡكِتَٰبُ لَا رَيۡبَۛ فِيهِۛ هُدٗى لِّلۡمُتَّقِينَ ﴿٢﴾.

«Бу китобда шак-шубҳа йўқ, у тақводорлар учун ҳидоятдир» [Бақара: 2]. .

أَفَلَا يَتَدَبَّرُونَ ٱلۡقُرۡءَانَۚ وَلَوۡ كَانَ مِنۡ عِندِ غَيۡرِ ٱللَّهِ لَوَجَدُواْ فِيهِ ٱخۡتِلَٰفٗا كَثِيرٗا ﴿٨٢﴾.

«Қуръонни тадаббур этиб кўрмайдиларми?! Агар у Аллоҳдан бошқанинг ҳузуридан бўлганида, ундан кўп ихтилофлар топар эдилар» [Нисо: 82]. Аллоҳ таоло, жинлару инсонларни мана шу Қуръонга ўхшаш нарса олиб келишларини талаб қилиб шундай деди:

قُل لَّئِنِ ٱجۡتَمَعَتِ ٱلۡإِنسُ وَٱلۡجِنُّ عَلَىٰٓ أَن يَأۡتُواْ بِمِثۡلِ هَٰذَا ٱلۡقُرۡءَانِ لَا يَأۡتُونَ بِمِثۡلِهِۦ وَلَوۡ كَانَ بَعۡضُهُمۡ لِبَعۡضٖ ظَهِيرٗا﴿٨٨﴾.

«(Эй Муҳаммад алейҳиссалом, сиз,) Агар инсу жинлар тўпланиб, ушбу Қуръонга ўхшаш нарса келтирмоқчи бўлсалар, бунда баъзилари баъзиларига ёрдамчи бўлсалар ҳам, унга ўхшашини келтира олмаслар», - деб айтинг» [Исро: 88]. Аллоҳ таоло, уларни(агар-да ростгўй бўлсалар) атига ўнта сура олиб келишликга чақириб шундай деди:

أَمۡ يَقُولُونَ ٱفۡتَرَىٰهُۖ قُلۡ فَأۡتُواْ بِعَشۡرِ سُوَرٖ مِّثۡلِهِۦ مُفۡتَرَيَٰتٖ وَٱدۡعُواْ مَنِ ٱسۡتَطَعۡتُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ إِن كُنتُمۡ صَٰدِقِينَ ﴿١٣﴾.

«Ёки: «Ўзи тўқиб олди», дерларми? Сиз: «Бас, агар ростгўй бўлсаларингиз, Аллоҳдан бошқа кимни чақиришга қодир бўлсангиз, чақириб, бунга ўхшаш ўнта тўқилган сура келтиринг-чи»,- денг» [Ҳуд: 13]. У ҳам эмас, балким(агар ростгўй бўлсалар) Аллоҳ таоло уларни, лоақал битта сура олиб келишларини талаб қилиб шундай деди:

وَإِن كُنتُمْ فِى رَيْبٍ مِّمَّا نَزَّلْنَا عَلَىٰ عَبْدِنَا فَأْتُوا۟ بِسُورَةٍ مِّن مِّثْلِهِۦ وَٱدْعُوا۟ شُهَدَآءَكُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ إِن كُنتُمْ صَـٰدِقِينَ ﴿٢٣﴾.

«Ва агар бандамизга туширган нарсамизга шак шубҳангиз бўлса, унга ўхшаш бир сура келтиринг ва рост сўзловчилардан бўлсангиз, Аллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чақиринг» [Бақара: 23].

Буюк Қуръон пайғамбарларга берилган мўъжизаларнинг орасида ҳозирги кунимизгача етиб келган ягона мўъжизадир. Аллоҳ таоло бу динни комил килганидан сўнг, росулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам уни инсонларга тўлиқ етказдилар ва олтмиш уч ёшга етганларида у зот алайҳиссалом вафот этдилар ва Набавий Мадина шаҳригда дафн этилдилар.

Ва расулимиз Муҳаммад соллалоҳу алайҳи ва саллам пайғамбарларнинг ва расулларнинг сўнггисидирлар. Аллоҳ таоло айтади:

مَّا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَآ أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ وَلَـٰكِن رَّسُولَ ٱللَّهِ وَخَاتَمَ ٱلنَّبِيِّـۧنَ ۗ وَكَانَ ٱللَّهُ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمًا ﴿٤٠﴾.

«Муҳаммад алайҳиссалом сизлардан бирон кишининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг пайғамбари ва пайғамбарларнинг сўнггисидир. Аллоҳ барча нарсани билгувчи Зотдир» [Аҳзоб: 40]. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан келган ҳадисда, Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Албатта менинг

ва мендан аввалги пайғамбарларнинг мисоли, худди бир киши, уйни яхшилаб, чиройли қилиб қуриб, бир бурчагидан бир ғиштнинг ўрнини қолдириб қўйишига ўхшайди. Одамлар уни айланиб кўриб қойил қолишади ва: "Мана шу ғишт ҳам ўрнига қўйилганида эди!",- дейишади. Мен ўша ғиштман. Мен пайғамбарларнинг сўнггисиман",- дедилар». Саҳиҳ Бухорий. Инжилда хам Ийсо Масиҳ алайҳиссалом Муҳаммад соллалоҳу алайҳи ва салламнинг башоратларини берган. Қурувчилар қўймаган тош бурчакнинг бошига айланди. Китобларда ҳеч ўқимаганмисиз: Робб томонидан Ясуъ (Ийсо) айтди: "Шу нарса бизнинг наздимизда ажиб эди[1]". Шунингдек, Таврот китобида Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга шундай деб айтгани баён қилинган: «(Ҳудди сени ўз биродарларинг орасидан (танлаб) пайғамбар қилганим каби), уларга(Ислом умматига) ҳам ўзларининг ораларидан бўлган пайғамбар юбораман, ўзимнинг каломимни унинг тилида қилиб қуяман ва у мен буюрган нарсаларнигина сўзлайди!» Аллоҳ таоло Муҳаммад соллалоҳу алайҳи ва салламни, ҳидоят ва ҳақ дин билан юборганига, у зот ҳақиқат устидалигига, ва у зотни даъватчи қилиб юборилганига гувоҳлик берди. Аллоҳ таоло айтади:

لَّـٰكِنِ ٱللَّهُ يَشْهَدُ بِمَآ أَنزَلَ إِلَيْكَ ۖ أَنزَلَهُۥ بِعِلْمِهِۦ ۖ وَٱلْمَلَـٰٓئِكَةُ يَشْهَدُونَ ۚ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ شَهِيدًا ﴿١٦٦﴾.

«Лекин Аллоҳ сизга нозил қилган нарсаси ила гувоҳлик берадир. Уни Ўз илми ила нозил қилди. Фариштталар ҳам гувоҳлик берурлар. Гувоҳликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур» [Нисо: 166]. .

هُوَ ٱلَّذِىٓ أَرْسَلَ رَسُولَهُۥ بِٱلْهُدَىٰ وَدِينِ ٱلْحَقِّ لِيُظْهِرَهُۥ عَلَى ٱلدِّينِ كُلِّهِۦ ۚ وَكَفَىٰ بِٱللَّهِ شَهِيدًا ﴿٢٨﴾.

«У Ўз Расулини ҳидоят ва ҳақ дин билан у(дин)ни барча динлардан устун қилиш учун юборган зотдир» [Фатҳ: 28]. Аллоҳ таоло у зот соллалоҳу алайҳи ва салламни инсонларни бутпарастлик, куфр ва жаҳолат зулматларидан тавҳид нурига чиқаришлик учун юборди! Аллоҳ таоло айтади:

يَهْدِى بِهِ ٱللَّهُ مَنِ ٱتَّبَعَ رِضْوَٰنَهُۥ سُبُلَ ٱلسَّلَٰمِ وَيُخْرِجُهُم مِّنَ ٱلظُّلُمَٰتِ إِلَى ٱلنُّورِ بِإِذْنِهِۦ وَيَهْدِيهِمْ إِلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿١٦﴾.

«У билан Аллоҳ Ўз розилигини истаганларни салом йўлларига бошлайди ва уларни Ўз изни ила зулматлардан нурга чиқаради. Ҳамда сироти мустақиймга ҳидоят қилади. (Ўша ойдин Китоб– Қуръон билан Аллоҳ таоло ўз розилигини истаб мусулмон бўлган бандаларини салом (тинчлик) йўлларига бошлайди)» [Моида: 16]. .

الٓر ۚ كِتَٰبٌ أَنزَلْنَٰهُ إِلَيْكَ لِتُخْرِجَ ٱلنَّاسَ مِنَ ٱلظُّلُمَٰتِ إِلَى ٱلنُّورِ بِإِذْنِ رَبِّهِمْ إِلَىٰ صِرَٰطِ ٱلْعَزِيزِ ٱلْحَمِيدِ ﴿١﴾.

«Алиф. Лаам. Ро. Бу китобни сенга одамларни Роббиларининг изни ила зулматлардан нурга, азиз ва мақталган Зотнинг йўлига чиқаришинг учун нозил қилдик» [Иброҳим: 1].

## 26. Муҳаммад алайҳиссалом олиб келган Ислом шариати илоҳий рисолатларнинг, раббоний шариатларнинг охиргисидир. У мукаммал шариатдир. Инсонлар дини ва дунёсининг ўнгланиши унда мужассамдир. У энг аввало одамларнинг динларини, жонларини, молларини, ақлларини ва зурриётларини ҳимоя қилишга эътибор қаратади. Олдинги шариатлар

## бир-бирларини бекор қилиб келганидек, бу шариат ҳам ўзидан олдинги ҳамма шариатларни бекор қилиб келган.

Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам олиб келган Ислом шариати , Илоҳий рисолатлар ва Раббоний шариатларнинг сўнггисидир, Аллоҳ таоло бу рисолат билан динни комил қилди ва Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламни юборилишлари билан инсонларга бўлган неъмат ҳам тўлиқ бўлди. Аллоҳ таоло айтади:

وَٱخْشَوْنِ ٱلْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتْمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِى وَرَضِيتُ لَكُمُ ٱلْإِسْلَٰمَ دِينًا ۚ فَمَنِ ٱضْطُرَّ فِى مَخْمَصَةٍ غَيْرَ مُتَجَانِفٍ لِّإِثْمٍ ۙ فَإِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴿٣﴾.

«Бугунги кунда Мен сизнинг динингизни мукаммал қилиб бердим. Сизга неъматимни батамом қилдим. Ва сизга Исломни дин деб рози бўлдим» [Моида: 3]. Ислом шириати, камолот шариатидир ва унда инсонларнинг дину дунёларининг ислоҳи бордир, чунки у ўзидан олдинги барча шариатларда бор нарсани ўз ичига олиб, уларни тўлиқлаб, камолотга етказгандир. Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّ هَٰذَا ٱلْقُرْءَانَ يَهْدِى لِلَّتِى هِىَ أَقْوَمُ وَيُبَشِّرُ ٱلْمُؤْمِنِينَ ٱلَّذِينَ يَعْمَلُونَ ٱلصَّٰلِحَٰتِ أَنَّ لَهُمْ أَجْرًا كَبِيرًا﴿٩﴾.

«Албатта, бу Қуръон энг тўғри йўлга ҳидоят қилур ва яхши амалларни қилувчи мўминларга улуғ ажр борлиги хушхабарини берур» [Исро: 9]. Ислом шариати, собиқ умматларда бор бўлган қийинчиликларни инсонларга енгиллаштирди. Аллоҳ таоло айтади:

ٱلَّذِينَ يَتَّبِعُونَ ٱلرَّسُولَ ٱلنَّبِىَّ ٱلْأُمِّىَّ ٱلَّذِى يَجِدُونَهُۥ مَكْتُوبًا عِندَهُمْ فِى ٱلتَّوْرَىٰةِ وَٱلْإِنجِيلِ
يَأْمُرُهُم بِٱلْمَعْرُوفِ وَيَنْهَىٰهُمْ عَنِ ٱلْمُنكَرِ وَيُحِلُّ لَهُمُ ٱلطَّيِّبَـٰتِ وَيُحَرِّمُ عَلَيْهِمُ ٱلْخَبَـٰٓئِثَ وَيَضَعُ
عَنْهُمْ إِصْرَهُمْ وَٱلْأَغْلَـٰلَ ٱلَّتِى كَانَتْ عَلَيْهِمْ ۚ فَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ بِهِۦ وَعَزَّرُوهُ وَنَصَرُوهُ وَٱتَّبَعُوا۟ ٱلنُّورَ
ٱلَّذِىٓ أُنزِلَ مَعَهُۥٓ ۙ أُو۟لَـٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ﴿١٥٧﴾.

«Улар ўз ҳузурларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолида топиладиган, уларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадиган, уларга покиза нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни ҳаром қиладиган, устиларидаги юкни енгиллатиб, кишанларни ечадиган уммий Набий, Пайғамбарга эргашурлар. Бас, унга иймон келтириб, ёрдам бериб ва уни қўллаб-қувватлаган ҳамда унга нозил бўлган нурга эргашганлар — ана ўшалар нажот топгувчилардир», – деди» [Аъроф: 157]. Ислом шариати барча собиқ шариатларни бекор қилгувчидир. Аллоҳ таоло айтади:

وَأَنزَلْنَآ إِلَيْكَ ٱلْكِتَـٰبَ بِٱلْحَقِّ مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ ٱلْكِتَـٰبِ وَمُهَيْمِنًا عَلَيْهِ ۖ فَٱحْكُم
بَيْنَهُم بِمَآ أَنزَلَ ٱللَّهُ ۖ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَآءَهُمْ عَمَّا جَآءَكَ مِنَ ٱلْحَقِّ ۚ لِكُلٍّ جَعَلْنَا مِنكُمْ شِرْعَةً
وَمِنْهَاجًا ۚ وَلَوْ شَآءَ ٱللَّهُ لَجَعَلَكُمْ أُمَّةً وَٰحِدَةً وَلَـٰكِن لِّيَبْلُوَكُمْ فِى مَآ ءَاتَىٰكُمْ ۖ فَٱسْتَبِقُوا۟ ٱلْخَيْرَٰتِ ۚ
إِلَى ٱللَّهِ مَرْجِعُكُمْ جَمِيعًا فَيُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ ﴿٤٨﴾.

«Ва Биз сизга (эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом) китобни ҳақ ила, ўзидан олдинги китобни тасдиқловчи ва унинг устидан назорат этгувчи қилиб нозил қилдик. Бас, улар орасида Аллоҳ нозил этган нарса ила ҳукм юритинг. Ўзингизга келган ҳақни қўйиб, уларнинг хоҳишларига эргашманг. Сизлардан ҳар бирингизга алоҳида шариат ва йўл қилиб қўйдик. Агар Аллоҳ хоҳласа, ҳаммангизни бир уммат қилиб қўяр эди. Аммо У сизларни Ўзи ато этган нарсада синамоқ истайдир. Яхшиликка шошилингиз. Ҳаммангизнинг қайтар жойингиз Аллоҳ ҳузурида. Бас, ўшанда ихтилоф қилган нарсаларингиз ҳақида хабар берадир» [Моида: 48]. Шариатни ўз ичига олган Куръони Карим

ҳам, Илоҳий собиқ китобларни тасдиқлаб, уларга ҳоким ва (собиқ китобларни) ҳукмларини бекор қилгувчи бўлиб келгандир.

## 27. Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссалом олиб келган Исломдан бошқа динни қабул қилмайди. Ким Исломдан бошқа динни тўғри деб эътиқод қилса, ундан қабул қилинмайди.

Аллоҳ таоло, Муҳаммад соллалоҳу алайҳи ва салламни Ислом дини билан юборганидан сўнг, ундан(Исломдан) бошқа хеч қандай дин қабул қилинмас. Ким исломдан бошқа динни хоҳласа, ундан у дин ҳаргиз қабул қилинмас. Аллоҳ таоло айтади:

وَمَن يَبْتَغِ غَيْرَ ٱلْإِسْلَـٰمِ دِينًا فَلَن يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِى ٱلْـَٔاخِرَةِ مِنَ ٱلْخَـٰسِرِينَ ﴿٨٥﴾.

«Ким Исломдан бошқа динни хоҳласа, бас, ундан бу ҳаргиз қабул қилинмас ва у охиратда зиён кўргувчилардан бўлур» [Оли-Имрон: 85]. .

إِنَّ ٱلدِّينَ عِندَ ٱللَّهِ ٱلْإِسْلَـٰمُ ۗ وَمَا ٱخْتَلَفَ ٱلَّذِينَ أُوتُوا۟ ٱلْكِتَـٰبَ إِلَّا مِنۢ بَعْدِ مَا جَآءَهُمُ ٱلْعِلْمُ بَغْيًۢا بَيْنَهُمْ ۗ وَمَن يَكْفُرْ بِـَٔايَـٰتِ ٱللَّهِ فَإِنَّ ٱللَّهَ سَرِيعُ ٱلْحِسَابِ﴿١٩﴾.

«Албатта, Аллоҳнинг ҳузуридаги дин Исломдир. Китоб берилганлар фақат уларга илм келгандан сўнг, ўзаро ҳасад қилишибгина ихтилоф қилдилар. Ким Аллоҳнинг оятларига куфр

келтирса, бас, албатта, Аллоҳ ҳисобни тезда қилувчидир» [Оли-Имрон: 19]. Ислом, Аллоҳнинг халили бўлмиш Иброҳим алайҳиссаломнинг миллати(дини)дир. Аллоҳ таоло айтади:

وَإِذۡ جَعَلۡنَا ٱلۡبَيۡتَ مَثَابَةٗ لِّلنَّاسِ وَأَمۡنٗا وَٱتَّخِذُواْ مِن مَّقَامِ إِبۡرَٰهِـۧمَ مُصَلّٗىۖ وَعَهِدۡنَآ إِلَىٰٓ إِبۡرَٰهِـۧمَ وَإِسۡمَٰعِيلَ أَن طَهِّرَا بَيۡتِيَ لِلطَّآئِفِينَ وَٱلۡعَٰكِفِينَ وَٱلرُّكَّعِ ٱلسُّجُودِ﴿١٣٠﴾.

«Ўзини эси паст санаганларгина Иброҳимнинг миллатидан юз ўгиради. Албатта, Биз уни бу дунёда танлаб олдик ва албатта у охиратда солиҳлардан бўлгай» [Бақара: 130]. .

وَمَنۡ أَحۡسَنُ دِينٗا مِّمَّنۡ أَسۡلَمَ وَجۡهَهُۥ لِلَّهِ وَهُوَ مُحۡسِنٞ وَٱتَّبَعَ مِلَّةَ إِبۡرَٰهِيمَ حَنِيفٗاۗ وَٱتَّخَذَ ٱللَّهُ إِبۡرَٰهِيمَ خَلِيلٗا﴿١٢٥﴾.

«Ҳақиқий мусулмон бўлган ҳолида ўзини Аллоҳга топширган ва ҳақ йўлдаги Иброҳимнинг динига эргашган кишининг динидан ҳам гўзалроқ дин борми?! (Ахир) Иброҳимни Аллоҳ Ўзига дўст тутган» [Нисо: 125]. Аллоҳ таоло Муҳаммад соллалоҳу алайҳи ва салламга шундай дейишларини амр қилди:

قُلۡ إِنَّنِي هَدَىٰنِي رَبِّيٓ إِلَىٰ صِرَٰطٖ مُّسۡتَقِيمٖ دِينٗا قِيَمٗا مِّلَّةَ إِبۡرَٰهِيمَ حَنِيفٗاۚ وَمَا كَانَ مِنَ ٱلۡمُشۡرِكِينَ﴿١٦١﴾.

«Сиз: «Албатта, Мени Роббим тўғри йўлга — рост динга — тўғриликка мойил Иброҳим миллатига ҳидоят қилди. У мушриклардан бўлмаган эди», – деб айтинг!» [Анъом: 161].

# 28. Қуръони карим Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломга ваҳий қилинган китобдир. У оламлар Парвардигорининг каломидир. Аллоҳ

инсу жинни Қуръонга ўхшаган бир китобни ёки унинг бир сурасига ўхшаган бир сурани айтиб бериш борасида беллашувга чақирган. Бу беллашувга чақирув бугунги кунгача давом этиб келяпти. Қуръони карим миллионлаган одамларнинг бошини қотирган жуда кўп ўта муҳим саволларга жавоб беради. Буюк Қуръон араб тилида қандай нозил бўлган бўлса, ўша ҳолича, бир ҳарфи ҳам ўзгармасдан сақланиб, чоп этилиб, нашр қилиниб келяпти. У ўзини ўқишга ҳам, маъноларининг таржималарини ўқишга ҳам арзийдиган китобдир. Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннати, таълимоти ва таржимаи ҳоли ҳам сақланиб,

ишончли ровийлар орқали нақл қилинган ва араб тилида китоб шаклида чоп этилган. Кўп тилларга таржима ҳам қилинган. Ислом ҳукмлари ва шариатлари учун ягона манба Қуръони карим ва Пайғамбар алайҳиссаломнинг суннатидир. Ислом мусулмонларнинг тасарруфотидан эмас, илоҳий ваҳийдан - Қуръон ва суннатдан олинади.

Куръони Карим, Аллоҳ таолонинг каломи бўлиб, араб бўлган пайгамбаримиз Муҳаммад соллалоҳу алайҳи ва салламга соф араб тилида ваҳий қилинган китобдир.

وَإِنَّهُۥ لَتَنزِيلُ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ﴿١٩٢﴾نَزَلَ بِهِ ٱلرُّوحُ ٱلْأَمِينُ﴿١٩٣﴾ عَلَىٰ قَلْبِكَ لِتَكُونَ مِنَ ٱلْمُنذِرِينَ﴿١٩٤﴾ بِلِسَانٍ عَرَبِيٍّ مُّبِينٍ﴿١٩٥﴾.

«Албатта, у(Қуръон) Роббул оламийннинг туширганидир» Уни Руҳул Амийн олиб тушди. Сизнинг қалбингизга, огоҳлантиргувчилардан бўлишингиз учун. Очиқ-ойдин араб тилида» [Шуаро: 192-195]. .

وَإِنَّكَ لَتُلَقَّى ٱلْقُرْءَانَ مِن لَّدُنْ حَكِيمٍ عَلِيمٍ ﴿٦﴾.

«Албатта, сизга бу Қуръон ўта ҳикматли ва ўта илмли Зот томонидан берилур» [Намл: 6]. Бу Куръон, Аллоҳ томонидан

нозил қилинган ва ўзидан олдинги Илоҳий китобларни тасдиқловчидир. Аллоҳ таоло айтади:

وَمَا كَانَ هَـٰذَا ٱلْقُرْءَانُ أَن يُفْتَرَىٰ مِن دُونِ ٱللَّهِ وَلَـٰكِن تَصْدِيقَ ٱلَّذِى بَيْنَ يَدَيْهِ وَتَفْصِيلَ ٱلْكِتَـٰبِ لَا رَيْبَ فِيهِ مِن رَّبِّ ٱلْعَـٰلَمِينَ﴿٣٧﴾.

«Ушбу Қуръон Аллоҳдан ўзга биров томонидан тўқилган бўлиши мумкин эмас. Балки у бутун оламлар Парвардигори томонидан келган ва (ҳақ эканлигига) шак-шубҳа бўлмаган, ўзидан аввалги (Таврот, Инжил каби) нарсаларни тасдиқловчи ва (шариат ҳукмларидан (иборат) муфассил Китобдир» [Юнус: 37]. Ва бу Буюк Қуръон яҳуд ва насронийлар ўз динларида ихтилоф қилган жуда кўп масалаларни баёнлаб берур. Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّ هَـٰذَا ٱلْقُرْءَانَ يَقُصُّ عَلَىٰ بَنِىٓ إِسْرَٰٓءِيلَ أَكْثَرَ ٱلَّذِى هُمْ فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ﴿٧٦﴾.

«Албатта, ушбу Қуръон Исроил зурриётига улар ихтилоф қилаётган нарсаларнинг кўпини айтиб берадир» [Намл: 76]. Буюк Қуръон Аллоҳ таолонинг, диннинг ва (мусулмонларнинг) мукофотларини танишликка таалуқли барча далилларни ўз ичига олгандир ва барча инсонларга ҳужжат бўлур. Аллоҳ таоло айтади:

وَلَقَدْ ضَرَبْنَا لِلنَّاسِ فِى هَـٰذَا ٱلْقُرْءَانِ مِن كُلِّ مَثَلٍ لَّعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ ﴿٢٧﴾.

«Батаҳқиқ, Биз ушбу Қуръонда инсонларга турли мисоллар келтирдик. Шоядки, эсласалар» [Зумар: 27]. .

وَيَوْمَ نَبْعَثُ فِى كُلِّ أُمَّةٍ شَهِيدًا عَلَيْهِم مِّنْ أَنفُسِهِمْ ۖ وَجِئْنَا بِكَ شَهِيدًا عَلَىٰ هَـٰٓؤُلَآءِ ۚ وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ ٱلْكِتَـٰبَ تِبْيَـٰنًا لِّكُلِّ شَىْءٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً وَبُشْرَىٰ لِلْمُسْلِمِينَ ﴿٨٩﴾.

«Сизга китобни ҳар бир нарсани баён қилувчи этиб, мусулмонларга ҳидоят, раҳмат ва хушхабар қилиб нозил этдик.

(Яъни, қиёмат куни ҳар бир умматга Пайғамбарини гувоҳ этганимиздек, сени ҳам умматингга гувоҳ қилиб келтирамиз. Сизга Қуръони Каримни нозил қилишдан мақсад ҳар бир нарсани баён қилиб беришдир. Қуръон мўминлар учун Аллоҳнинг раҳматидир, мусулмонлар учун ҳидоятдир. Қуръони Карим мўминлар учун хушхабардир, уларга иймонлари орқасидан келадиган яхшиликлар хушхабарини беради)» [Наҳл: 89].

Қуръони Карим миллионлаган инсонларни ҳайратда қолдирган саволларга жавоб беради ва Аллоҳ таоло осмонлару ерни қандай яратганини баён қилади. Аллоҳ таоло айтади:

أَوَلَمْ يَرَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ أَنَّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ كَانَتَا رَتْقًا فَفَتَقْنَٰهُمَا ۖ وَجَعَلْنَا مِنَ ٱلْمَآءِ كُلَّ
شَىْءٍ حَىٍّ ۖ أَفَلَا يُؤْمِنُونَ ﴿٣٠﴾.

«Кофир бўлган кимсалар осмонлар ҳам, Ер ҳам (аввалда) тўсиқ (яъни, осмонлардан ёғин ёғмас, Ердан эса бирон гиёҳ унмас) бўлганини, бас, Биз уларни очиб юборганимизни (яъни, осмондан ёғин ёғдириб, Ердан гиёҳ ундирганимизни) ва барча жонли мавжудотни сувдан (пайдо) қилганимизни кўрмадиларми?! Энди ҳам иймон келтирмайдиларми?!» [Анбиё: 30]. Аллоҳ таоло инсонни кандай яратганини баёнлаб шундай деди:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ إِن كُنتُمْ فِى رَيْبٍ مِّنَ ٱلْبَعْثِ فَإِنَّا خَلَقْنَٰكُم مِّن تُرَابٍ ثُمَّ مِن نُّطْفَةٍ ثُمَّ مِنْ
عَلَقَةٍ ثُمَّ مِن مُّضْغَةٍ مُّخَلَّقَةٍ وَغَيْرِ مُخَلَّقَةٍ لِّنُبَيِّنَ لَكُمْ ۚ وَنُقِرُّ فِى ٱلْأَرْحَامِ مَا نَشَآءُ إِلَىٰٓ أَجَلٍ
مُّسَمًّى ثُمَّ نُخْرِجُكُمْ طِفْلًا ثُمَّ لِتَبْلُغُوٓا۟ أَشُدَّكُمْ ۖ وَمِنكُم مَّن يُتَوَفَّىٰ وَمِنكُم مَّن يُرَدُّ إِلَىٰٓ أَرْذَلِ
ٱلْعُمُرِ لِكَيْلَا يَعْلَمَ مِنۢ بَعْدِ عِلْمٍ شَيْـًٔا ۚ وَتَرَى ٱلْأَرْضَ هَامِدَةً فَإِذَآ أَنزَلْنَا عَلَيْهَا ٱلْمَآءَ ٱهْتَزَّتْ
وَرَبَتْ وَأَنۢبَتَتْ مِن كُلِّ زَوْجٍۭ بَهِيجٍ ﴿٥﴾.

«Эй одамлар! Агар қайта тирилиш ҳақида шубҳа қиладиган бўлсангиз, бас, Биз сизга баён қилишимиз учун сизларни

тупроқдан, сўнгра нутфадан, сўнгра алақадан, сўнгра битган-битмаган бир чайнам гўштдан яратдик. Ва бачадонларда хоҳлаган нарсамизни маълум муддатгача қарор топдирамиз. Кейин сизларни гўдак ҳолингизда чиқарамиз. Сўнгра вояга етишингиз учун (тарбия қиламиз). Сиздан вафот қилиб кетадиганлар ҳам, билганидан кейин ҳеч нарсани билмай қоладиган даражада тубан умрга етадиганлар ҳам бор. Ва ерни қақраган ҳолда кўрасан. Қачонки, Биз унга сув туширсак, у сесканар ва кўпчир. Ҳамда ҳар хил гўзал жуфтларни ўстирадир». [Ҳаж: 5]. Ундан кегин, борар жойини, итоаткор ва осийларнинг жазою мукофотини хабарини беради, албатта буларнинг барчасининг далиллари 20-бобда зикр қилинди. Фикрингизча буларнинг хаммаси бирор мақсад ва ғоясиз яратилдими ёки бу яратилишда шарий ғоя(мақсад) борми?! Аллоҳ таоло айтади:

أَوَلَمْ يَنظُرُواْ فِي مَلَكُوتِ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَمَا خَلَقَ ٱللَّهُ مِن شَيْءٖ وَأَنْ عَسَىٰٓ أَن يَكُونَ قَدِ ٱقْتَرَبَ أَجَلُهُمْۖ فَبِأَيِّ حَدِيثِۭ بَعْدَهُۥ يُؤْمِنُونَ ﴿١٨٥﴾.

«Осмонлару ернинг мулкларига, Аллоҳ яратган нарсаларга ва, ажаб эмаски, ажаллари яқинлашиб қолган бўлишига назар солмайдиларми? Бундан кейин яна қайси гапга ишонадилар?!» [Аъроф: 185]. .

أَفَحَسِبْتُمْ أَنَّمَا خَلَقْنَٰكُمْ عَبَثًا وَأَنَّكُمْ إِلَيْنَا لَا تُرْجَعُونَ ﴿١١٥﴾.

«Ёки сизларнинг гумонингизча, Биз сизларни беҳуда (яъни, дунёда сизларга бирон вазифа бермайдиган, Охиратда ҳисоб-китоб қилмайдиган ҳолда) яратдигу, сизлар Бизнинг ҳузуримизга қайтарилмайсизларми?!» (Ундоқ эмас)! [Мўъминун: 115]. Буюк Куръон хозирги кунимизгача, у нозил бўлган(араб) тилида сақланиб келмоқда. Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا ٱلذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُۥ لَحَٰفِظُونَ ﴿٩﴾.

«Албатта, бу эслатмани (яъни, Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз» [Ҳижр: 9]. Ундан бир харф ҳам нуқсон бўлмаган, тушиб қолиши ёки ўзгариши мумкин ҳам эмас. Аллоҳ таоло айтади:

أَفَلَا يَتَدَبَّرُونَ ٱلْقُرْءَانَ ۚ وَلَوْ كَانَ مِنْ عِندِ غَيْرِ ٱللَّهِ لَوَجَدُوا۟ فِيهِ ٱخْتِلَٰفًا كَثِيرًا﴿٨٢﴾.

«Қуръонни тадаббур этиб кўрмайдиларми?! Агар у Аллоҳдан бошқанинг ҳузуридан бўлганида, ундан кўп ихтилофлар топар эдилар» [Нисо: 82]. У(Қуръони Карим) нашр қилинган ва дунёнинг ҳар бир бурчагигача тарқатилгандир. У ўта буюк ва уни қироат қилишликка, тинглашликка ва унинг маъноларини кўплаган тилларга таржима қилишликка арзигулик мўъжизавий китобдир. Шу билан бирга Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари ҳам у зот(алайҳиссалом) сўзлаган тилларида ва кўп бошқа тилларга таржима қилинган ҳолда, ишончли ровийлар орқали ҳозирги кунимизгача етиб келди. Буюк Куръон ва Росулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари, ислом аҳкомлари ва шариати олинадиган яккаю ягона манбадир, ислом, аҳкомларни унга(исломга) мансуб бўлган инсонларнинг ўзбошимчалиги билан олинавермайди, балки нуқсонсиз бўлган Илоҳий ваҳий бўлмиш: Буюк Қуръон ва Расулуллоҳ (соллалоҳу алайҳи ва саллам) суннатларидан олур. Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ بِٱلذِّكْرِ لَمَّا جَآءَهُمْ ۖ وَإِنَّهُۥ لَكِتَٰبٌ عَزِيزٌ﴿٤١﴾ لَّا يَأْتِيهِ ٱلْبَٰطِلُ مِنۢ بَيْنِ يَدَيْهِ وَلَا مِنْ خَلْفِهِۦ ۖ تَنزِيلٌ مِّنْ حَكِيمٍ حَمِيدٍ﴿٤٢﴾.

«Албатта ўзларига Эслатма — Қуръон келган вақтда унга кофир бўлган кимсалар (қаттиқ азобга йўлиқурлар). Шак-шубҳасиз, у азиз — қудратли Китобдир. Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам (ҳеч қандай) ботил-ноҳақлик келмас (яъни, Қуръони Каримнинг ҳеч қайси томонидан бирон китоб ё ҳужжат

келиб, уни ботил қила олмас, чунки у) ҳикмат ва ҳамду-сано эгаси томонидан нозил қилингандир» [Фуссилат: 41-42]. Аллоҳ таоло набавий суннатни, У(Аллоҳ) томонидан бўлган ваҳийлигини баён қилиб шундай деди:

مَّآ أَفَآءَ ٱللَّهُ عَلَىٰ رَسُولِهِۦ مِنْ أَهْلِ ٱلْقُرَىٰ فَلِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ وَلِذِى ٱلْقُرْبَىٰ وَٱلْيَتَـٰمَىٰ وَٱلْمَسَـٰكِينِ وَٱبْنِ ٱلسَّبِيلِ كَىْ لَا يَكُونَ دُولَةًۢ بَيْنَ ٱلْأَغْنِيَآءِ مِنكُمْ ۚ وَمَآ ءَاتَىٰكُمُ ٱلرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَىٰكُمْ عَنْهُ فَٱنتَهُوا۟ ۚ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ ۖ إِنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ ٱلْعِقَابِ ﴿٧﴾.

«Пайғамбар ўзи сизларга ато этган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар ва Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта Аллоҳнинг жазоси қаттиқдир» [Ҳашр: 7].

# 29. Ислом ота-онага яхшилик қилишни буюради. Ҳатто улар мусулмон бўлмасалар ҳам. Фарзандларга эса, эътиборли бўлишни буюради.

Ислом ота-онага яхшилик қилишини буюради. Аллоҳ таоло айтади:

۞ وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوٓا۟ إِلَّآ إِيَّاهُ وَبِٱلْوَٰلِدَيْنِ إِحْسَـٰنًا ۚ إِمَّا يَبْلُغَنَّ عِندَكَ ٱلْكِبَرَ أَحَدُهُمَآ أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُل لَّهُمَآ أُفٍّ وَلَا تَنْهَرْهُمَا وَقُل لَّهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا ﴿٢٣﴾.

«Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга «уфф» дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт!» [Исро: 23]. .

وَوَصَّيْنَا ٱلْإِنسَـٰنَ بِوَٰلِدَيْهِ حَمَلَتْهُ أُمُّهُۥ وَهْنًا عَلَىٰ وَهْنٍ وَفِصَـٰلُهُۥ فِى عَامَيْنِ أَنِ ٱشْكُرْ لِى وَلِوَٰلِدَيْكَ إِلَىَّ ٱلْمَصِيرُ﴿١٤﴾.

«Биз инсонга ота-онаси ҳақида тавсия қилдик: онаси уни заифлик устига заифлик билан кўтарди» [Луқмон: 14]. .

وَوَصَّيْنَا ٱلْإِنسَـٰنَ بِوَٰلِدَيْهِ إِحْسَـٰنًا ۖ حَمَلَتْهُ أُمُّهُۥ كُرْهًا وَوَضَعَتْهُ كُرْهًا ۖ وَحَمْلُهُۥ وَفِصَـٰلُهُۥ ثَلَـٰثُونَ شَهْرًا ۚ حَتَّىٰٓ إِذَا بَلَغَ أَشُدَّهُۥ وَبَلَغَ أَرْبَعِينَ سَنَةً قَالَ رَبِّ أَوْزِعْنِىٓ أَنْ أَشْكُرَ نِعْمَتَكَ ٱلَّتِىٓ أَنْعَمْتَ عَلَىَّ وَعَلَىٰ وَٰلِدَىَّ وَأَنْ أَعْمَلَ صَـٰلِحًا تَرْضَىٰهُ وَأَصْلِحْ لِى فِى ذُرِّيَّتِىٓ ۖ إِنِّى تُبْتُ إِلَيْكَ وَإِنِّى مِنَ ٱلْمُسْلِمِينَ﴿١٥﴾.

«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси унга қийналиб ҳомиладор бўлди ва уни қийналиб туғди. Ва унинг ҳомиласи ва кўкракдан ажратиши ўттиз ойдир. Токи, у камолга етиб, қирқ ёшга кирганида: «Роббим, Ўзинг менга ва ота-онамга берган неъматларингга шукр қилишимга ва Сен рози бўлган солиҳ(иш)ни қилишимга илҳом бергин. Ва менинг зурриётларимни ҳам солиҳлардан қилгин. Албатта, мен тавба қилдим ва, албатта, мен мусулмонлардранман», - деди» [Аҳқоф: 15]. Абу Ҳурайра розиёллоҳу анҳудан келган ҳадисда, у киши шундай дедилар: «Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига бир киши келди ва шундай деди: «Ё Расулуллоҳ менинг яхши момиламга энг лойиқ инсон ким?». Шунда Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам жавобан: «Онанг!» дедилар, сўнгра у киши: «Ундан кейинчи, ё Расулуллоҳ?», – деб сўради, Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам яна жавоб бериб: «Онанг», – дедилар. У киши учинчи бор: «Ундан кейинчи?», –деди. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам яна жавоб қилиб: «Онанг!», – дедилар, шунда у киши: «Ундан кейинчи ё Расулуллоҳ?», – деб сўради, ва Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам: «Отанг!», – деб жавоб бердилар.

Саҳиҳ Муслим ривояти. Ота-онага яхшилик қилишлик буйруғи улар мусулмон ёки ғайридинликларига боғлиқ эмасдир. Асмо бинти Абу Бакр ривоят қиладилар: «Онам мушриклар билан мусулмонлар ўртасида сулҳ тузилган даврда (мени кўргани) келдилар. Онам мушрика бўлиб, (ҳануз исломга кирмаган эдилар). Ўша пайтда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан онамнинг отаси (яъни, бобом) ўзаро шартнома тузишган эди. Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Онам мени соғиниб келибдилар, мурувват кўрсатайми, нима дейсиз?»-дедим. Жаноб Расулуллоҳ «Ҳа, онангга мурувват қил!»- деб жавоб қилдилар». Саҳиҳ Бухорий. Ҳаттоки ислом дини, ота-она ўз фарзандларини исломдан қайтишликка даъват қилган пайтларида ҳам (уларга душманлик қилишликка эмас балким) исломда ва иймонда қолган ҳолда, уларга(ота-онага) яхшилик қилишликка буюради. Аллоҳ таоло айтади:

وَإِن جَٰهَدَاكَ عَلَىٰٓ أَن تُشْرِكَ بِى مَا لَيْسَ لَكَ بِهِۦ عِلْمٌ فَلَا تُطِعْهُمَا ۖ وَصَاحِبْهُمَا فِى ٱلدُّنْيَا مَعْرُوفًا ۖ وَٱتَّبِعْ سَبِيلَ مَنْ أَنَابَ إِلَىَّ ۚ ثُمَّ إِلَىَّ مَرْجِعُكُمْ فَأُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿١٥﴾.

«Агар икковлари сени ўзинг билмаган нарсани Менга ширк келтиришга зўрласалар, бас, уларга итоат этма! Ва дунё-да икковларига яхшилик қил ҳамда Менга йўналганларнинг йўлига эргаш. Сўнгра қайтишингиз фақат Менгадир. Бас, Мен сизга нима амал қилганингиз хабарини берурман» [Луқмон: 15]. Ислом дини мусулмонларни исломга душманлик қилмайдиган ғайридин қариндошларига ёки бошқа ғайридинларга яхшилик қилишликни таъқиқламайди. Аллоҳ таоло айтади:

لَّا يَنْهَىٰكُمُ ٱللَّهُ عَنِ ٱلَّذِينَ لَمْ يُقَٰتِلُوكُمْ فِى ٱلدِّينِ وَلَمْ يُخْرِجُوكُم مِّن دِيَٰرِكُمْ أَن تَبَرُّوهُمْ وَتُقْسِطُوٓا۟ إِلَيْهِمْ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ يُحِبُّ ٱلْمُقْسِطِينَ ﴿٨﴾.

«Аллоҳ сизларни диний уруш қилмаган ва диёрларингиздан қувиб чиқармаганларга яхшилик ва адолат қилишдан қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолат қилувчиларни яхши кўрадир» [Мумтаҳана: 8]. Ислом фарзандларга насиҳат қилишликка буюради ва ота-онадан талаб қилинган энг катта вазифа, бу ўз фарзандига Аллоҳнинг банданинг устида бўлган ҳаққини ўргатишликдир. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам амакиларининг боласи булмиш ибн Аббосга: «Эй бола (ёки, эй болакай), сенга (агарда уларни ўрганадиган бўлсанг) Аллоҳ таоло улар орқали сенга фойда берадиган калималарни ўргатайми?», – дедилар. Ибн Аббос: «Албатта!», – деб жавоб бердилар. Шунда Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳни(динини, шариатини) сақла, шунда У(Аллоҳ) сени сақлайди, Аллоҳни(динини, шариатини) сақла, Уни(Аллоҳни) доим ёнингда топасан. Роҳат-фароғатда бўлганингда Аллоҳни эсла, эҳтиёжинг тушганда сени У (Аллоҳ) эслайди, агар сўрайдиган бўлсанг Аллоҳдан сўра, таянсанг фақат Аллоҳга таян!», – дедилар. Аҳмад ривояти 4/287.

Аллоҳ таоло, ота-онага ўз фарзандларига дунё-ю охиратда фойда берадиган нарсаларни ўргатишликни буюрди. Аллоҳ таоло айтади:

يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ قُوٓا۟ أَنفُسَكُمْ وَأَهْلِيكُمْ نَارًا وَقُودُهَا ٱلنَّاسُ وَٱلْحِجَارَةُ عَلَيْهَا مَلَـٰٓئِكَةٌ غِلَاظٌ شِدَادٌ لَّا يَعْصُونَ ٱللَّهَ مَآ أَمَرَهُمْ وَيَفْعَلُونَ مَا يُؤْمَرُونَ ﴿٦﴾.

«Эй, иймон келтирганлар! Ўзингизни ва аҳли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган ўтдан сақланг. Унинг тепасида қўпол, дарғазаб фаришталар бўлиб, улар Аллоҳнинг амрига исён қилмаслар ва нимага буюрилсалар, шуни қилурлар» [Таҳрим сураси: 6]. Али розиёллоҳу анҳу, Аллоҳнинг ушбу оятида:

«Ўзингизни ва аҳли оилангизни ўтдан(азобдан) сақланг». Шундай дедилар: "Сақланг" сўзидан мурод "Тарбияламоқ ва таълим бермоқдир". Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам, оталар ўз фарзандларига намозни ўргатишларини талаб қилиб шундай дедилар: «Фарзандларингиз етти ёшга тўлганида, уларни намоз ўқишликка буюринг!» Абу Довуд ривояти. Яна бошқа бир ҳадисда, Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Ҳар бирингиз мутасаддидир ва ҳар бирингиз қўл остидагилари учун масъулдир. Имом мутасаддидир ва қўл остидагилари учун масъулдир. Эркак ўз оиласида мутасаддидир ва қўл остидагилари учун масъулдир. Аёл эрининг уйида мутасаддидир ва қўл остидагилари учун масъулдир. Ходим ўз хожасининг молу мулкида мутасаддидир ва қўл остидагилари учун масъулдир. Демак, ҳар бирингиз мутасаддидир ва ҳар бирингиз қўл остидагилари учун масъулдир». Саҳиҳ Ибн Ҳиббон 4490.

Ислом дини отани ўз фарзандларига ва аҳли оиласига инфоқ қилишликка буюради, бу масала 18-бобда зикр қилинди. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам фарзандларга ва аҳли оилага инфоқ қилишнинг фазилатини баёнлаб шундай дедилар: «Кишининг берган нафақаларининг ичидаги энг яхшиси: оиласига, Аллоҳ йўлида қўлланадиган ҳайвонига ва Аллоҳ йўлидаги биродарларига берган нафақасидир». Абу Қилаба: «Бу ерда оиласига нафақа беришлик билан бошладилар», –дедилар. Ва яна Абу Қилаба: «Оиласига ва ёш болаларига нафақа берувчидан кўра яхшироқ киши бормиди?! Уларга нафақа бериш билан уларни иффатли қилади, уларга фойда беради ва бошқаларга муҳтож қилиб қўймайди». Саҳиҳ Муслим ривояти 994.

# 30. Ислом сўзда ва амалда ҳатто душманларга нисбатан ҳам адолатли бўлишни буюради.

Аллоҳ субҳана ва таоло ўзининг феъллари ва бандалари орасида қилган тадбирларида, комил адолат билан сифатлангандир, шунингдек ўзининг авомирлари(буйруқлари)да, қайтариқларида, яратишида ва тақдир қилишида ҳам адолат эгасидир. Аллоҳ таоло айтади:

شَهِدَ ٱللَّهُ أَنَّهُۥ لَآ إِلَـٰهَ إِلَّا هُوَ وَٱلْمَلَـٰٓئِكَةُ وَأُو۟لُوا۟ ٱلْعِلْمِ قَآئِمًۢا بِٱلْقِسْطِ ۚ لَآ إِلَـٰهَ إِلَّا هُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ﴿١٨﴾.

«Аллоҳ, фариштала ва илм аҳллари — ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи борлигига гувоҳлик бердилар. У адолат билан тургувчи — ҳукм қилгувчидир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бор. У қудратли, ҳикмат эгасидир» [Оли Имрон: 18]. Аллоҳ таоло адолат қилишликка буюриб шундай деди:

قُلْ أَمَرَ رَبِّى بِٱلْقِسْطِ ۖ وَأَقِيمُوا۟﴿٢٩﴾.

«(Эй Муҳаммад алейҳиссалом) "Менинг Роббим адолат қилишликка буюрди", деб айтинг!» [Аъроф: 29]. Ва барча пайғамбарлар ва расуллар (уларга Аллоҳнинг саломи бўлсин) адолат ила келишгандир. Аллоҳ таоло айтади:

لَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلَنَا بِٱلْبَيِّنَـٰتِ وَأَنزَلْنَا مَعَهُمُ ٱلْكِتَـٰبَ وَٱلْمِيزَانَ لِيَقُومَ ٱلنَّاسُ بِٱلْقِسْطِ ۖ وَأَنزَلْنَا ٱلْحَدِيدَ فِيهِ بَأْسٌ شَدِيدٌ وَمَنَـٰفِعُ لِلنَّاسِ وَلِيَعْلَمَ ٱللَّهُ مَن يَنصُرُهُۥ وَرُسُلَهُۥ بِٱلْغَيْبِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ قَوِىٌّ عَزِيزٌ﴿٢٥﴾.

«Қасамки, Биз Ўз пайғамбарларимизни аниқ ҳужжат-мўъжизалар билан юбордик ва улар билан бирга Китоб ҳамда одамлар адолатни барпо қилишлари учун мезон-тарози туширдик» [Ҳадид: 25]. Тарози бу, сўзлар ва амалларда бўладиган адолатдир.

Ислом ҳатто душманлар билан бўлса ҳам сўз ва амалларда адолатли бўлишга ундайди. Аллоҳ таоло айтади:

۞ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ كُونُوا۟ قَوَّٰمِينَ بِٱلْقِسْطِ شُهَدَآءَ لِلَّهِ وَلَوْ عَلَىٰٓ أَنفُسِكُمْ أَوِ ٱلْوَٰلِدَيْنِ وَٱلْأَقْرَبِينَ ۚ إِن يَكُنْ غَنِيًّا أَوْ فَقِيرًا فَٱللَّهُ أَوْلَىٰ بِهِمَا ۖ فَلَا تَتَّبِعُوا۟ ٱلْهَوَىٰٓ أَن تَعْدِلُوا۟ ۚ وَإِن تَلْوُۥٓا۟ أَوْ تُعْرِضُوا۟ فَإِنَّ ٱللَّهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًا ﴿١٣٥﴾.

«Эй, иймон келтирганлар! Адолат ила туринг ҳамда агар ўзингиз, ота-онангиз ва қариндошларингиз зиддига бўлса ҳам, Аллоҳ учун тўғри гувоҳлик берувчи бўлинг. Агар у бой бўлса ҳам, камбағал бўлса ҳам, Аллоҳ унга яқинроқдир. Ҳавойи нафсга эргашиб, адолатсизлик қилманг. Агар тилингизни бурсангиз ёки юз ўгириб кетсангиз, албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардордир» [Нисо: 135]. .

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تُحِلُّوا۟ شَعَٰٓئِرَ ٱللَّهِ وَلَا ٱلشَّهْرَ ٱلْحَرَامَ وَلَا ٱلْهَدْىَ وَلَا ٱلْقَلَٰٓئِدَ وَلَآ ءَآمِّينَ ٱلْبَيْتَ ٱلْحَرَامَ يَبْتَغُونَ فَضْلًا مِّن رَّبِّهِمْ وَرِضْوَٰنًا ۚ وَإِذَا حَلَلْتُمْ فَٱصْطَادُوا۟ ۚ وَلَا يَجْرِمَنَّكُمْ شَنَـَٔانُ قَوْمٍ أَن صَدُّوكُمْ عَنِ ٱلْمَسْجِدِ ٱلْحَرَامِ أَن تَعْتَدُوا۟ ۘ وَتَعَاوَنُوا۟ عَلَى ٱلْبِرِّ وَٱلتَّقْوَىٰ ۖ وَلَا تَعَاوَنُوا۟ عَلَى ٱلْإِثْمِ وَٱلْعُدْوَٰنِ ۚ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ ۖ إِنَّ ٱللَّهَ شَدِيدُ ٱلْعِقَابِ ﴿٢﴾.

«Эй мўминлар, Аллоҳ буюрган удумларни бузишни, уруш ҳаром қилинган ойда жанг қилишни, Аллоҳ йўлида ҳадя этилган ҳайвонларни (ўлдиришни) ва уларга осиб қўйилган ҳадялик белгиларини (узиб ташлашни) ҳамда Парвардигорларидан фазлу марҳамат ва ризолик тилаб Байтул-Ҳаромни (Каъбани) мақсад қилиб кетаётган кишиларга (қарши жанг қилишни) ҳалол қилиб олмангиз! (Эҳромдан чиқиб) ҳалол бўлгач, ов

қилаверингиз. (Сизларни Каъбадан тўсганлари сабабли) бирон қавмни ёмон кўришингиз ҳаддингиздан ошишингизга — адолатсизликка тортмасин — сабаб бўлмасин! Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Шубҳасиз, Аллоҳнинг азоби қаттиқдир» [Моида: 2]. .

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ كُونُوا۟ قَوَّٰمِينَ لِلَّهِ شُهَدَآءَ بِٱلْقِسْطِ ۖ وَلَا يَجْرِمَنَّكُمْ شَنَـَٔانُ قَوْمٍ عَلَىٰٓ أَلَّا
تَعْدِلُوا۟ ۚ ٱعْدِلُوا۟ هُوَ أَقْرَبُ لِلتَّقْوَىٰ ۖ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ خَبِيرٌۢ بِمَا تَعْمَلُونَ﴿ ٨﴾.

«Эй мўминлар, Аллоҳнинг Ўзи учун ҳақ йўлни тутгувчи, адолат билан шаҳодат-гувоҳлик бергувчи бўлингиз! Бирон қавмни ёмон кўришингиз сизларни адолат қилмасликка тортмасин! Адолат қилингиз! Шу тақвога яқинроқдир» [Моида: 8]. Айтингчи, ҳозирги кунда исломдан бошқа динлар ёки инсонлар ўзлари ўрнатган қонунлари: тўғри гувоҳлик бериш, ўзимизга ёки ота-онамизга нисбатан ростгўйлик, дўстга, ҳаттоки, душманга ҳам адолатли бўлиш каби яхши сифатларга ундайдими!?

Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам, ҳаттоки фарзандлар орасида ҳам адолат қилишга буюрдилар. Нуъмон ибн Башир розияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «(Онам Амра бинти Равоҳа отам Башир ибн Саъддан менга ўз молларидан бирор нарса ҳадя қилишларини илтимос қилдилар), бир (қул) ҳадя қилдилар. Шунда онам отамга: «(ўғлингизга бу қулни мерос қилиб эмас, балки ҳадя сифатида берганингизга) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни гувоҳ қилиб қўймагунингизга қадар рози бўлмайман!» - дедилар. Сўнг, отам Жаноб Расулуллоҳнинг ҳузурларига бориб: «Ё Расулуллоҳ, мен Амра бинти Равоҳадан (туғилган) ўғлимга (бир қул) ҳадя қилдим, (Амра) сизни бунга гувоҳ қилиб қўйишимни буюрди», - дедилар. Жаноб Расулуллоҳ (отамга): «Бошқа фарзандларингга ҳам шундай ҳадя

қилдингми?» - дедилар. Отам: «Йўқ» - дедилар, у зот: «Аллоҳ таолодан қўрқинглар, фарзандларингизни тенг кўринглар!» - деб айтдилар. Кейин, отам (у зотнинг ҳузурларидан уйга) қайтиб (борганлари ҳамоноқ менга берган) ҳадяларини қайтариб олдилар». Саҳиҳ Бухорий 2587.

Шу маълумки инсонлар ва давлатлар ҳолати адолат билан гина фаровонликка етур, адолатсиз, инсонлар ўз динларини, қонларини, зурриётларини, номусларини, дунёларини, ҳаттоки ватанларини ҳам сақлаб қола олмаслар. Росулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва салламнинг сийратларига назар соладиган бўлсак ҳам, сўзимизнинг далилини топамиз, чунки Макка диёрида, Қурайш мушриклари у зот соллалоҳу алайҳи ва салламга тазйиқ ўтказган пайтида Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам ўз асҳобларига Ҳабашистонга ҳижрат қилишликни буюрдилар, чунки Ҳабашанинг подшоҳи адолатли инсон бўлиб, унинг ҳузурида ҳеч ким зулм кўрмаслигини хабар бердилар.

# 31. Ислом ҳамма одамларга яхшилик қилишга ҳамда гўзал хулқлар ва олийжаноб ишларга буюради.

Ислом барча махлуқотларга яхшилик қилишга ундайди. Аллоҳ таоло айтади:

۞ إِنَّ ٱللَّهَ يَأۡمُرُ بِٱلۡعَدۡلِ وَٱلۡإِحۡسَٰنِ وَإِيتَآيِٕ ذِي ٱلۡقُرۡبَىٰ وَيَنۡهَىٰ عَنِ ٱلۡفَحۡشَآءِ وَٱلۡمُنكَرِ وَٱلۡبَغۡيِۚ يَعِظُكُمۡ لَعَلَّكُمۡ تَذَكَّرُونَ﴿٩٠﴾.

«Албатта, Аллоҳ адолатга, эҳсонга, қариндошларга яхшилик қилишга амр этадир» [Нахл: 90]. .

ٱلَّذِينَ يُنفِقُونَ فِى ٱلسَّرَّآءِ وَٱلضَّرَّآءِ وَٱلْكَـٰظِمِينَ ٱلْغَيْظَ وَٱلْعَافِينَ عَنِ ٱلنَّاسِ ۗ وَٱللَّهُ يُحِبُّ ٱلْمُحْسِنِينَ﴿١٣٤﴾.

«Улар енгилликда ҳам, оғирликда ҳам нафақа қиладиганлар, ғазабини ютадиганлар ва одамларни афв қиладиганлардир. Аллоҳ яхшилик қилувчиларни ёқтирадир» [Оли-Имрон: 134]. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллалоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло ҳар бир ишни (шариатга мувофиқ тарзда пухта) яхши қилишликни вожиб қилди. Агар(шариат ҳукмига биноан бирор жонни) қатл қилсангизлар, қатл ҳолатини чиройли этингиз! (Бирор жонлиқ) сўйсангиз, уни ҳам чиройли амалга оширингиз! (Сўйишдан олдин) пичоқларингизни ўткирлаб олинг ва жониворни қийнаб қўйманг». Саҳиҳ Муслим 1955.

Ислом инсониятни чиройли хулқ-атвор ва яхши амал қилишликка ундайди, Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам сифатларни баёнлаб шундай дейди:

ٱلَّذِينَ يَتَّبِعُونَ ٱلرَّسُولَ ٱلنَّبِىَّ ٱلْأُمِّىَّ ٱلَّذِى يَجِدُونَهُۥ مَكْتُوبًا عِندَهُمْ فِى ٱلتَّوْرَىٰةِ وَٱلْإِنجِيلِ يَأْمُرُهُم بِٱلْمَعْرُوفِ وَيَنْهَىٰهُمْ عَنِ ٱلْمُنكَرِ وَيُحِلُّ لَهُمُ ٱلطَّيِّبَـٰتِ وَيُحَرِّمُ عَلَيْهِمُ ٱلْخَبَـٰٓئِثَ وَيَضَعُ عَنْهُمْ إِصْرَهُمْ وَٱلْأَغْلَـٰلَ ٱلَّتِى كَانَتْ عَلَيْهِمْ ۚ فَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ بِهِۦ وَعَزَّرُوهُ وَنَصَرُوهُ وَٱتَّبَعُوا۟ ٱلنُّورَ ٱلَّذِىٓ أُنزِلَ مَعَهُۥٓ ۙ أُو۟لَـٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ﴿١٥٧﴾.

«Улар ўз ҳузурларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолида топиладиган, уларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадиган, уларга покиза нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни ҳаром қиладиган, устиларидаги юкни енгиллатиб, кишанларни ечадиган уммий Набий Пайғамбарга эргашурлар. Бас, унга иймон келтириб, ёрдам бериб ва уни қўллаб-қувватлаган ҳамда унга нозил бўлган нурга эргашганлар — ана ўшалар нажот топгувчилардир», – деди» [Аъроф: 157]. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Эй Ойиша Аллоҳ таоло ўзи юмшоқ ва юмшоқликни яхши кўради, ва қўполликка бермаган ажрини юмшоқликка беради, ва у ажрни юмшоқликдан бошқасига бермас». Саҳиҳ Муслим 2593. Яна

бошқа ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Албатта Аллоҳ сизларга, оналарга оқ бўлишни, қиз фарзандларни тириклайин кўмишни, ўзи бермай бошқалардан сўрашликни харом қилди, ва кўп гапни, кўп савол беришингизни ва мол-мулкни зое қилишингизни ёқтирмайди». Саҳиҳ Бухорий: 2408. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Мўьмин бўлмагунгизга қадар жаннатга кирмайсизлар ва бир бирингизни яхши кўрмагунингизча мўьмин бўла олмайсизлар. Сизларга агар у ишни қилсангиз бир бирингизни яхши кўрадиган бир нарсани ўргатайми? Орангизда саломни ёйинглар». Имом Муслим ривояти 54.

# 32- Ислом дини инсонларни мақталган ахлоқлар билан хулқланишликга, жумладан: ростгўйлик, омнатгуйлик, иффатли бўлиш, ҳаё, шижатли бўлиш, саҳийлик, мухтож ва мазлумларга ёрдам бериш, очни таомлантириш, чиройли қўшничилик, қариндошлар билан силаи раҳм ва ҳайвонларга юмшиоқ муомила қилишликка буюради.

Ислом дини инсонларни мақталган ахлоқлар билан хулқланишликка буюради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Албатта, мен чиройли хулқларни тўлиқлашлик учун юборилганман». Саҳиҳ Адаб Ал-муфрод. 207.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Қиёмат кунида менга энг суюклигингиз ва энг яқин ўтирадиган инсонингиз хулқи чиройлироқ бўлганингиздир. Ва қиёмат кунида менга энг ёқимсизингиз ва мендан энг узоғингиз , беҳуда гапни кўп сўзлагувчи ва оғзини тўлдириб гапирувчи ва мутафайқиҳлардир». Шунда саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) беҳуда гапирувчини, оғзини тўлдириб гапирувчини билдик, мутафайқиҳ кимдир?», – дедилар. «Мутафайқиҳ - мутакаббирдир», – деб жавоб бердилар». Саҳиҳ ҳадис силсиласидан. 791. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда у киши айтадиларки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам на ишларида ва на сўзлаган сўзларида фаҳш амал қилмаганлар! У киши доимо «Сизларнинг энг яхшиларингиз хулқ атвори чиройли бўлганингиздир», – деб айтар эдилар. Саҳиҳ Бухорий. 3559. Ва бундан бошқа кўплаган ояти карималарда ва ҳадиси шарифларда ислом динининг чиройли хулқ ва яхши амалларга тарғиб қилганини кўришимиз мумкин.

Ислом дини буюрган чиройли хулқлардан бири бу - ростгўйликдир! Расулуллоҳ алайҳиссалом айтадилар: «Ростгўйликни ўзингизга лозим тутинг! Албатта, ростгўйлик яхшиликга, яхшилик эса жаннатга етаклайди. Киши ростгўй бўлиб бу ишида давом этар экан, хатто Аллоҳ таолонинг хузурида ростгўй деб номи битилади». Саҳиҳ Муслим. 2607 Ва яна ислом дини буюрадиган чиройли хулқлардан - омонатни адо қилишдир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ إِنَّ ٱللَّهَ يَأۡمُرُكُمۡ أَن تُؤَدُّواْ ٱلۡأَمَٰنَٰتِ إِلَىٰٓ أَهۡلِهَا وَإِذَا حَكَمۡتُم بَيۡنَ ٱلنَّاسِ أَن تَحۡكُمُواْ بِٱلۡعَدۡلِۚ إِنَّ ٱللَّهَ نِعِمَّا يَعِظُكُم بِهِۦٓۗ إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ سَمِيعَۢا بَصِيرٗا ﴿٥٨﴾.

«Албатта, Аллоҳ сизларни омонатларни ўз эгаларига топширишга буюрди» [Нисо 58]. Ва яна ислом дини буюрадиган

чиройли хулқлардан - иффатни сақлашлик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Уч киши борки уларга Аллоҳ албатта ёрдам берур. Ва уларни ичидан: «Иффатини сақлашлик учун уйланган йигит», –деб зикр қилдилар. Сунан Термизий 1655. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дуоларида шундай деб айтар эдилар: «Эй Аллоҳим мен сендан ҳидоят, тақво, иффат ва одамлардан беҳожат бўлишни сўрайман». Саҳиҳ Муслим 2721.

Ва яна ислом дини буюрадиган чиройли хулқлардан - ҳаёдир. Расулуллоҳ алайҳиссалом дедилар: «Ҳаё инсонга фақатгина яхшилик олиб келур». Саҳиҳ Бухорий 6117.

Ва яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадиларки: «Хар бир диннинг хулқи бор ва Исломнинг хулқи эса ҳаёдир». Байҳақий Шуьабул Иймон китобида ривоят қилган 6/2619.

Ва яна ислом дини буюрадиган чиройли хулқлардан - шижоатли бўлиш. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам инсонларнинг энг яхшиси ва энг шижоатлиси ва  энг саҳоватгўйи эдилар. кунлардан бир куни Мадинада қўрқинчли овоздан инсонлар қўрқиб кетишди, аммо Расуллулоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам отга минишга (бу қўрқинчли овозни сабабини билиш учун) энг биринчи бўлиб улгурган киши бўлдилар. Саҳиҳ Бухорий 2820. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўрқоқликдан паноҳ сўраб Аллоҳга дуо қилар эдилар «Эй Аллоҳим, мен сендан қўрқоқликдан паноҳ беришинги сўрайман». Саҳиҳ Бухорий 6374.

Ва яна ислом дини буюрадиган чиройли хулқлардан - саҳий бўлишлик. Аллоҳ таоло:

مَّثَلُ ٱلَّذِينَ يُنفِقُونَ أَمْوَٰلَهُمْ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ كَمَثَلِ حَبَّةٍ أَنۢبَتَتْ سَبْعَ سَنَابِلَ فِى كُلِّ سُنۢبُلَةٍ مِّا۟ئَةُ حَبَّةٍ ۗ وَٱللَّهُ يُضَٰعِفُ لِمَن يَشَآءُ ۗ وَٱللَّهُ وَٰسِعٌ عَلِيمٌ﴿٢٦١﴾.

«Аллоҳ йўлида молларини инфоқ-эҳсон қиладиган кишиларнинг мисоли худди ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқарган бир дона донга ўхшайди. (Яъни қилинган бир яхшилик етти юз баробар бўлиб қайтишига ишора қилинмоқда.) Аллоҳ истаган кишиларига бир неча баробар қилиб беради. Аллоҳ (фазлу карами) кенг, билгувчидир» (Бақара 261). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хулқлари ҳам сахийлик эди. Ибн Аббос розияллоҳу анҳу дан ривоятда айтадиларки: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам инсонларнинг энг саховатгўйи эдилар. Ва энг саҳий бўлган пайтлари эса, Рамазон ойида Жаброил алайҳиссаломга йўлиққан пайтларида эди. Ва Жаброил алайҳиссалом Рамзонда хар куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан йўлиқар ва Расулуллоҳ Жаброил алайҳиссаломга Қуръон ўқиб берар эдилар. Ва у кишига йўлиққан кезларида (саховатда) гўёки қаттиқ эсган шамол каби бўлар эдилар". Саҳиҳ Бухорий 1902.

Ва яна ислом дини буюрадиган чиройли хулқлардан - муҳтож ва мазлумларга ёрдам беришлик, очни тўйдиришлик, чиройли қўшничилик, қавму қариндошлар билан яхши муомалада бўлишлик ва ҳайвонларга юмшоқ бўлишликдир. Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу) дан ривоят қилинишича, бир киши Расулуллоҳ (алайҳи салом)дан сўради: «Ислом динидаги қайси амал энг яхши?» Шунда у киши жавоб бериб: «Бировларга таом улашишинг ва таниган, танимаган инсонингга салом беришингдир», – дедилар. Саҳиҳ Бухорий 12. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Бир киши йўлда кетаётиб чанқоқ босди ва йўлдан бир қудуқ топиб ичишлик учун

қудуққа тушди ва чанқоғини бостириб қайтиб чиқди. Шунда уни ҳам чанқоқ босиб, сув топа олмаганлигидан тупроқни ялаб турган итни кўрдида: «Бу итга ҳам менга етган чанқоқлик етибди», – деб қудуқга қайтиб тушди ва оёқ кийимига тўлдириб сув олиб чиқиб итга ичирди. Аллоҳ таоло унинг бу қилган ишидан рози бўлди ва унинг гунохларини кечириб юборди». Шунда саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга ҳайвонларга кўрсатган шавқатимизда хам ажр борми?», – деб айтишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Ха ҳар бир тирик жон учун ажр бордир», –дедилар». Саҳиҳ Ибн Ҳиббан 544. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Бева аёл ва мискин инсоннинг ҳожатини чиқаришлик учун ҳаракат қилиб юрган киши, ҳуддики Аллоҳнинг йўлида жанг қилган мужоҳид ёки тунлари қоим, кундузлари рўзадор инсон кабидир». Саҳиҳ Бухорий 5353.

Ислом дини қариндошчилик ҳуқуқларини ҳам қаттиқ таъкидлаб ўтгандир. Аллоҳ таоло айтадики:

ٱلنَّبِىُّ أَوْلَىٰ بِٱلْمُؤْمِنِينَ مِنْ أَنفُسِهِمْ ۖ وَأَزْوَٰجُهُۥٓ أُمَّهَـٰتُهُمْ ۗ وَأُو۟لُوا۟ ٱلْأَرْحَامِ بَعْضُهُمْ أَوْلَىٰ بِبَعْضٍ فِى كِتَـٰبِ ٱللَّهِ مِنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ وَٱلْمُهَـٰجِرِينَ إِلَّآ أَن تَفْعَلُوٓا۟ إِلَىٰٓ أَوْلِيَآئِكُم مَّعْرُوفًا ۚ كَانَ ذَٰلِكَ فِى ٱلْكِتَـٰبِ مَسْطُورًا﴿٦﴾.

«Пайғамбар мўминларга ўзларидан ҳам ҳақдорроқдир, унинг аёллари эса уларнинг оналаридирлар. Аллоҳнинг китобида қариндош-уруғлар (меросхўрликда) бир-бирларига (қон-қариндош бўлмаган) мўминлардан ва муҳожирлардан кўра ҳақдорроқдирлар. Магар сизлар (диний) дўстларингизга (уларни ўзингиз учун ворис қилишлик билан) яхшилик қилмоғингиз (жоиздир). Бу — Китобда (яъни, Лавҳул-Маҳфузда) битиб қўйилган (ҳукмдир)» [Аҳзоб 6]. Ва қариндош уруғчиликни

узишни эса ер юзида фасод қилишлик билан тенглаштирган. Аллоҳ таоло айтади:

وَلَمَّا رَءَا ٱلْمُؤْمِنُونَ ٱلْأَحْزَابَ قَالُواْ هَٰذَا مَا وَعَدَنَا ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥ وَصَدَقَ ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥۚ وَمَا زَادَهُمْ إِلَّآ إِيمَٰنًا وَتَسْلِيمًا﴿٢٢﴾مِّنَ ٱلْمُؤْمِنِينَ رِجَالٌ صَدَقُواْ مَا عَٰهَدُواْ ٱللَّهَ عَلَيْهِۖ فَمِنْهُم مَّن قَضَىٰ نَحْبَهُۥ وَمِنْهُم مَّن يَنتَظِرُۖ وَمَا بَدَّلُواْ تَبْدِيلًا﴿٢٣﴾.

«Агар (иймондан) юз ўгирсангизлар, яқин-ки, сизлар Ерда бузғунчилик қилурсизлар ва қариндош-уруғларингиз (билан ҳам алоқаларингиз)ни узурсизлар Ундай кимсаларни эса Аллоҳ лаънатлагандир, бас, уларнинг (қулоқларини панд-насиҳат эшитишдан) кар, кўзларини эса (Тўғри Йўлни кўра олмайдиган) кўр қилиб қўйгандир» [Муҳаммад 22-23]. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Қариндош-уруғчиликни узган инсон жаннатга кирмайди». Саҳих Муслим 2556. Қариндош уруғчилик улар билан уланиши керак бўлган инсонлар: ота-она, опа-сингиллар, амакию аммалар ва тоға-холалардир. Ва ислом дини қўшнининг ҳаққини, ҳаттоки, у кофир бўлса ҳам, сақлашликка буюради. Аллоҳ таоло айтади:

۞ وَٱعْبُدُواْ ٱللَّهَ وَلَا تُشْرِكُواْ بِهِۦ شَيْـًٔاۖ وَبِٱلْوَٰلِدَيْنِ إِحْسَٰنًا وَبِذِى ٱلْقُرْبَىٰ وَٱلْيَتَٰمَىٰ وَٱلْمَسَٰكِينِ وَٱلْجَارِ ذِى ٱلْقُرْبَىٰ وَٱلْجَارِ ٱلْجُنُبِ وَٱلصَّاحِبِ بِٱلْجَنۢبِ وَٱبْنِ ٱلسَّبِيلِ وَمَا مَلَكَتْ أَيْمَٰنُكُمْۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ مَن كَانَ مُخْتَالًا فَخُورًا﴿٣٦﴾.

«Аллоҳга бандалик қилинглар ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглар! Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош қўшни ва бегона қўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қўлларингиздаги қулларингизга яхшилик қилингиз! Албатта, Аллоҳ мутакаббир ва мақтанчоқ бўлган кимсаларни севмайди» [Нисо 36]. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Жаброил алайҳиссалом менга қўшни хақида шунчалик кўп панд насиҳат бердики, хатто

қўшнини меьросга шерик қилиб қўйиса керак деб ўйладим». Саҳиҳ Абу Довуд 5152.

## 33. Ислом дини пок озуқа ва ичимликларни ҳалол қилди. Қалбни, баданни ва уйни пок тутишга буюрди. Шунинг учун никоҳни ҳалол қилди. Пайғамбарлар ҳам мана шунга ўхшаш пок нарсаларга буюрдилар. (уларга Аллоҳнинг саломи бўлсин).

Ислом пок таом ва ичимликларни ҳалол қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Эй инсонлар, албатта, Аллоҳ покдир ва фақат пок нарсанигина қабул қилади. Аллоҳ мўминларга ҳам пайғамбарларга буюрган нарсасини буюрди. Аллоҳ Таъоло: (жўнатган барча пайғамбарларимизга шундай дедик) «Эй пайғамбарлар, ҳалол-пок таомлардан енглар ва яхши амаллар қилинглар! Албатта, Мен қилаётган амалларингизни билгувчидирман» – деб айтди. Ва яна: «Эй мўминлар, сизларга ризқ қилиб берганимиз – покиза нарсалардан енглар» деди. Кейин (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам) узоқ сафарга чиққан, сочлари тўзиб, кийимлари чанг-тўзонга беланган бир кишини зикр қилдилар: «У икки қўлини осмонга кўтаради: “Эй Роббим! Эй Роббим!” (деб дуо қилади). Ҳолбуки, егани ҳаром(дан келган), ичгани ҳаром(дан келган), (устидаги) кийими ҳаром(дан келган), ҳаром билан озиқланади. Қаердан унга (дуоси) ижобат бўлсин». Саҳиҳ

Муслим 1015. Ва Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом), айтинг:

قُلْ مَنْ حَرَّمَ زِينَةَ ٱللَّهِ ٱلَّتِىٓ أَخْرَجَ لِعِبَادِهِۦ وَٱلطَّيِّبَٰتِ مِنَ ٱلرِّزْقِ ۚ قُلْ هِىَ لِلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ فِى ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا خَالِصَةً يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ ۗ كَذَٰلِكَ نُفَصِّلُ ٱلْءَايَٰتِ لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿٣٢﴾.

«Аллоҳ бандалари учун чиқарган безак (либосларни) ва ҳалол-пок ризқларни ким ҳаром қилди?!» Айтинг: «Улар (яъни, безак ва ҳалол ризқлар) ҳаёти дунёда иймон эгалари учун (бўлиб, кофирлар ҳам уларга шерик бўлур), Қиёмат Кунида эса фақат (мўминларнинг) ўзларига хосдир». Биладиган қавм учун оятларни мана шундай муфассал қилурмиз» [Аьроф 32]. Ислом дини қалбни, баданни ва уйни пок тутишга буюрди. Шунинг учун никоҳни ҳалол қилди. Пайғамбарлар хам мана шунга ўхшаш пок нарсаларга буюрдилар. (уларга Аллоҳнинг саломи бўлсин). Аллоҳ таоло деди:

وَٱللَّهُ جَعَلَ لَكُم مِّنْ أَنفُسِكُمْ أَزْوَٰجًا وَجَعَلَ لَكُم مِّنْ أَزْوَٰجِكُم بَنِينَ وَحَفَدَةً وَرَزَقَكُم مِّنَ ٱلطَّيِّبَٰتِ ۚ أَفَبِٱلْبَٰطِلِ يُؤْمِنُونَ وَبِنِعْمَتِ ٱللَّهِ هُمْ يَكْفُرُونَ ﴿٧٢﴾.

«Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларингиздан сизлар учун болалар, набиралар пайдо қилди ва сизларни ҳалол-пок ризқлардан баҳраманд этди. Бас, улар ботил бутларга иймон келтириб, Аллоҳнинг неъматига кофир бўлурларми»?! [Нахл 72]. Ва Аллоҳ таоло деди:

وَثِيَابَكَ فَطَهِّرْ ﴿٤﴾ وَٱلرُّجْزَ فَٱهْجُرْ ﴿٥﴾.

Ва кийимингни покла! ва бутлардан йироқ бўл» [Муддассир 5-4]. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Қалбида зарра қадар кибри бўлган киши жаннатга кирмайди». Шунда бир киши: Ё Расулуллоҳ (алайхи салом) бир киши кийими ва пойфзали чиройли холда бўлишини хохлайди, бу хам кибрданми? деб сўради. Шунда Расулуллох (алайҳи салом)

«Албатта Аллоҳ гўзал ва гўзалликни яхши кўради. Кибр-ҳақиқатни тан олмаслик ва одамларни камситишдир», - деб жавоб бердилар. Саҳиҳ Муслим 91.

## 34.Ислом дини Аллоҳга ширк келтириш, куфр, бутларга ибодат қилиш, Аллоҳ ҳақида билмай туриб гапириш, болаларни ўлдириш, одамни ноҳақ ўлдириш, ер юзида бузғунчилик қилиш, сеҳр, зохирий ва ботиний бузуқликлар, зино, бачавозлик, рибо, ўлимтикни ейиш, бутларга атаб сўйилган ҳайвоннинг гўшти, тўнғиз гўшти, нажосатлар, етимнинг ҳаққини ейиш, тарозудан уриб қолиш, қариндошчиликни узиш каби асли ҳаром бўлган нарсаларни, ишларни ҳаром қилган. Ва пайғамбарлар хам бу ишлрани ҳаром санаганлар.

Ислом дини Аллоҳга ширк келтириш, куфр, бутларга ибодат қилиш, Аллоҳ ҳақида билмай туриб гапириш, болаларни

ўлдириш каби асли харом бўлган амалларни ҳаром деб билади. Аллоҳ таоло деди:

۞ قُلْ تَعَالَوْا۟ أَتْلُ مَا حَرَّمَ رَبُّكُمْ عَلَيْكُمْ ۖ أَلَّا تُشْرِكُوا۟ بِهِۦ شَيْـًٔا ۖ وَبِٱلْوَٰلِدَيْنِ إِحْسَٰنًا ۖ وَلَا تَقْتُلُوٓا۟
أَوْلَٰدَكُم مِّنْ إِمْلَٰقٍ ۖ نَّحْنُ نَرْزُقُكُمْ وَإِيَّاهُمْ ۖ وَلَا تَقْرَبُوا۟ ٱلْفَوَٰحِشَ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَنَ ۖ وَلَا
تَقْتُلُوا۟ ٱلنَّفْسَ ٱلَّتِى حَرَّمَ ٱللَّهُ إِلَّا بِٱلْحَقِّ ۚ ذَٰلِكُمْ وَصَّىٰكُم بِهِۦ لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿١٥١﴾ وَلَا تَقْرَبُوا۟ مَالَ ٱلْيَتِيمِ
إِلَّا بِٱلَّتِى هِىَ أَحْسَنُ حَتَّىٰ يَبْلُغَ أَشُدَّهُۥ ۖ وَأَوْفُوا۟ ٱلْكَيْلَ وَٱلْمِيزَانَ بِٱلْقِسْطِ ۖ لَا نُكَلِّفُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا ۖ
وَإِذَا قُلْتُمْ فَٱعْدِلُوا۟ وَلَوْ كَانَ ذَا قُرْبَىٰ ۖ وَبِعَهْدِ ٱللَّهِ أَوْفُوا۟ ۚ ذَٰلِكُمْ وَصَّىٰكُم بِهِۦ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُونَ ﴿١٥٢﴾.

«Келинг, Роббингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни тиловат қилиб бераман: «Унга ҳеч нарсани ширк келтирманг! Ота-онангизга яхшилик қилинг! Очликдан қўрқиб, болаларингизни ўлдирманг. Биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантирурмиз. Фаҳш — бузуқ ишларнинг ошкорасига ҳам, маҳфийсига ҳам яқинлашманг. Аллоҳ ҳаром қилган жонни ўлдирманг. Магар ҳақ ила бўлса, майли». «Ушбуларни сизга амр қилдикки, шояд, ақл юритсангиз», – деб айт. Етимнинг молига то вояга етгунича фақат энг чиройли йўл билан яқинлашингиз! Ўлчов ва тарозини адолат билан тўла тортингиз! Биз ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмаймиз. Сўзлаганингизда (гувоҳлик берганингизда), гарчи қариндошингиз бўлса ҳам адолат қилингиз! Аллоҳга берган аҳдингизга вафо қилингиз! Шояд эслатма (насиҳат) олурсиз, деб сизларни мана шу нарсага буюрди» [Анъом 151-152]. Ва Аллоҳ таоло деди:

قُلْ إِنَّمَا حَرَّمَ رَبِّىَ ٱلْفَوَٰحِشَ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَنَ وَٱلْإِثْمَ وَٱلْبَغْىَ بِغَيْرِ ٱلْحَقِّ وَأَن تُشْرِكُوا۟
بِٱللَّهِ مَا لَمْ يُنَزِّلْ بِهِۦ سُلْطَٰنًا وَأَن تَقُولُوا۟ عَلَى ٱللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٣٣﴾.

Сиз: «Роббим фақатгина ошкора ва яширин фаҳш ишларни, гуноҳларни, ноҳақ тажовузкорликни ва Аллоҳга ҳеч қандай ҳужжат туширмаган нарсаларни шерик қилиб олишингизни ҳамда Аллоҳга нисбатан билмаган нарсани айтишни ҳаром

қилган, холос», – деб айтинг. [Аъроф 33]. Ва ислом дини жонни ноҳақ ўлдиришдан қайтарди. Аллоҳ таоло деди:

وَلَا تَقْتُلُواْ ٱلنَّفْسَ ٱلَّتِى حَرَّمَ ٱللَّهُ إِلَّا بِٱلْحَقِّ وَمَن قُتِلَ مَظْلُومًا فَقَدْ جَعَلْنَا لِوَلِيِّهِۦ سُلْطَٰنًا فَلَا يُسْرِف فِّى ٱلْقَتْلِ إِنَّهُۥ كَانَ مَنصُورًا﴿٣٣﴾.

«Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни ўлдирманг. Магар ҳақ ила бўлса, майли. Кимки мазлум ҳолида ўлдирилса, унинг валийига ҳақ берганмиз. Бас, у ўлдиришда исроф қилмасин. Албатта, у нусрат берилган одамдир». [Исро 33]. .

وَٱلَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ ٱللَّهِ إِلَٰهًا ءَاخَرَ وَلَا يَقْتُلُونَ ٱلنَّفْسَ ٱلَّتِى حَرَّمَ ٱللَّهُ إِلَّا بِٱلْحَقِّ وَلَا يَزْنُونَ وَمَن يَفْعَلْ ذَٰلِكَ يَلْقَ أَثَامًا﴿٦٨﴾.

«Улар Аллоҳ билан бирга бирор илоҳга илтижо қилмаслар. Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни ноҳақдан ўлдирмаслар. Зино қилмаслар. Ким ана шуни қилса, уқубатга дучор бўлур» [Фурқон 68]. Ислом дини ер юзида фасод тарқатишликдан қайтарди. Аллоҳ таоло деди:

وَلَا تُفْسِدُواْ فِى ٱلْأَرْضِ بَعْدَ إِصْلَٰحِهَا وَٱدْعُوهُ خَوْفًا وَطَمَعًا إِنَّ رَحْمَتَ ٱللَّهِ قَرِيبٌ مِّنَ ٱلْمُحْسِنِينَ﴿٥٦﴾.

«Ва (Аллоҳнинг дини билан) ўнглаб қўйилганидан кейин Ерда (куфр йўлини тутиб) бузғунчилик қилманг!» [Аъроф: 56]. Аллоҳ таоло Шуъайб алайҳиссаломнинг ўз қавмларига айтган гаплари ҳақида шундай дейди:

وَإِلَىٰ مَدْيَنَ أَخَاهُمْ شُعَيْبًا قَالَ يَٰقَوْمِ ٱعْبُدُواْ ٱللَّهَ مَا لَكُم مِّنْ إِلَٰهٍ غَيْرُهُۥ قَدْ جَآءَتْكُم بَيِّنَةٌ مِّن رَّبِّكُمْ فَأَوْفُواْ ٱلْكَيْلَ وَٱلْمِيزَانَ وَلَا تَبْخَسُواْ ٱلنَّاسَ أَشْيَآءَهُمْ وَلَا تُفْسِدُواْ فِى ٱلْأَرْضِ بَعْدَ إِصْلَٰحِهَا ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ﴿٨٥﴾.

«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқдир. Сизларга Парвардигорингиз тарафидан

ҳужжат (яъни, дин) келди. Бас, ўлчов ва тарозини комил қилиб (тортингиз) ва одамларнинг ҳақларидан уриб қолмангиз ҳамда Ер (юзи пайғамбарлар юбориш билан) ўнглаб қўйилганидан кейин унда (кофирлик билан) бузғунчилик қилиб юрманглар. Агар мўмин бўлсангизлар, мана шу ўзларингиз учун яхшироқдир» [Аъроф: 85]. Ислом дини сеҳргарликни харом қилди. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло шундай деб марҳамат қилади:

وَأَلْقِ مَا فِى يَمِينِكَ تَلْقَفْ مَا صَنَعُوٓاْۖ إِنَّمَا صَنَعُواْ كَيْدُ سَٰحِرٍۖ وَلَا يُفْلِحُ ٱلسَّاحِرُ حَيْثُ أَتَىٰ﴿٦٩﴾.

«Қўлингдаги нарсани ташлагин, уларнинг қилган ҳунарини ютиб юборур. Уларнинг қилган ҳунари сеҳргарнинг ҳийласи, холос. Сеҳргар қаерда бўлса ҳам, зафар топмас», дедик» [Тоҳа: 50]. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ҳалок қилгувчи етти гунохдан четланингиз! Шунда саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ улар нима», – деб сўрашди. Айтдиларки, Аллоҳга ширк келтиришлик, сеҳр, ноҳақ жонни қатл этиш, рибодан ейишлик, етимнинг молини ейишлик, уруш майдонида душманга йўлиққан пайтда ортга қочиш ва покиза, мўмина аёлларга зинокор деб тухмат тошини отишликдир!» Саҳиҳ Бухорий. 6857.

Ислом дини очиқ ва махфий барча фаҳш ишлардан, зино ва Лўт қавмининг одатидан қайтаради. Ва сўзимизнинг бошида бу нарсаларнинг ҳаромлигига далолат қилгувчи оятларни зикр қилиб ўтдик. Ва яна ислом дини рибони ҳаром қилди! Аллоҳ таоло айтади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَذَرُواْ مَا بَقِىَ مِنَ ٱلرِّبَوٰٓاْ إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ﴿٢٧٨﴾فَإِن لَّمْ تَفْعَلُواْ فَأْذَنُواْ بِحَرْبٍ مِّنَ ٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦۖ وَإِن تُبْتُمْ فَلَكُمْ رُءُوسُ أَمْوَٰلِكُمْ لَا تَظْلِمُونَ وَلَا تُظْلَمُونَ﴿٢٧٩﴾.

Эй, иймон келтирганлар! Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга тақво қилинг ва рибонинг сарқитини ҳам тарк қилинг. Агар ундоқ қилмасангиз, Аллоҳ ва Унинг Расули томонидан бўладиган урушга ишонаверинг. Агар тавба қилсангиз, сармоянгиз ўзингизга, зулм қилмассиз ва сизга ҳам зулм қилинмас» (Бақара 278-279). Агар эътибор берсангиз Аллоҳ таоло гуноҳ маьсият қилиб юрган инсонларга эмас балким рибо соҳибига қарата уруш эьлон қилди. Чунки рибонинг сабабидан динлар, давлатлар, молу дунё ва қанчалаган нафслар барбод бўлади. Ислом дини ўлимтикни, бут санамлар учун сўйилган жониворларнинг гўштини ва чўчқа гўштини ҳам ҳаром қилди. Аллоҳ таоло айтади:

حُرِّمَتْ عَلَيْكُمُ ٱلْمَيْتَةُ وَٱلدَّمُ وَلَحْمُ ٱلْخِنزِيرِ وَمَآ أُهِلَّ لِغَيْرِ ٱللَّهِ بِهِۦ وَٱلْمُنْخَنِقَةُ وَٱلْمَوْقُوذَةُ وَٱلْمُتَرَدِّيَةُ وَٱلنَّطِيحَةُ وَمَآ أَكَلَ ٱلسَّبُعُ إِلَّا مَا ذَكَّيْتُمْ وَمَا ذُبِحَ عَلَى ٱلنُّصُبِ وَأَن تَسْتَقْسِمُوا۟ بِٱلْأَزْلَٰمِ ۚ ذَٰلِكُمْ فِسْقٌ ۗ ٱلْيَوْمَ يَئِسَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ مِن دِينِكُمْ فَلَا تَخْشَوْهُمْ وَٱخْشَوْنِ ۚ ٱلْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتْمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِى وَرَضِيتُ لَكُمُ ٱلْإِسْلَٰمَ دِينًا ۚ فَمَنِ ٱضْطُرَّ فِى مَخْمَصَةٍ غَيْرَ مُتَجَانِفٍ لِّإِثْمٍ ۙ فَإِنَّ ٱللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴿٣﴾.

«Сизларга ўлакса, қон, тўнғиз гўшти, Аллоҳдан бошқа бировнинг йўлида сўйилган нарса, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, баланд жойдан қулаб ўлган, (бошқа бирон ҳайвон билан) сузишиб ўлган ва йиртқич ҳайвон тишлаб ўлдирган жониворлар ҳаром қилинди. Магар (бу жониворларни жони чиқмасдан туриб) сўйиб юборишга улгуриб қолган бўлсангиз, ҳалолдир. Яна бутларга атаб сўйилган ҳайвонлар (гўштини истеъмол қилиш) ва (фол) чўплардан қисматингизни сўрашингиз (ҳам сизларга ҳаром қилинди). Зотан, бу ишларингиз итоатсизликдир» [Моида: 3]. Ислом дини ароқни ва барча нажосат ва нопок нарсаларни ҳаром қилди. Аллоҳ таоло айтади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ إِنَّمَا ٱلْخَمْرُ وَٱلْمَيْسِرُ وَٱلْأَنصَابُ وَٱلْأَزْلَٰمُ رِجْسٌ مِّنْ عَمَلِ ٱلشَّيْطَٰنِ فَٱجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴿٩٠﴾إِنَّمَا يُرِيدُ ٱلشَّيْطَٰنُ أَن يُوقِعَ بَيْنَكُمُ ٱلْعَدَٰوَةَ وَٱلْبَغْضَآءَ فِى ٱلْخَمْرِ وَٱلْمَيْسِرِ وَيَصُدَّكُمْ عَن ذِكْرِ ٱللَّهِ وَعَنِ ٱلصَّلَوٰةِ ۖ فَهَلْ أَنتُم مُّنتَهُونَ﴿٩١﴾.

«Эй, иймон келтирганлар! Албатта, ароқ, қимор, бутлар ва (фол очадиган) чўплар ифлосдир. Шайтоннинг ишидир. Бас, ундан четда бўлинг. Шоядки, нажот топсангиз. Албатта, шайтон ароқ ва қимор туфайли ораларингизга адоват ва ёмон кўришликни солишни ҳамда сизларни Аллоҳнинг зикридан ва намоздан тўсишни хоҳлайдир. Энди тўхтарсизлар?!» [Моида:90-91]. 31- бобда зикр қилганимиздек, Аллоҳ таоло пайғамбарларнинг Тавротда келган зикрларидан бири у пайғамбарлар ўз қавмларига нопок нарсаларни харом қилар эдилар. Аллоҳ таоло айтади:

ٱلَّذِينَ يَتَّبِعُونَ ٱلرَّسُولَ ٱلنَّبِيَّ ٱلْأُمِّيَّ ٱلَّذِي يَجِدُونَهُۥ مَكْتُوبًا عِندَهُمْ فِي ٱلتَّوْرَىٰةِ وَٱلْإِنجِيلِ يَأْمُرُهُم بِٱلْمَعْرُوفِ وَيَنْهَىٰهُمْ عَنِ ٱلْمُنكَرِ وَيُحِلُّ لَهُمُ ٱلطَّيِّبَٰتِ وَيُحَرِّمُ عَلَيْهِمُ ٱلْخَبَٰٓئِثَ وَيَضَعُ عَنْهُمْ إِصْرَهُمْ وَٱلْأَغْلَٰلَ ٱلَّتِي كَانَتْ عَلَيْهِمْ ۚ فَٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ بِهِۦ وَعَزَّرُوهُ وَنَصَرُوهُ وَٱتَّبَعُوا۟ ٱلنُّورَ ٱلَّذِيٓ أُنزِلَ مَعَهُۥٓ ۙ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ﴿١٥٧﴾.

«Улар шундай кишилардирки, уммий (саводсиз) пайғамбарга — номини ўз олдиларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолда топишадиган — элчимизга (Муҳаммадга) эргашадилар. У пайғамбар уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни улар учун ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади ҳамда улардан юкларини ва устларидаги кишанларини олиб ташлайди» [Аъроф: 157].

Ислом дини етимларнинг молини ейишликдан қаттиқ қайтаради! Аллоҳ таоло айтади:

وَءَاتُوا۟ ٱلْيَتَٰمَىٰٓ أَمْوَٰلَهُمْ ۖ وَلَا تَتَبَدَّلُوا۟ ٱلْخَبِيثَ بِٱلطَّيِّبِ ۖ وَلَا تَأْكُلُوٓا۟ أَمْوَٰلَهُمْ إِلَىٰٓ أَمْوَٰلِكُمْ ۚ إِنَّهُۥ كَانَ حُوبًا كَبِيرًا﴿٢﴾.

«Ва етимларга ўз молларини беринг. Нопокни покка алмаштирманг. Уларнинг молларини ўзингизнинг молларингизга қўшиб еманг. Зеро, бу катта гуноҳ бўлур» [Нисо: 2].

إِنَّ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ أَمْوَالَ الْيَتَامَى ظُلْمًا إِنَّمَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ نَارًا وَسَيَصْلَوْنَ سَعِيرًا

«Албатта, етимларнинг молини зулм ила еганлар, қоринларида оловни еган бўлурлар. Ва, шубҳасиз, дўзахга кирурлар» [Нисо: 10]. Ислом дини тарозидан уриб қолишликдан қайтаради. Аллоҳ таоло айтади:

وَيۡلٞ لِّلۡمُطَفِّفِينَ﴿١﴾ٱلَّذِينَ إِذَا ٱكۡتَالُواْ عَلَى ٱلنَّاسِ يَسۡتَوۡفُونَ﴿٢﴾وَإِذَا كَالُوهُمۡ أَو وَّزَنُوهُمۡ يُخۡسِرُونَ﴿٣﴾أَلَا يَظُنُّ أُوْلَٰٓئِكَ أَنَّهُم مَّبۡعُوثُونَ﴿٤﴾.

«(Ўлчов ва тарозидан) уриб қолгувчи кимсаларга ҳалокат бўлгай! Улар одамлардан (бирон нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса кам қилиб берадиган кимсалардир. Улар ўзларининг қайта тирилгувчи эканликларини ўйламайдиларми?!» [Мутоффифийн 1-4].

Қариндош уруғчилик ришталарини узишлик ҳам ислом дини қайтарган амаллардандир. 31- бобда тегишли оятларни эслаб ўтган эдик. Ва жамики пайғамбарлар бу нарсанинг ҳаром эканлигини айтганлар.

## 35- Ислом дини хар бир бузуқ феьл атвордан, жумладан, ёлғончилик, порахўрлик, ваьдага вафо қилмаслик, хиёнат, алдашлик, ҳасад, макр-ҳийла, ўғрилик, зинохўрлик ва зулм каби ёмон ахлоқлардан қайтаради.

Ислом дини умумий турда бача разил ахлоқлардан қайтаради. Аллоҳ таоло айтади:

وَلَا تُصَعِّرْ خَدَّكَ لِلنَّاسِ وَلَا تَمْشِ فِي ٱلْأَرْضِ مَرَحًاۖ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ مُخْتَالٍ فَخُورٍ﴿١٨﴾.

«Одамлардан (мутакаббирлик билан) юзингни ўгирмагин ва Ерда кибру-ҳаво билан юрмагин. Чунки Аллоҳ барча кибр-ҳаволи, мақтанчоқ кимсаларни суймас» [Луқмон: 18]. Расулуллоҳ ( алайҳи салом ) айтдилар: «Қиёмат кунида менга энг суюклигингиз ва энг яқин ўтирадиган инсонингиз, хулқи чиройлироқ бўлганингиздир. Ва қиёмат кунида менга энг ёқимсизингиз ва мендан энг узоғингиз , беҳуда гапни кўп сўзлагувчи ва оғзини тўлдириб гапирувчи ва мутафайқиҳлардир. Шунда саҳобалар ё Расулуллоҳ (алайҳи салом) беҳуда гапирувчини, оғзини тўлдириб гапирувчини билдик, мутафайқиҳ кимдир дедилар. Мутафайқиҳ - мутакаббирдир деб жавоб бердилар». Саҳиҳ силсила 791.

Ислом дини ёлғондан қайтаради. Аллоҳ таоло деди:

إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهْدِى مَنْ هُوَ مُسْرِفٌ كَذَّابٌ ﴿٢٨﴾.

«Албатта Аллоҳ ҳаддан ошгувчи, ёлғончи кимсаларни ҳидоят қилмас» [Ғофир: 28]. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ёлғондан йироқ бўлинглар албатта ёлғон, фужурга етаклайди. Фужур эса жаҳаннамга етаклайди. Киши ёлғон гапириб ва шу ёлғонида давом этар экан Аллоҳнинг хузурида ёлғончи деб ёзилиб қолади». Саҳиҳ Муслим. 2607. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Мунофиқнинг уч белгиси бордир: Агар гапирса, ёлғон гапиради, ваъда берса, бажармайди, омонатга хиёнат қилади!» Саҳиҳ Бухорий. 6095.

Ислом дини порахурликни ҳаром қилган! Ҳадисда келишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир сотувчининг олдидан ўтиб кетаётган эдилар. Ва савдогарни олдида турган

бир уюм таомга (буғдой ) муборак қўлларини тиқиб кўрдилар ва бармоқлари нам бўлди. Сўнгра сотувчига қараб: «Эй фалончи, бу нима?», – дедилар. Сотувчи эса: «Ё Расулуллоҳ ёмғир тегиб нам бўлиб қолди», –деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шу нам бўлиб қолганини одамлар кўришлиги учун устига чиқариб қўйсанг бўлмайдими, ким бизни алдаса бас у биздан эмасдир», – дедилар. Саҳиҳ Муслим 102.

Ислом дини ваъдага вафо қилмаслик, хиёнат ва макр-ҳийла ишлатишликдан тийган. Аллоҳ таоло деди:

يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَخُونُوا۟ ٱللَّهَ وَٱلرَّسُولَ وَتَخُونُوٓا۟ أَمَـٰنَـٰتِكُمْ وَأَنتُمْ تَعْلَمُونَ﴿٢٧﴾.

«Эй, иймон келтирганлар, билиб туриб, Аллоҳга, Пайғамбарга ва омонатларингизга хиёнат қилманг» [Анфол: 27] .

ٱلَّذِينَ يُوفُونَ بِعَهْدِ ٱللَّهِ وَلَا يَنقُضُونَ ٱلْمِيثَـٰقَ ﴿٢٠﴾.

«Улар Аллоҳнинг аҳдига вафо қиладиган ва мийсоқни бузмайдиганлардир» [Роьд: 20]. Ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аскарларига доимо шундай деб айтар эдилар: «Аллоҳнинг номи билан ғазот қилинглар, қўлга киритган ғанималардан хиёнат йўли билан олманглар, ваьда берсангиз вафо қилинглар, ўликларнинг қулоқ бурнини кесманглар ва ёш болани ўлдирманглар» Саҳиҳ Муслим 1731. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Тўрт хислат борки, кимда шу ислатларнинг барчаси топилса ҳақиқий мунофиқдир. Ва кимда шу хислатлардан бирортаси топилса, шу ишни тарк қилмагунгача мунофиқлик сифати унда тураверади: Агар унинг ҳузурида омонат қўйилса хиёнат қилади, гапирса ёлғон гапиради, аҳдлашса, вафо қилмайди ва хусуматлашса, очиқчасига фожирлик қилиб бошлайди». Саҳиҳ Бухорий 34. Ислом дини ҳасадгўйликни харом қилган! Аллоҳ таоло айтади:

أَمْ يَحْسُدُونَ ٱلنَّاسَ عَلَىٰ مَآ ءَاتَىٰهُمُ ٱللَّهُ مِن فَضْلِهِۦۖ فَقَدْ ءَاتَيْنَآ ءَالَ إِبْرَٰهِيمَ ٱلْكِتَـٰبَ وَٱلْحِكْمَةَ وَءَاتَيْنَـٰهُم مُّلْكًا عَظِيمًا﴿٥٤﴾.

«Ёки Аллоҳ одамларга Ўз фазлидан берган нарсаларга ҳасад қилмоқдалармиʼ? Батаҳқиқ, Иброҳим оиласига китобни, ҳикматни ва улуғ мулкни берганмиз-ку?!» [Нисо: 54]. .

وَدَّ كَثِيرٌ مِّنْ أَهْلِ ٱلْكِتَـٰبِ لَوْ يَرُدُّونَكُم مِّنۢ بَعْدِ إِيمَـٰنِكُمْ كُفَّارًا حَسَدًا مِّنْ عِندِ أَنفُسِهِم مِّنۢ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمُ ٱلْحَقُّۖ فَٱعْفُوا۟ وَٱصْفَحُوا۟ حَتَّىٰ يَأْتِىَ ٱللَّهُ بِأَمْرِهِۦٓۗ إِنَّ ٱللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ﴿١٠٩﴾.

«Аҳли китоблардан кўплари уларга ҳақ равшан бўлганидан кейин, ўзларича ҳасад қилиб, сизларни иймонли бўлганингиздан кейин кофирликка қайтармоқчи бўлурлар. Аллоҳнинг амри келгунча афв этинг, кечиримли бўлинг. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир» [Бақара: 109]. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Сизларга олдинги умматларнинг касали ҳасад ва бир-бирини ёқтирмаслик билдирмай кириб келур. У ёмон кўришлик устарадирки, фақатгина сочни (зоҳирий кўриниш) қириб ташламайди, балки динни таг-томири билан суғуриб ташлайди. Жоним унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, мўмин бўлмагунингизча жаннатга кирмайсиз ва бир бирингизни яхши кўрмагунингизча мўмин бўла олмайсиз. Сизларга бир-бирингизга яхши кўрдирадиган бир нарсани ўргатайми?! Ўрталарингизда саломни ёйинг!» Сунан Термизий 2510.

Ислом дини ёмон макр-ҳийлани ҳаром қилган. Аллоҳ таоло айтади:

وَكَذَٰلِكَ جَعَلْنَا فِى كُلِّ قَرْيَةٍ أَكَـٰبِرَ مُجْرِمِيهَا لِيَمْكُرُوا۟ فِيهَاۖ وَمَا يَمْكُرُونَ إِلَّا بِأَنفُسِهِمْ وَمَا يَشْعُرُونَ﴿١٢٣﴾.

«Худди шунга ўхшаш, ҳар бир шаҳарда катта жиноятчиларни унда макр қилиш учун қўйдик. Улар, сезмаган ҳолда, фақат

ўзларига ўзлари макр қилурлар, холос» [Анъом: 123]. Аллоҳ таоло яҳудийлар Исо алайҳиссаломни ўлдиришликка ҳаракат қилганликлари ва хийла ишлатишганликлари ҳақида, лекин Аллоҳ уларга ҳийла қилганлигини хабарини берди. Ва Аллоҳ таоло ёмон макр фақат ўзининг эгасига қайтишлини баён қилиб деди:

۞ فَلَمَّآ أَحَسَّ عِيسَىٰ مِنْهُمُ ٱلْكُفْرَ قَالَ مَنْ أَنصَارِىٓ إِلَى ٱللَّهِ ۖ قَالَ ٱلْحَوَارِيُّونَ نَحْنُ أَنصَارُ
ٱللَّهِ ءَامَنَّا بِٱللَّهِ وَٱشْهَدْ بِأَنَّا مُسْلِمُونَ ﴿٥٢﴾ رَبَّنَآ ءَامَنَّا بِمَآ أَنزَلْتَ وَٱتَّبَعْنَا ٱلرَّسُولَ فَٱكْتُبْنَا مَعَ
ٱلشَّٰهِدِينَ ﴿٥٣﴾ وَمَكَرُوا۟ وَمَكَرَ ٱللَّهُ ۖ وَٱللَّهُ خَيْرُ ٱلْمَٰكِرِينَ ﴿٥٤﴾ إِذْ قَالَ ٱللَّهُ يَٰعِيسَىٰٓ إِنِّى مُتَوَفِّيكَ
وَرَافِعُكَ إِلَىَّ وَمُطَهِّرُكَ مِنَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ وَجَاعِلُ ٱلَّذِينَ ٱتَّبَعُوكَ فَوْقَ ٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ إِلَىٰ يَوْمِ
ٱلْقِيَٰمَةِ ۖ ثُمَّ إِلَىَّ مَرْجِعُكُمْ فَأَحْكُمُ بَيْنَكُمْ فِيمَا كُنتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ ﴿٥٥﴾.

«Ийсо улардан кофирликни сезиб қолганда: «Кимлар Аллоҳ йўлида менга ёрдамчи бўлади?!» – деди. Ҳаворийлар: «Биз Аллоҳнинг ёрдамчиларимиз, Аллоҳга иймон келтирдик ва бизнинг мусулмонлигимизга гувоҳ бўл», – дедилар. «Эй Роббимиз! Сен туширган нарсага иймон келтирдик ва Пайғамбарга эргашдик. Бас, бизни гувоҳлик берувчилар қаторига ёзгин». Макр қилдилар. Аллоҳ ҳам макр қилди. Аллоҳ макр қилувчиларнинг «зўри»дир. Аллоҳ: «Эй Ийсо, мен сени вафот қилдирувчи ва Ўзимга кўтарувчиман ҳамда куфр келтирганлардан сени покловчиман ва қиёмат кунигача сенга эргашганларни куфр келтирганлардан устун қўйгувчиман. Сўнгра, қайтиш жойингиз Ўзимга, бас, ихтилоф қилган нарсаларингиз бўйича орангизда Ўзим ҳукм чиқарурман», деганини эсланг!» [Оли-Имрон: 51-55]. Ва Аллоҳ таоло Солиҳ алайҳиссаломнинг қавми у кишини ўлдиришлик учун макр қилганликларини ва лекин Аллоҳ ҳам макр қилганлигини ва у қавмни ҳалок қилганининг хабарини бериб шундай дейди:

قَالُواْ تَقَاسَمُواْ بِٱللَّهِ لَنُبَيِّتَنَّهُۥوَأَهۡلَهُۥ ثُمَّ لَنَقُولَنَّ لِوَلِيِّهِۦ مَا شَهِدۡنَا مَهۡلِكَ أَهۡلِهِۦ وَإِنَّا لَصَٰدِقُونَ
﴿٤٩﴾وَمَكَرُواْ مَكۡرًا وَمَكَرۡنَا مَكۡرًا وَهُمۡ لَا يَشۡعُرُونَ ﴿٥٠﴾فَٱنظُرۡ كَيۡفَ كَانَ عَٰقِبَةُ مَكۡرِهِمۡ أَنَّا
دَمَّرۡنَٰهُمۡ وَقَوۡمَهُمۡ أَجۡمَعِينَ ﴿٥١﴾.

«Улар: «Аллоҳнинг номига қасам ичинглар! Албатта, у (Солиҳ)ни ва унинг аҳлини тунда ўлдирамиз, сўнгра валийига, биз унинг аҳлининг ҳалокатига гувоҳ эмасмиз, албатта, биз ростгўйлармиз, деймиз», дедилар. Улар макр қилдилар. Биз ҳам улар сезмаган ҳолда бир «макр» қилдик. Назар сол! Уларнинг макри оқибати нима бўлди?! Биз, албатта, уларни ва қавмларини, ҳаммаларини ер билан яксон қилдик» [Намл: 49-51].

Ислом дини ўғирликдан қайтаради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Зинокор мўмин холида зино қилмайди. Ўғри мўмин холида ўғирлик қилмайди. Ва инсон ароқни мўмин ҳолида ичмайди. Тавба эса гунохдан кейин очиқдир». Саҳиҳ Бухорий 6810.

Ислом дини зўравонликдан хам қайтаради. Аллох таоло айтади:

۞ إِنَّ ٱللَّهَ يَأۡمُرُ بِٱلۡعَدۡلِ وَٱلۡإِحۡسَٰنِ وَإِيتَآيِٕ ذِي ٱلۡقُرۡبَىٰ وَيَنۡهَىٰ عَنِ ٱلۡفَحۡشَآءِ وَٱلۡمُنكَرِوَٱلۡبَغۡيِۚ
يَعِظُكُمۡ لَعَلَّكُمۡ تَذَكَّرُونَ﴿٩٠﴾.

«Албатта, Аллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм-қариндошга яхшилик қилишга буюрур ҳамда бузуқлик, ёмон ишлар ва зўравонликлардан қайтарур. У зот шояд ибрат-эслатма оларсизлар, деб сизларга панд-насиҳат қилур» [Нахл: 90]. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло менга камтарли бўлишингизни, бирор кимса бошқага зўравонлик қилмаслигини ва мақтанмаслигини ваҳий қилиб буюрди». Саҳиҳ Абу Довуд 4895.

Ислом дини зулм қилишликни ҳаром қилган. Аллоҳ таоло айтади:

وَٱللَّهُ لَا يُحِبُّ ٱلظَّـٰلِمِينَ﴿٥٧﴾.

«Аллоҳ золим кимсаларни хуш кўрмас» [Оли-Имрон: 57].

إِنَّهُۥ لَا يُفْلِحُ ٱلظَّـٰلِمُونَ﴿٢١﴾.

«Албатта зулм қилгувчи кимсалар нажот топмаслар» [Анъом: 21].

وَٱلظَّـٰلِمِينَ أَعَدَّ لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًۢا﴿٣١﴾.

«Золимлар учун эса аламли азобни тайёрлаб қўйгандир» [Инсон:31]. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Уч киши борки, уларнинг дуолари қайтарилмайди! Адолатли подшоҳнинг, ифторлик қилгунча рўзадорнинг ва мазлумнинг дуолари қайтарилмас! Уларнинг дуолари булутлар устида кўтарилиб чиқур ва осмон эшиклари очилур ва Аллоҳ таоло: «Иззатимга қасамки мен сенга нусрат берурман гарчи вақт ўтса ҳам!», – деди. Муслим қисқача ихтилоф билан 2749 ҳадисда зикр қилган. Термизий 2526. Расулулллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз ибн Жабални Яманга жўнатаётган пайтларида, уларга қилган насиҳатлари ҳам шундай эди: «Мазлумнинг дуосидан эҳтиёт бўл! Чунки мазлумнинг дуоси билан Аллоҳ таолонинг ўртасида тўсиқ йўқдир!» Саҳиҳ Бухорий 1496. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Огоҳ бўлинг! Кимки аҳдлашилган кишига зулм қилса ёки унинг ҳаққини камайтирса ёки тоқатидан ошиқча нарсани юкласа ёки унинг ўзи рози бўлмаган ҳолда бирор нарасини тортиб олса, мен қиёмат кунида унинг хусуматчиси бўлрман!» Сунан Абу Довуд 3052.

Кўриб турганингиз каби ислом дини барча қабиҳ хулқ атвор ёки зулм устига қурилган муомалалардан қайтаради!

## 36- Ислом судхўрлик, алдов, зулм аралашган ҳамда шахсларга, халқларга, жамиятларга оммавий зарар етказадиган, инқирозга олиб борадиган молиявий муомалаларни ман қилади.

Ислом судхўрлик, алдов, зулм аралашган ҳамда шахсларга, халқларга, жамиятларга оммавий зарар етказадиган, инқирозга олиб борадиган молиявий муомалаларни ман қилади. Бу бобнинг аввалида судхўрликнинг, зулмни, алдовчилик ва ер юзида фасод тарқатишликнинг ҳаром эканлигига далолат қилгувчи оят ва ҳадисларни зикр қилиб ўтдик. Аллоҳ таоло айтади:

وَٱلَّذِينَ يُؤْذُونَ ٱلْمُؤْمِنِينَ وَٱلْمُؤْمِنَـٰتِ بِغَيْرِ مَا ٱكْتَسَبُوا۟ فَقَدِ ٱحْتَمَلُوا۟ بُهْتَـٰنًا وَإِثْمًا مُّبِينًا ﴿٥٨﴾.

«Мўмин ва мўминаларга, улар бирор нарса қилмасалар ҳам, озор берадиганлар, батаҳқиқ, ўз устларига очиқ бўҳтон ва гуноҳни олибдилар» [Аҳзоб: 48]. Ва Аллоҳ таоло айтади:

مَنْ عَمِلَ صَـٰلِحًا فَلِنَفْسِهِۦ ۖ وَمَنْ أَسَآءَ فَعَلَيْهَا ۗ وَمَا رَبُّكَ بِظَلَّـٰمٍ لِّلْعَبِيدِ ﴿٤٦﴾.

«Ким солиҳ амал қилса, ўзига фойда. Ким ёмонлик қилса, ўзигагина зарар. Роббинг бандаларга зулм қилгувчи эмас» [Фуссилат: 46]. Ва суннатда келишича: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бировга зарар бериш ҳам бировдан зарар кўриш ҳам йўқ деб ҳукм чиқардилар". Сунан Абу Довуд. Ва яна Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Кимда-ким

Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига зиён бермасин. Кимда-ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, мехмонинини икром қилсин. Кимда-ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхши гапни, сўзни сўзласин ёки жим турсин!» Саҳиҳ Муслим 47. Ва яна Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Бир аёл киши мушук сабабли дўзахга кирди! У аёл мушукни қамаб қўйди ва таомлантирмади ҳам, ичирмади ҳам. Ёки ўз ризқини ердан териб ейишлиги учун озод ҳам қилмади ва шу сабабли жаҳаннамда азобланди!» Саҳиҳ Бухорий 3482. Бу жазо мушукка озор берган аёл ҳақида эди. Энди эса одамларга зулм берган киши ҳақида нима дейиш мумкин? Ибн Умар розияллоҳу анҳу дан ривоятда келишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарга кўтарилдилар ва баланд овоз билан шундай дедилар: «Эй тилида мусулмон бўлиб, қалбига иймон кирмаганлар! Мусулмонларга озор берманг ва уларни уялтирманглар ва айбларини қидирманг! Албатта, ким бир мусулмон биродарининг айбини излар экан, Аллоҳ унинг айбини излайди. Ва кимнинг айбини Аллоҳ изласа, ҳаттоки, уйида бўлса ҳам шарманда қилур». Кунлардан бир кун Ибн Умар розияллоҳу анҳу Кааъбатуллоҳга қараб: «Сен қанчалик ҳам улуғ ва ҳурматлисан, аммо мўъминнинг ҳурмати Аллоҳнинг ҳузурида сеникидан буюкроқдир!», - дедилар. Термизий: 2032, Ибн Ҳиббон: 5763 . «Кимда-ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига зиён бермасин. Кимда-ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, мехмонинини икром қилсин. Кимда-ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхши гапни, сўзни сўзласин ёки жим турсин!» Саҳиҳ Бухорий: 6018. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) дан ривоят: «Расулуллоҳ (алайҳи салом) саҳобаларига қараб шундай дедилар: «Муфлис ким эканини биласизларми?» Саҳобалар жавоб бериб: «Бизнинг билишимиз бўйича муфлис инсон на динори ва на дирҳами бўлмаган инсондир!», –дедилар.

Расулуллоҳҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдиларки: «Умматимдаги ҳақиқий муфлис қиёмат кунида рўзаси, намози ва закоти билан келган ва шу билан бирга бировни ҳақорат қилган, бировни фаҳшда айблаган ва бировнинг молини еган инсондир! Бас, унинг савобидан олиниб, ҳақдорларига берилур, агар унинг бўйнидаги ҳақларини тўлашига савоблари етмаса, ҳақдоларнинг гуноҳларидан олиниб, бўйнига қўйилур ва дўзахга улоқтирилур!» Муслим: 2581, Термизий: 2418, Аҳмад: 8029.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: Йўлнинг ўртасида одамларга зиён бериб турган дарахт шохи бор эди. Бир инсон уни йўлдан олиб ташлаганлиги учун жаннатга кирди! Бухорий: 652, Муслим: 1914, Ибн Можа: 3682, Аҳмад: 10432. Эътибор бериган бўлсангиз бу инсон йўлда зиён берган нарсани олиб ташлаганлиги учун жаннатга кирди, энди инсонларга озор берадиган ва уларнинг ҳаётларини фасодга айлантирадиган одамлар ҳақида нима дейишлик мумкин?!

## 37- Ислом ақлни ҳимоя қилиб келди. Ароқ ичиш каби уни бузадиган ишларни таъқиқлади. Ислом ақлнинг шаънини улуғлаб, вазифа ва масъулият масаласини унга боғлиқ қилиб қўйди ҳамда уни хурофот ва бутпарастликлар кишанларидан озод этди. Исломда маълум бир табақагагина хос бўлган сирлар ёки

## ҳукмлар йўқ. Унинг барча ҳукмлари, шариатлари соғлом ақлга ҳам, адолат ва ҳикмат тақозосига ҳам тўғри келади.

Ислом дини ақлни сақлаш ва унинг шаьнини кўтаришни таькидлади! Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّ ٱلسَّمْعَ وَٱلْبَصَرَ وَٱلْفُؤَادَ كُلُّ أُوْلَـٰٓئِكَ كَانَ عَنْهُ مَسْـُٔولًا﴿٣٦﴾.

«Албатта, қулоқ, кўз ва дил — ана ўшалар масъулдирлар» [Исро: 36]. Инсон ўзининг ақлини сақлаши вожибдир! Шунинг учун ҳам ислом шариати ароқ ва наркотик моддалари истеьмол қилишни ман қилган. Ва Аллоҳ таолонинг кўплаган оятлари ҳам шундай сўзлар билан якунланади:

لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿٢٤٢﴾.

«Шоядки, ақл юритсангизлар» (Бақара: 242)

وَمَا ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَآ إِلَّا لَعِبٌ وَلَهْوٌ ۖ وَلَلدَّارُ ٱلْـَٔاخِرَةُ خَيْرٌ لِّلَّذِينَ يَتَّقُونَ ۗ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٣٢﴾.

«Бу дунё ҳаёти ўйин-кулгудан ўзга ҳеч нарса эмас. Тақво қилувчилар учун охират ҳовлиси яхшироқдир. Ақл юритмайсизлармиؘ?» [Анъом: 32].

إِنَّآ أَنزَلْنَـٰهُ قُرْءَٰنًا عَرَبِيًّا لَّعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ ﴿٢﴾.

«Биз уни араб тилидаги Қуръон этиб нозил қилдик, шоядки, ақл ишлатсангиз» [Юсуф: 2]. Аллоҳ таоло ҳидоят ва ҳикматдан фақатгина ақл эгалари фойда насиҳатларни олишлигини ва ана ўшалар ҳақиқий ақлли инсонлар эканини баён қилиб деди:

يُؤْتِى ٱلْحِكْمَةَ مَن يَشَآءُ ۚ وَمَن يُؤْتَ ٱلْحِكْمَةَ فَقَدْ أُوتِىَ خَيْرًا كَثِيرًا ۗ وَمَا يَذَّكَّرُ إِلَّآ أُو۟لُوا۟ ٱلْأَلْبَٰبِ﴿٢٦٩﴾.

«У кимни хоҳласа, ўшанга ҳикматни ато этур. Бас, кимга ҳикмат ато этилган бўлса, унга кўп яхшилик берилибди. Фақат ақл эгаларигина эсларлар» [Бақара: 269].

Ва шунинг учун ҳам ақлни шариатдаги таклифотларнинг чегараси қилиб қўйди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «(Гуноҳни ёзиб тургувчи) Қалам уч инсондан кўтарилиб турур, ухловчи инсондан то уйғонмагунча, ёш боладан то балоғатга тўлмагунча, мажнундан то ақл кирмагунча» Бухорий жазм сийғасида муаллақ тарзда ривоят қилган:  5269, Абу Довуд мавсул ҳолда ривоят қилган: 4402, Термизий: 1423, Насоий: 7346, Аҳмад: 956, Ибн Можа: 2042. Ва ақлни хурофот ва бутпарастлик кишанларидан озод қилди. Аллоҳ таоло ўтган замондаги умматларнинг ўзларининг хурофотларида махкам турганини ва Аллоҳнинг ҳузуридан келган ҳақ эса уларни тўғри йўлга солгани ҳақида хабар бериб шундай дейди:

إِنَّا وَجَدْنَآ ءَابَآءَنَا عَلَىٰٓ أُمَّةٍۢ وَإِنَّا عَلَىٰٓ ءَاثَٰرِهِم مُّقْتَدُونَ ﴿٢٣﴾.

«Худди шунингдек, Биз сендан илгари ҳам қайси бир қишлоқ-шаҳарга огоҳлантиргувчи юборсак, албатта, унинг зодагонлари: «Таъкидки, биз ота-боболаримизни бир динда топдик ва, албатта, биз уларнинг изларидан эргашгувчилардирмиз», - дедилар [Зухруф: 23]. Иброҳим алайҳиссалом ўз қавмларига шундай деган эдилар: Ўшанда у отасига ва қавмига:

إِذْ قَالَ لِأَبِيهِ وَقَوْمِهِۦ مَا هَٰذِهِ ٱلتَّمَاثِيلُ ٱلَّتِىٓ أَنتُمْ لَهَا عَٰكِفُونَ﴿٥٢﴾قَالُوا۟ وَجَدْنَآ ءَابَآءَنَا لَهَا عَٰبِدِينَ ﴿٥٣﴾.

«Манави сиз ибодатига берилаётган ҳайкаллар нима?» деган эди. Улар: «Ота-боболаримизни уларга ибодат қилган ҳолларида топганмиз»,-дедилар [Анбиё: 52-53]. Ва ислом дини келиб, инсонларни ота-боболардан қолган бут-санамларга сиғинишликдан ва ҳар қандай хурофотлардан холи бўлишликка ва фақатгина пайғамбарларга эргашишликка буюрди! Ислом динида бир табақага иккинчи табақага нисбатан ўзгача аҳкомлар йўқдир! Али розияллоҳу анҳу дан сўралди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бирор бир ишда сизларни хослаганлармиҳ?» Шунда у киши: «Расулуллоҳ бизга бошқа умматга нимани ўргатган бўлсалар шуни ўргатдилар. Илло, қиличимнинг қинидаги ушбу нарсани менга ўргатдилар»,-деб бир саҳифа чиқардилар: « Аллоҳдан бошқа нарсага жонлиқ сўйганни Аллоҳ лаьнатлади, ернинг худудини (билдирмасдан) ўғирлаганни Аллоҳ лаьнатлади, ота-онасини ҳақорат қилганни Аллоҳ лаьнатлади ва қасос олиниши керак бўлган кимсани қўриқлаганни Аллоҳ лаьнатлади!» Саҳиҳ Муслим 1978. Ислом шариатининг барча ҳукмлари соғлом ақлга ҳам, адолат ва ҳикмат тақозосига ҳам тўғри келади.

## 38- Ботил динларда зиддиятлар, ақлга тўғри келмайдиган ишлар кўп бўлади. Буни хаспўшлаш учун пешволари тобеларига, дин ақлдан устун, ақл билан динни тушунтириб бўлмайди, дея уқтиришади. Ислом эса динни ақлнинг йўлини ёритиб берувчи

бир нур деб эътибор қилади. Ботил динларнинг пешволари одамдан ақлини йиғиштириб қўйиб, ўзларига сўзсиз итоат этишини истайдилар. Ислом эса инсоннинг ақлини уйғотиб, ишларнинг моҳиятини, уларнинг қандай бўлса ўшандай англашини хоҳлайди.

Ботил динларда зиддиятлар, ақлга тўғри келмайдиган ишлар кўп бўлади. Буни хаспўшлаш учун пешволари тобеларига, дин ақлдан устун, ақл билан динни тушунтириб бўлмайди, дея уқтиришади. Ислом эса динни ақлнинг йўлини ёритиб берувчи бир нур деб эътибор қилади. Ботил динларнинг пешволари одамдан ақлини йиғиштириб қўйиб, ўзларига сўзсиз итоат этишини истайдилар. Ислом эса инсоннинг ақлини уйғотиб, ишларнинг моҳиятини, уларнинг қандай бўлса ўшандай англашини хоҳлайди. Аллоҳ таоло айтади:

وَكَذَٰلِكَ أَوْحَيْنَآ إِلَيْكَ رُوحًا مِّنْ أَمْرِنَا ۚ مَا كُنتَ تَدْرِى مَا ٱلْكِتَٰبُ وَلَا ٱلْإِيمَٰنُ وَلَٰكِن جَعَلْنَٰهُ نُورًا نَّهْدِى بِهِۦ مَن نَّشَآءُ مِنْ عِبَادِنَا ۚ وَإِنَّكَ لَتَهْدِىٓ إِلَىٰ صِرَٰطٍ مُّسْتَقِيمٍ﴿٥٢﴾.

«Ана шунга ўхшаш, Биз сизга Ўз амримиздан бир руҳни ваҳий қилдик. Сиз китоб нималигини ҳам, иймон нималигини ҳам идрок қилмас эдингиз. Лекин Биз уни бир нур қилдикки, у билан бандаларимиздан кимни хоҳласак, ҳидоят қилурмиз. Албатта, сиз тўғри йўлга ҳидоят қилурсиз» [Шўро: 52]. Илоҳий ваҳий соғлом ақлларни ҳақиқатларни кўришликка ва уларга иймон келтиришга сабаб бўладиган ҳужжат-далилларни ўз ичига олгандир. Аллоҳ таоло айтади:

يَـٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ قَدْ جَآءَكُم بُرْهَـٰنٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَأَنزَلْنَآ إِلَيْكُمْ نُورًا مُّبِينًا﴿١٧٤﴾.

«Эй одамлар! Сизга Роббингиздан бурҳон келди ва сизга аниқ нурни нозил қилдик» [Нисо: 174]. Аллоҳ таоло инсонни ҳидоят нури, илм ва ҳақиқат устида яшашлигини хоҳлайди. Шайтонлар ва тоғутлар эса инсонни куфр зулмати, жаҳолат ва залолат устида қолишлигини хоҳлашади. Аллоҳ таоло айтади:

ٱللَّهُ وَلِىُّ ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ يُخْرِجُهُم مِّنَ ٱلظُّلُمَـٰتِ إِلَى ٱلنُّورِ ۖ وَٱلَّذِينَ كَفَرُوٓا۟ أَوْلِيَآؤُهُمُ ٱلطَّـٰغُوتُ يُخْرِجُونَهُم مِّنَ ٱلنُّورِ إِلَى ٱلظُّلُمَـٰتِ ۗ أُو۟لَـٰٓئِكَ أَصْحَـٰبُ ٱلنَّارِ ۖ هُمْ فِيهَا خَـٰلِدُونَ ﴿٢٥٧﴾.

«Аллоҳ иймон келтирганларнинг дўстидир. Уларни зулматлардан нурга чиқарур. Куфр келтирганларнинг дўстлари тоғутлардир. Уларни нурдан зулматларга чиқарурлар. Ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадийдирлар» [Бақара: 257].

## 39- Ислом соғлом илмни улуғлайди. Ҳавойи нафс аралашмаган илмий тадқиқотлар қилишга ундайди ҳамда ўзимиз ҳақимизда, атрофимиздаги борлиқ ҳақида, Исломга зид бўлмаган ҳаққоний илмий кашфиётлар ҳақида фикр юритишга чорлайди.

Ислом тўғри топилган фойдали илмни улуғлайди. Аллоҳ таоло айтади:

مَّن ذَا ٱلَّذِى يُقْرِضُ ٱللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا فَيُضَـٰعِفَهُۥ لَهُۥ وَلَهُۥٓ أَجْرٌ كَرِيمٌ ﴿١١﴾.

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирганларни ва илм ато этилганларнинг даражаларини кўтарур» [Мужодала:11]. Аллоҳ ўзининг ёлғиз ибодатга тотиқли зот эканлигига берган гувоҳлигига илм ато этилганларнинг ва фаришталарининг гувоҳлигини боғлади. Аллоҳ таоло айтди:

شَهِدَ ٱللَّهُ أَنَّهُۥلَآ إِلَـٰهَ إِلَّا هُوَ وَٱلْمَلَـٰٓئِكَةُ وَأُوْلُوا۟ ٱلْعِلْمِ قَآئِمًۢا بِٱلْقِسْطِ ۚ لَآ إِلَـٰهَ إِلَّا هُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْحَكِيمُ ﴿١٨﴾.

«Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари — ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи борлигига гувоҳлик бердилар. У адолат билан тургувчи — ҳукм қилгувчидир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бор. У қудратли, ҳикмат эгасидир» [Оли Имрон: 18]. Ва бу нарса илм аҳлининг ислом динидаги ўрнини белгилайди. Аллоҳ таоло пайғамбарига илмдан бошқа бирор нарсада зиёда сўрашлигига буюрмаган. Аллоҳ таоло деди:

وَقُل رَّبِّ زِدْنِى عِلْمًا﴿١١٤﴾.

«Роббим, илмимни зиёда қилгин»,- дегин! [Тоҳа: 114]. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Қайси бир инсон илм талаб қилиш учун йўлга отланса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб қўяр. Ва фариштар толиби илмнинг оёқларининг остига ундан рози бўлган ҳолларида қанотларини тўшайди. Албатта, толиби илм учун осмонлар ва ердаги барча нарсалар, ҳаттоки, сувдаги балиқлар истиғфор айтадилар. Албатта, олимнинг обид инсондан фарқи, худди ойнинг бошқа юлдузлардан фарқи кабидир. Албатта, олимлар пайғамбарларнинг ворисларидирлар, пайғамбарлар эса динор дирҳам эмас, балким илм мерос қилиб кетгандирлар. Кимки ўша илмга соҳиб чиқса, дарҳақиқат, буюк насибага эга

бўлибди!» Абу Довуд: 3641, Термизий: 2682, Ибн Можа: 223, Аҳмад: 21715.

Ислом дини ҳавойи нафс аралашмаган илмий тадқиқотлар қилишга ҳамда ўзимиз ҳақимизда, атрофимиздаги борлиқ ҳақида тафаккур қилишга ундайди. Аллоҳ таоло айтади:

سَنُرِيهِمْ ءَايَـٰتِنَا فِى ٱلْـَٔافَاقِ وَفِىٓ أَنفُسِهِمْ حَتَّىٰ يَتَبَيَّنَ لَهُمْ أَنَّهُ ٱلْحَقُّ ۗ أَوَلَمْ يَكْفِ بِرَبِّكَ أَنَّهُۥ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ شَهِيدٌ ﴿٥٣﴾.

«Биз уларга ҳам уфқлардаги, ҳам ўз нафсларидаги оят-белгиларимизни кўрсатамиз. Токи, уларга Унинг ҳақлиги равшан бўлсин. Сенинг Роббинг ҳар бир нарсага шоҳид эканлиги кифоя қилмасмиди?!» [Фуссилат: 53].

أَوَلَمْ يَنظُرُوا۟ فِى مَلَكُوتِ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَمَا خَلَقَ ٱللَّهُ مِن شَىْءٍ وَأَنْ عَسَىٰٓ أَن يَكُونَ قَدِ ٱقْتَرَبَ أَجَلُهُمْ ۖ فَبِأَىِّ حَدِيثٍۭ بَعْدَهُۥ يُؤْمِنُونَ ﴿١٨٥﴾.

«Осмонлару ернинг мулкларига, Аллоҳ яратган нарсаларга ва, ажаб эмаски, ажаллари яқинлашиб қолган бўлишига назар солмайдиларми? Бундан кейин яна қайси гапга ишонадилар!» [Аъроф: 185].

أَوَلَمْ يَسِيرُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ فَيَنظُرُوا۟ كَيْفَ كَانَ عَـٰقِبَةُ ٱلَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ ۚ كَانُوٓا۟ أَشَدَّ مِنْهُمْ قُوَّةً وَأَثَارُوا۟ ٱلْأَرْضَ وَعَمَرُوهَآ أَكْثَرَ مِمَّا عَمَرُوهَا وَجَآءَتْهُمْ رُسُلُهُم بِٱلْبَيِّنَـٰتِ ۖ فَمَا كَانَ ٱللَّهُ لِيَظْلِمَهُمْ وَلَـٰكِن كَانُوٓا۟ أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿٩﴾.

«Ер юзида юриб, ўзларидан олдингиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солмасларми?! Уларнинг булардан қувватлари кўпроқ эди ва ерга ишлов бериб, уни булар обод қилгандан кўра кўпроқ обод қилган эдилар. Ва уларга Пайғамбарлари очиқ-ойдин(оят)лар билан келдилар. Аллоҳ уларга зулм қилмас эди, лекин улар ўзларига зулм қилардилар» [Рум: 9].

Тўғри, илмий тадқиқотлар ҳеч қачон исломга қарши келмайди. Бунинг учун биргина мисол келтиришимиз мумкин. Қурьони карим бу мисолимиз ҳақида 1400 йил аввал дақиқ маьлумотларни бериб ўтган бўлса, замонавий тиббиёт бу ҳақида эндигина очилиш ясади. Келиб чиққан натижалар эса Қурьонга тўла-тўкис мувофиқ келди. Бу ҳам бўлса, чақалоқ онасининг яратилишидир! Аллоҳ таоло айтади:

وَلَقَدْ خَلَقْنَا ٱلْإِنسَـٰنَ مِن سُلَـٰلَةٍ مِّن طِينٍ﴿١٢﴾ثُمَّ جَعَلْنَـٰهُ نُطْفَةً فِى قَرَارٍ مَّكِينٍ﴿١٣﴾ثُمَّ خَلَقْنَا ٱلنُّطْفَةَ عَلَقَةً فَخَلَقْنَا ٱلْعَلَقَةَ مُضْغَةً فَخَلَقْنَا ٱلْمُضْغَةَ عِظَـٰمًا فَكَسَوْنَا ٱلْعِظَـٰمَ لَحْمًا ثُمَّ أَنشَأْنَـٰهُ خَلْقًا ءَاخَرَ ۚ فَتَبَارَكَ ٱللَّهُ أَحْسَنُ ٱلْخَـٰلِقِينَ﴿١٤﴾.

«(Қасамки), Биз инсонни (яъни, Одам алайҳиссаломни) лойнинг мағзидан яратдик. Сўнгра уни (яъни, барча инсонларни) аввало мустаҳкам қароргоҳдаги (яъни, бачадондаги) нутфа-маний қилди. Сўнгра бу нутфадан лахта қонни яратиб, лахта қондан парча гўштни яратиб, парча гўштдан суякларни яратиб, бу суякларга гўшт қопладик, сўнгра (унга жон киргизиб, аввал бошдаги бир томчи сув — нутфадан бутунлай) бошқа бир жонзот ҳолида пайдо қилдик. Бас, энг гўзал яратгувчи (яъни йўқдан бор қилгувчи бўлмиш) Аллоҳ баракотли — буюкдир» [Мўминун: 12-14].

## 40- Аллоҳ Ўзига ишонган, итоат қилган, пайғамбарларини ҳақ деб билган кишидангина амални қабул қилади ва охиратда амалига яраша савоб беради. Аллоҳ шариатга мувофиқ тарзда қилинган

ибодатларнигина қабул қилади. Қандай қилиб инсон Аллоҳга куфр келтиради-да, яна У Зотдан мукофот кутади? Аллоҳ беистисно ҳамма пайғамбарларга иймон келтирган, жумладан, Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарлигига ҳам ишонган кишидангина иймонини қабул қилади.

Аллоҳ Ўзига ишонган, итоат қилган, пайғамбарларини ҳақ деб билган кишидангина амални қабул қилади ва охиратда амалига яраша савоб беради. Аллоҳ таоло айтади:

مَّن كَانَ يُرِيدُ ٱلْعَاجِلَةَ عَجَّلْنَا لَهُۥ فِيهَا مَا نَشَآءُ لِمَن نُّرِيدُ ثُمَّ جَعَلْنَا لَهُۥ جَهَنَّمَ يَصْلَىٰهَا مَذْمُومًا مَّدْحُورًا﴿١٨﴾وَمَنْ أَرَادَ ٱلْـَٔاخِرَةَ وَسَعَىٰ لَهَا سَعْيَهَا وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَأُو۟لَـٰٓئِكَ كَانَ سَعْيُهُم مَّشْكُورًا﴿١٩﴾.

«Ким нақд (дунё)ни кўзловчи бўлса, Биз (шу дунёда улардан) Ўзимиз истаган кимсалар учун Ўзимиз хоҳлаган нарсани нақд қилиб берурмиз. Сўнгра (яъни, Охиратда) унинг учун ўзи мазаммат ва қувғинга дучор бўлган ҳолда кирадиган жаҳаннамни жой қилиб берурмиз. Ким Охиратни истаса ва мўмин бўлган ҳолида (Охиратга лойиқ) саъй-ҳаракат қилса, бас, ундай зотларнинг саъйлари (Аллоҳ наздида) мақбул бўлур» [Исро: 18-19].

فَمَن يَعۡمَلۡ مِنَ ٱلصَّٰلِحَٰتِ وَهُوَ مُؤۡمِنٞ فَلَا كُفۡرَانَ لِسَعۡيِهِۦ وَإِنَّا لَهُۥ كَٰتِبُونَ ﴿٩٤﴾.

«Ким мўмин ҳолида солиҳ амаллардан қилса, саъйи-ҳаракати зое кетмас. Албатта, Биз уни ёзиб қўйгувчидирмиз» [Анбиё: 94]. Аллоҳ шариатга мувофиқ тарзда қилинган ибодатларнигина қабул қилади. Аллоҳ таоло айтади:

فَمَن كَانَ يَرۡجُواْ لِقَآءَ رَبِّهِۦ فَلۡيَعۡمَلۡ عَمَلٗا صَٰلِحٗا وَلَا يُشۡرِكۡ بِعِبَادَةِ رَبِّهِۦٓ أَحَدَۢا ﴿١١٠﴾.

«Бас, ким Роббига рўбарў келишни умид қилса, яхши амал қилсин ва Робби ибодатига биронтани шерик қилмасин» [Каҳф: 110]. Аллоҳ таоло кимнинг амали шариатга мувофиқ бўлмаса ва амал қилган инсонда ихлос топилмаса, Аллоҳга иймон келтирмаган, пайғамбарларига ишонмаса, унинг амали солиҳ бўмаслигини баён қилди ва у ҳақида шундай деди:

وَقَدِمۡنَآ إِلَىٰ مَا عَمِلُواْ مِنۡ عَمَلٖ فَجَعَلۡنَٰهُ هَبَآءٗ مَّنثُورًا ﴿٢٣﴾.

«Ва қилган амалига келиб, уларни тўзон каби сочиб юборурмиз» [Фурқон: 23].

وُجُوهٞ يَوۡمَئِذٍ خَٰشِعَةٌ ﴿٢﴾ عَامِلَةٞ نَّاصِبَةٞ ﴿٣﴾ تَصۡلَىٰ نَارًا حَامِيَةٗ ﴿٤﴾.

«У Кунда (кофирларнинг) юзлари эгилиб қолгувчи. (Бўйин ва қўл-оёқлари кишан ва занжирларни судраш билан) меҳнат-машаққат чеккувчидир. (Улар) қизиган дўзахга кирур!» [Ғошия: 2-4]. Бу юзлар амал қилганидан чарчаган ва шу билан биргаликда қўрқув билан турибди. Чунки унинг амали Аллоҳнинг шариатига хилоф бўлганлиги ва залолатга тарғиб қилгувчиларга эргашганлиги сабабли Аллоҳ улар қилган амалларнинг борар жойини жаҳаннам қилди. Аллоҳнинг ҳузурида қабул бўлгувчи солиҳ амал Расулуллоҳ (алайҳи саломга) эргашилган амалдир! Қандай қилиб Аллоҳга куфр келтирган инсон, Аллоҳ уни яхшилик билан мукофотлашини умид қилиши мумкин?! Аллоҳ таоло бирор бир кимсанинг

иймонини токи пайғамбарларга иймон келтирмагунча ва хусусан, пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳи салом) га иймон келтурмагунча қабул қилмайди! Бунга тегишли оят ва ҳадислардан далилларни йигирманчи бобда зикр қилиб ўтдик! Аллоҳ таоло айтади: «Пайғамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага иймон келтирди ва мўминлар (ҳам иймон келтирдилар). Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига иймон келтирган ҳар бир киши (айтди):

ءَامَنَ ٱلرَّسُولُ بِمَآ أُنزِلَ إِلَيۡهِ مِن رَّبِّهِۦ وَٱلۡمُؤۡمِنُونَۚ كُلٌّ ءَامَنَ بِٱللَّهِ وَمَلَٰٓئِكَتِهِۦ وَكُتُبِهِۦ وَرُسُلِهِۦ لَا نُفَرِّقُ بَيۡنَ أَحَدٖ مِّن رُّسُلِهِۦۚ وَقَالُواْ سَمِعۡنَا وَأَطَعۡنَاۖ غُفۡرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيۡكَ ٱلۡمَصِيرُ ﴿٢٨٥﴾.

«Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз». Ва «Эшитдик ва итоат этдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат Ўзингга қайтажакмиз», - дедилар. [Бақара: 285].

يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓاْ ءَامِنُواْ بِٱللَّهِ وَرَسُولِهِۦ وَٱلۡكِتَٰبِ ٱلَّذِي نَزَّلَ عَلَىٰ رَسُولِهِۦ وَٱلۡكِتَٰبِ ٱلَّذِيٓ أَنزَلَ مِن قَبۡلُۚ وَمَن يَكۡفُرۡ بِٱللَّهِ وَمَلَٰٓئِكَتِهِۦ وَكُتُبِهِۦ وَرُسُلِهِۦ وَٱلۡيَوۡمِ ٱلۡأٓخِرِ فَقَدۡ ضَلَّ ضَلَٰلَۢا بَعِيدًا ﴿١٣٦﴾.

«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳга, Унинг Расулига, У Ўз Расулига туширган китобга ва бундан олдин туширган китобга иймон келтиринг. Ким Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига ва охират кунига куфр келтирса, батаҳқиқ, қаттиқ адашган бўлади» [Нисо: 136]. . Аллоҳ Пайғамбарлардан:

وَإِذۡ أَخَذَ ٱللَّهُ مِيثَٰقَ ٱلنَّبِيِّـۧنَ لَمَآ ءَاتَيۡتُكُم مِّن كِتَٰبٖ وَحِكۡمَةٖ ثُمَّ جَآءَكُمۡ رَسُولٞ مُّصَدِّقٞ لِّمَا مَعَكُمۡ لَتُؤۡمِنُنَّ بِهِۦ وَلَتَنصُرُنَّهُۥۚ قَالَ ءَأَقۡرَرۡتُمۡ وَأَخَذۡتُمۡ عَلَىٰ ذَٰلِكُمۡ إِصۡرِيۖ قَالُوٓاْ أَقۡرَرۡنَاۚ قَالَ فَٱشۡهَدُواْ وَأَنَا۠ مَعَكُم مِّنَ ٱلشَّـٰهِدِينَ ﴿٨١﴾.

«Сизларга китоб ва ҳикмат берганим учун кетингиздан сизлардаги нарсани тасдиқловчи Пайғамбар келганда, албатта,

унга иймон келтирасиз ва ёрдам берасиз, — деб аҳду паймонларини олиб туриб: — Иқрор бўлдингизми? Бу ҳақда ишончли аҳду паймонимни қабул қилдингизми?» - деганини эсла. Улар: «Иқрор бўлдик», – дейишди. У: «Бас, гувоҳ бўлинглар, мен ҳам гувоҳ бўлувчилардаnман», – деди. [Оли-Имрон: 81].

## 41- Барча рисолатларнинг мақсади инсонни улуғлаб, холис оламлар Парвардигори Аллоҳгагина банда қилиш ҳамда ўзи каби инсонга ёки моддага ё хурофотга банда бўлишдан озод этишдир. Бас, Ислом кўриб турганингиздек, шахсларни муқаддаслаштирмайди, худолаштирмайди, уларга ортиқча баҳо бериб юбормайди.

Ҳамма рисолатларнинг мақсади, инсонни улуғлаб, холис оламлар Парвардигори Аллоҳгагина банда қилиш ҳамда ўзи каби инсонга ёки моддага, ё хурофотга банда бўлишдан озод этишдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Динор ва дирҳамнинг қўли ҳалок бўлсин! Кийим ва латтанинг қули ҳалок бўлсин! Агар унга (мол дунё) берилса, рози бўлур, берилмаса рози бўлмас!» Саҳиҳ Бухорий 6435. Инсон фақат Аллоҳга эгилади. Молу дунё, ҳурмат-эътибор, мансаб ёки қавми

қариндошлар уни ўзига қул қилиб қўймайди. Шу муносабат билан ўқувчимизга инсонларнинг рисолатдан аввалги ва кейинги ҳолатларини баён қилиб берадиган қиссани эслаб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади! Исломнинг аввалидаги мусулмонлар Ҳабашистонга ҳижрат қилишгандан сўнг ўша вақтдаги Ҳабашистон подшоҳи Нажжоший мусулмонлардан сўради: «Сизлар шу сабабли қавмингизни тарк этган ва на менинг, ва на бошқа бировнинг динига кирмаган дин қандай дин ўзи?» Жаьфар ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу жавоб бердилар: «Эй подшоҳ! Биз жоҳилият қавми эдик, бут-санамларга сиғинар, ўлимтикни ер, фаҳш ишларни қилар, қариндош-уруғчиликни узар, қўшниларга озор берар эдик. Кучли инсон заифларнинг молини ер эди, биз шу тарзда ҳаёт кечирар эканмиз Аллоҳ таоло бизга ўзимиз танийдиган, насабини билган, ростгўйлиги ва омонатгўйлигига ишонган бир пайғамбар юбордик! У бизни ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишлигимизга, биз ва ота боболаримиз ибодат қилган Аллоҳдан ўзга тош ва буд санамларни тарк этишга, гапирганда ростгўй бўлишга, омонатни адо этишга, қариндош-уруғчиликни улашга, қўшниларга чиройли муомала қилишга, ҳаром ва қон тўкишдан тийилишга буюрди. Ва бизларни фаҳш ишлардан, тухмат қилишдан, етимнинг молини ейишдан ва покиза аёлларни зинода айблашдан тийди! Ва Аллоҳнинг ўзига ибодат қилиб, унга бирор нарсани шерик қилимасликка, намозни тўлиқ адо этишга, закотни чиқаришга ва рўза тутишликга буюрди! Ва бир нечта ислом амалларини санаб ўтдилар ва дедилар: Биз унга иймон келтирдик ва унга эргашдик. Аллоҳнинг ўзига, унга бирор нарсани шерик қилмасдан ибодат қилдик. Бизга ҳаром қилган нарсани ҳаром қилдик, бизга ҳалол қилган нарсани ҳалол қилдик!» Аҳмад: 1740. Кўриб турганингиздек, ислом дини

бирор бир кимсани ўзининг манзилатидан юқори кўтариб, уни илоҳ қилиб олмайди! Аллоҳ таоло айтади:

قُلْ يَٰٓأَهْلَ ٱلْكِتَٰبِ تَعَالَوْا۟ إِلَىٰ كَلِمَةٍ سَوَآءٍۭ بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمْ أَلَّا نَعْبُدَ إِلَّا ٱللَّهَ وَلَا نُشْرِكَ بِهِۦ شَيْـًٔا وَلَا يَتَّخِذَ بَعْضُنَا بَعْضًا أَرْبَابًا مِّن دُونِ ٱللَّهِ ۚ فَإِن تَوَلَّوْا۟ فَقُولُوا۟ ٱشْهَدُوا۟ بِأَنَّا مُسْلِمُونَ ﴿٦٤﴾.

Сиз: «Эй аҳли китоблар! Бизга ҳам, сизга ҳам баробар сўзга келинг: Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб, баъзимиз-баъзимизни Робб қилиб олмайлик»,-деб айтинг. Бас, агар юз ўгирсалар: «Гувоҳ бўлинглар, биз, албатта, мусулмонлармиз»,- деб айтинглар [Оли Имрон: 64].

وَلَا يَأْمُرَكُمْ أَن تَتَّخِذُوا۟ ٱلْمَلَٰٓئِكَةَ وَٱلنَّبِيِّـۧنَ أَرْبَابًا ۗ أَيَأْمُرُكُم بِٱلْكُفْرِ بَعْدَ إِذْ أَنتُم مُّسْلِمُونَ ﴿٨٠﴾.

«У сизларни фаришталар ва Пайғамбарларни илоҳ қилиб олишингизга буюрмас. У сизни мусулмон бўлганингиздан кейин куфрга буюрармиди?!» [Оли-Имрон: 80]. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Насронийлар Исо ибн Марямни улуғлаб кўкларга кўтаргани каби мени улуғламанглар! Мен фақатгина Аллоҳнинг қулиман. Мени фақатгина Аллоҳнинг қули ва пайғамбари денглар!» Саҳиҳ Бухорий. 3445.

## 42- Аллоҳ Исломда тавба қилишни шариатлаштирди. Тавба инсоннинг Парвардигорига қайтиб, илтижо қилиб, гуноҳни тарк этишидир. Ислом ўзигача бўлган гуноҳларни бекор қилганидек, тавба ҳам ўзидан олдинги

гуноҳларни ўчириб юборади. Шу билан инсоннинг ўзи каби бир инсон олдида қилган гуноҳларини эътироф этишига ҳожат қолмайди.

Аллоҳ таоло Исломда тавба қилишни шариатлаштирди. Тавба инсоннинг Парвардигорига қайтиб, илтижо қилиб, гуноҳни тарк этишидир. Аллоҳ таоло айтади:

وَتُوبُوٓاْ إِلَى ٱللَّهِ جَمِيعًا أَيُّهَ ٱلْمُؤْمِنُونَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٣١﴾.

«Барчаларингиз Аллоҳга тавба қилинглар, эй мўминлар! Шоядки (шунда), нажот топсангизлар» [Нур: 31].

أَلَمْ يَعْلَمُوٓاْ أَنَّ ٱللَّهَ هُوَ يَقْبَلُ ٱلتَّوْبَةَ عَنْ عِبَادِهِۦ وَيَأْخُذُ ٱلصَّدَقَٰتِ وَأَنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلتَّوَّابُ ٱلرَّحِيمُ ﴿١٠٤﴾.

«Улар, албатта, Аллоҳ Ўз бандаларидан тавбани қабул қилишини ва садақаларни олишини ва, албатта, Аллоҳнинг Ўзи тавбаларни кўплаб қабул қилгувчи ва раҳмли Зот эканини билмасларми?» [Тавба: 104].

وَهُوَ ٱلَّذِى يَقْبَلُ ٱلتَّوْبَةَ عَنْ عِبَادِهِۦ وَيَعْفُواْ عَنِ ٱلسَّيِّـَٔاتِ وَيَعْلَمُ مَا تَفْعَلُونَ ﴿٢٥﴾.

«Унинг Ўзи бандаларидан тавбани қабул қилур, гуноҳларини афв этур ва нима қилаётганингизни билур» [Шўро: 25]. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло бандасининг қилган тавбасидан, саҳрода туяси билан кетаётган, туясининг устида таоми ва суви бўлган, сўнгра дам олишлик учун пастга тушиб, ухлаб қолган, қайтиб уйғонганда эса туясини йўқотиб қўйган, туясидан умиди узилиб йўқотган жойига қайтиб

келиб ўлими келгунча кутиб турган ва кўзини очганда туяси, устида таоми ва суви билан бирганликда турганини кўриб суюнган одамдан ҳам кўпроқ хурсанд бўлади». Саҳиҳ Муслим 2744.

Ислом динини қабул қилиш ундан олдинги гуноҳларни барчасини синдиради. Тавба ҳам ўзидан олдинги гуноҳларни қирқади! Аллоҳ таоло айтади:

قُل لِّلَّذِينَ كَفَرُوٓاْ إِن يَنتَهُواْ يُغْفَرْ لَهُم مَّا قَدْ سَلَفَ وَإِن يَعُودُواْ فَقَدْ مَضَتْ سُنَّتُ ٱلْأَوَّلِينَ ﴿٣٨﴾.

«(Эй Муҳаммад алайҳис-салоту вас-салом), кофир бўлган кимсаларга айтингки, агар (кофирликларидан) тўхтасалар, ўтган гуноҳлари мағфират қилинур. Агар яна (кофирликка) қайтсалар, у ҳолда аввалгиларининг суннатлари (яъни кўргуликлари) ўтган-ку, (яъни, уларнинг ҳам бошларига аввалги кофирларнинг куни тушар)» [Анфол: 27]. Аллоҳ таоло насороларни тавба қилишга чақирди:

أَفَلَا يَتُوبُونَ إِلَى ٱللَّهِ وَيَسْتَغْفِرُونَهُۥ ۚ وَٱللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٧٤﴾.

«Аллоҳга тавба қилиб, унга истиғфор айтмайдиларми?! Зотан, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли Зотдир» [Моида: 74]. Аллоҳ таоло барча осий ва гуноҳкор бандаларини тавба қилишликларига рағбатлантирди:

قُلْ يَا عِبَادِيَ الَّذِينَ أَسْرَفُوا عَلَى أَنْفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا مِنْ رَحْمَةِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ

«Сиз (Менинг тарафимдан): «Эй, ўз жонларига исроф (жавр) қилган бандаларим, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират этар. Албатта, Унинг Ўзи ўта мағфиратли ва ўта раҳмли Зотдир», деб айтинг» [Зумар:

53]. Амр ибн Ос исломга киришга аҳд қилганларида исломдан аввалги гуноҳлари кечирилмаслигидан қўрқдилар. Бу ҳақида Амр ибн Ос шундай дейдилар: «Аллоҳ таоло қалбимга мусулмон бўлишликни солгандан сўнг Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат беришлик учун келдим ва дедим: «Ё Расулуллоҳ менинг аввалги гуноҳларимни кечирмагунингизга қадар сизга байьат бермайман». Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Амр, ҳижрат ўзидан аввалги гуноҳларни қирқишини билмайсанми? Эй Амр, ислом ўзидан аввалги гуноҳларни қирқишини билмайсанми?» - дедилар. Саҳиҳ Муслим: 121. Аҳмад: 17827.

## 43- Исломда инсон билан Аллоҳ ўртасидаги алоқа бевосита бўлади. Аллоҳ билан боғланиш учун бирон воситачига муҳтож бўлмайсиз. Ислом инсон зотини худо қилиб олишни ёки уни илоҳликда ё Роббликда Аллоҳга шерик қилишни ман этади.

Ислом дини инсонни ўзи каби бир инсоннинг олдида гуноҳларини эьтироф этишига ҳожат йўқ. Ислом динида Аллоҳ ва бандасининг ўртасидаги алоқа бевоситадир. Сиз Аллоҳ билан ўртангизда бирорта воситачи бўлишига муҳтож эмассиз! 36-бобда айтганимиздек, Аллоҳ таоло барча инсонларни тавба қилишликка чақирди ва шу билан биргаликда пайғамбар ва

фаришталарни ўртага воситачи қилиб олинишидан ҳам қайтарди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَلَا يَأۡمُرَكُمۡ أَن تَتَّخِذُواْ ٱلۡمَلَٰٓئِكَةَ وَٱلنَّبِيِّـۧنَ أَرۡبَابًاۗ أَيَأۡمُرُكُم بِٱلۡكُفۡرِ بَعۡدَ إِذۡ أَنتُم مُّسۡلِمُونَ ﴿٨٠﴾﴾.

«У сизларни фаришталар ва Пайғамбарларни илоҳ қилиб олишингизга буюрмас. У сизни мусулмон бўлганингиздан кейин куфрга буюрармиди?!» [Оли-Имрон: 80]. Кўриб турганингиздай, ислом дини инсонларни илоҳ қилиб олишлигимиздан ёки уларни Аллоҳга рубубиятида ёки улуҳиятида шерик қилишимиздан қайтарган. Аллоҳ таоло насронийлар ҳақида шундай деди:

﴿ٱتَّخَذُوٓاْ أَحۡبَارَهُمۡ وَرُهۡبَٰنَهُمۡ أَرۡبَابًا مِّن دُونِ ٱللَّهِ وَٱلۡمَسِيحَ ٱبۡنَ مَرۡيَمَ وَمَآ أُمِرُوٓاْ إِلَّا لِيَعۡبُدُوٓاْ إِلَٰهًا وَٰحِدًاۖ لَّآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَۚ سُبۡحَٰنَهُۥ عَمَّا يُشۡرِكُونَ ﴿٣١﴾﴾.

«Улар Аллоҳни қўйиб, ўзларининг ҳибр ва роҳибларини ҳамда Масийҳ ибн Марямни Робб тутдилар. Улар фақат битта илоҳдан бошқага ибодат қилмасликка амр қилинган эдилар. Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. У зот улар ширк келтираётган нарсадан покдир» [Тавба: 31]. Ва кофирларни Аллоҳ ва ўзларининг ўрталарида бирор нарсани ўртамчи қилиб олганликларини инкор қилди (тўғри эмаслигини айтди). Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَلَا لِلَّهِ ٱلدِّينُ ٱلۡخَالِصُۚ وَٱلَّذِينَ ٱتَّخَذُواْ مِن دُونِهِۦٓ أَوۡلِيَآءَ مَا نَعۡبُدُهُمۡ إِلَّا لِيُقَرِّبُونَآ إِلَى ٱللَّهِ زُلۡفَىٰٓ إِنَّ ٱللَّهَ يَحۡكُمُ بَيۡنَهُمۡ فِي مَا هُمۡ فِيهِ يَخۡتَلِفُونَۗ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهۡدِي مَنۡ هُوَ كَٰذِبٞ كَفَّارٞ ﴿٣﴾﴾.

«Огоҳ бўлингким, холис дин Аллоҳникидир. Ундан ўзга авлиё (дўстлар) тутганлар: «Биз уларга фақат бизларни Аллоҳга жуда ҳам яқин қилишлари учунгина ибодат қилурмиз», (дерлар). Албатта, У зот улар орасида ихтилоф этаётган нарсалари бўйича ҳукм қилур. Албатта, Аллоҳ ёлғончи ва кофир кимсаларни ҳидоят қилмас» [Зумар: 3]. Аллоҳ таоло жоҳилият давридаги буд

санамга сиғинадиганлар Аллоҳ ва ўзлари ўрталарида воситачиларни қўйиб олиб, улар бизни Аллоҳга яқинлаштирадилар деб айтишларини баён қилди. Агар Аллоҳ таоло пайғамбар ва фаришталарни ўртага воситачи қилишликдан тўсган бўлса улардан бошқалари тийилишликка ҳақлироқдир! Пайғамбарлар Аллоҳга яқинлаштирувчи амалларга шошилувчи бўлганлар. Аллоҳ таоло пайғамбарларининг ҳоли ҳақида шундай дейди:

إِنَّهُمْ كَانُوا۟ يُسَـٰرِعُونَ فِى ٱلْخَيْرَٰتِ وَيَدْعُونَنَا رَغَبًا وَرَهَبًا ۖ وَكَانُوا۟ لَنَا خَـٰشِعِينَ﴿٩٠﴾.

«Дарҳақиқат, улар (яъни, мазкур пайғамбарлар) яхши ишларни қилишга шошар ва Бизга рағбат ва қўрқув билан дуо-илтижо қилар эдилар. Улар Бизга таъзим-итоат қилгувчи эдилар» [Анбиё: 90].

أُو۟لَـٰٓئِكَ ٱلَّذِينَ يَدْعُونَ يَبْتَغُونَ إِلَىٰ رَبِّهِمُ ٱلْوَسِيلَةَ أَيُّهُمْ أَقْرَبُ وَيَرْجُونَ رَحْمَتَهُۥ وَيَخَافُونَ عَذَابَهُۥٓ ۚ إِنَّ عَذَابَ رَبِّكَ كَانَ مَحْذُورًا﴿٥٧﴾.

«Улар (илоҳ деб) илтижо қиладиган ўша кимсаларнинг ўзлари ҳам Парвардигорга қай бирлари яқинроқ бўлиш учун йўл излар. У зотнинг раҳмат-марҳаматидан умидвор бўлурлар, азобидан қўрқурлар. Парвардигорингизнинг азоби қўрқинчлидир» [Исро: 57]. Яьни сизлар Аллоҳни қўйиб уларга дуо қилаётган  кимсалар (пайғамбарлар, солиҳ кишилар) улар ўзлари Аллоҳга ибодат қилурлар, унинг раҳматидан умидвор бўлурлар ва азобидан қўрқурлар! Қандай қилиб Аллоҳнинг ўрнига дуо қилинишликлари мумкин?!

# 44- Ушбу рисоламиз сўнгида инсонлар ўзларининг замонлари,

маконлари, шаҳарлари, жамиятлари, фикрлари ва мақсадлари ҳар турли бўлишига қарамай, бир йўлбошчига, уларнинг қўлларидан тутиб ҳидоятга элтувчига, уларни бир қилиб турувчи қонунларга ва уларни ҳимоя қилгувчи ҳокимга  муҳтождирлар.
Пайғамбарлар Аллоҳнинг ваҳийи ила инсонларни бошқарар,уларни яхшилик йўлига етаклар ва Аллонинг шариатининг устида жамлар эдилар. Уларнинг ўрталарида ҳақ ила ҳукм қилганликлари сабабидан ва пайғамбарларнинг буйруқларига итоат этганликлари сабабидан уларнинг ишлари ривожини топди. Аллоҳ таоло барча пайғамбарларнинг рисолатларини Расулуллоҳ (алайҳи салом) нинг рисоласи билан якунлади.

## Ва бу рисолатни қиёматга қадар қоладиган инсонлар учун нур, ҳидоят, раҳмат қилиб қўйди!

Ушбу рисоламиз сўнгида инсонлар ўзларининг замонлари, маконлари, шаҳарлари, жамиятлари, фикрлари ва мақсадлари ҳар турли бўлишига қарамай, бир йўлбошчига, уларнинг қўлларидан тутиб ҳидоятга элтувчига, уларни бир қилиб турувчи қонунларга ва уларни ҳимоя қилгувчи ҳокимга муҳтождирлар. Пайғамбарлар Аллоҳнинг ваҳийи ила инсонларни бошқарар,уларни яхшилик йўлига етаклар ва Аллоҳ шариатининг устида жамлар эдилар. Уларнинг ўрталарида ҳақ ила ҳукм қилганликлари сабабидан ва пайғамбарларнинг буйруқларига итоат этганликлари сабабидан уларнинг ишлари ривожини топди. Ер юзини залолат қоронғулиги қоплаган, жаҳолат кенг ёйилган, бут-санамларга ибодат қилинган бир вақтда Аллоҳ таоло инсонларни куфр, жаҳолат ва бутпарастлик зулматидан иймон нурига чиқаришлик учун Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар қилиб юборди!

## 45- Шунинг учун, эй инсон, сенга даъватим шуки, тақлидлардан, урф-одатлардан четланиб, холис Аллоҳ учун содиқ бўл. Шуни билки, ўлганингдан кейин Парвардигоринг даргоҳига қайтасан. Ўзинг ҳақингда,

атрофингдаги уфқлар ҳақида фикр юрит ва мусулмон бўл. Шунда дунё ва охират саодатига эришасан. Исломга кириш учун Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбари деб гувоҳлик беришинг, ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилиб, бошқа бутларга банда бўлишдан бош тортинг, Аллоҳ қабрлардаги ўликларни қайта тирилтиришига, ҳисоб-китоб ва жазо ёки мукофот ҳақ эканига иймон келтиришинг кифоя. Мана шундай гувоҳлик берганингдан кейин мусулмонга айланасан. Ундан кейин Аллоҳга У Зотнинг Ўзи буюрган намоз, рўза, закот каби амаллар орқали бандалик қилишинг ҳамда қодир бўлсанг, ҳаж қилишинг лозим бўлади.

Шунинг учун, эй инсон, сенга даъватим шуки, тақлидлардан, урф-одатлардан четланиб, холис Аллоҳ учун содиқ бўл. Аллоҳ таоло сени ушбу сўзида чақиргани каби:

۞ قُلْ إِنَّمَآ أَعِظُكُم بِوَٰحِدَةٍۖ أَن تَقُومُواْ لِلَّهِ مَثْنَىٰ وَفُرَٰدَىٰ ثُمَّ تَتَفَكَّرُواْۚ مَا بِصَاحِبِكُم مِّن جِنَّةٍۚ إِنْ هُوَ إِلَّا نَذِيرٌ لَّكُم بَيْنَ يَدَىْ عَذَابٍ شَدِيدٍ﴿٤٦﴾.

Сиз: «Мен сизга биргина насиҳат қилурман: Аллоҳ учун холис, якка-якка ва тўп-тўп туриб бир фикр юритиб кўринглар. Соҳибингизда жинга оид ҳеч нарса йўқ. У сизларга шиддатли азобдан олдинги огоҳлантиргувчи, холос», - деб айтинг [Сабаъ: 46]. «Шуни билки, ўлганингдан кейин Парвардигоринг даргоҳига қайтасан. Аллоҳ таоло айтади:

وَأَن لَّيْسَ لِلْإِنسَٰنِ إِلَّا مَا سَعَىٰ﴿٣٩﴾وَأَنَّ سَعْيَهُۥ سَوْفَ يُرَىٰ﴿٤٠﴾ثُمَّ يُجْزَىٰهُ ٱلْجَزَآءَ ٱلْأَوْفَىٰ﴿٤١﴾وَأَنَّ إِلَىٰ رَبِّكَ ٱلْمُنتَهَىٰ﴿٤٢﴾

«Ҳар бир инсонга ўз қилганидан бошқа нарса йўқ. Ва, албатта, унинг қилмиши тезда кўринур. Сўнгра жазо ёки мукофоти тўлиқ берилур. Ва, албатта, интиҳо Роббинг ҳузуридадир» [Нажм: 39-42]. Ўзинг ҳақингда, атрофингдаги уфқлар ҳақида фикр юрит! Аллоҳ таоло айтади:

أَوَلَمْ يَنظُرُواْ فِى مَلَكُوتِ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَمَا خَلَقَ ٱللَّهُ مِن شَىْءٍ وَأَنْ عَسَىٰٓ أَن يَكُونَ قَدِ ٱقْتَرَبَ أَجَلُهُمْۖ فَبِأَىِّ حَدِيثٍۭ بَعْدَهُۥ يُؤْمِنُونَ﴿١٨٥﴾

«Осмонлару ернинг мулкларига, Аллоҳ яратган нарсаларга ва, ажаб эмаски, ажаллари яқинлашиб қолган бўлишига назар солмайдиларми? Бундан кейин яна қайси гапга ишонадилар?!» [Аъроф: 185]. Мусулмон бўл! Шунда дунё ва охират саодатига эришасан. Исломга кириш учун Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбари деб гувоҳлик беришинг кифоядир! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Муоз ибн

Жабални Яманга юбораётган вақтларида шундай дедилар: «(Эй Муоз) Албатта сиз, аҳли китоб бўлган қавмга йўл олмоқдасиз! Бас, уларни чақирган биринчи ишингиз Аллоҳнинг ягона ибодатга лойиқ зот ва Муҳаммад (алайҳи салом) Аллоҳнинг пайғамбарлигига гувоҳлик беришлари бўлсин! Агар улар сизга бу ишда итоат қилишса, уларга Аллоҳ таоло бир кун ва бир тунларида беш маҳал намозни фарз қилганини айтинг. Агар бу ишни ҳам қилишса уларга Аллоҳ таоло бойларидан олиниб, фақирларига бериладиган закотни фарз қилганини айтинг! Агар бунга ҳам итоат қилишса, молларининг энг яхшисини олишдан тийилинг!» Саҳиҳ Муслим 19. Аллоҳдан ўзга дуо қилинадиган ширклардан пок бўл! Аллоҳдан ўзга дуо қилинадиган шериклардан пок бўлишлик Иброҳим (алайҳи салом) нинг ҳанийф[1] йўлидир! Аллоҳ таоло айтади:

قَدْ كَانَتْ لَكُمْ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ فِىٓ إِبْرَٰهِيمَ وَٱلَّذِينَ مَعَهُۥٓ إِذْ قَالُوا۟ لِقَوْمِهِمْ إِنَّا بُرَءَٰٓؤُا۟ مِنكُمْ وَمِمَّا تَعْبُدُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ كَفَرْنَا بِكُمْ وَبَدَا بَيْنَنَا وَبَيْنَكُمُ ٱلْعَدَٰوَةُ وَٱلْبَغْضَآءُ أَبَدًا حَتَّىٰ تُؤْمِنُوا۟ بِٱللَّهِ وَحْدَهُۥٓ إِلَّا قَوْلَ إِبْرَٰهِيمَ لِأَبِيهِ لَأَسْتَغْفِرَنَّ لَكَ وَمَآ أَمْلِكُ لَكَ مِنَ ٱللَّهِ مِن شَىْءٍ ۖ رَّبَّنَا عَلَيْكَ تَوَكَّلْنَا وَإِلَيْكَ أَنَبْنَا وَإِلَيْكَ ٱلْمَصِيرُ ﴿٤﴾

«Сизлар учун Иброҳим ва у билан бирга бўлган кишиларда (уларнинг кофирларга қилган муносабатларида) гўзал намуна бордир. Эслангиз, улар ўз қавмларига: «Дарҳақиқат, бизлар сизлардан ва сизлар Аллоҳни қўйиб ибодат қилаётган бутларингиздан безормиз. Бизлар сизлар (ишониб, «ибодат» қилаётган бут-санамлар)ни инкор этдик. Токи сизлар ёлғиз Аллоҳга иймон келтиргунларингизча, сизлар билан бизнинг ўртамизда мангу адоват ва ёмон кўриш зоҳирдир», - дедилар [Мумтаҳана: 4]. Аллоҳ таоло, қабрда ётган инсонларни қиёмат кунида қайтадан тирилтиришлигига иймон келтир! Аллоҳ таоло айтади:

﴿ذَٰلِكَ بِأَنَّ ٱللَّهَ هُوَ ٱلْحَقُّ وَأَنَّهُۥ يُحْيِ ٱلْمَوْتَىٰ وَأَنَّهُۥ عَلَىٰ كُلِّ شَىْءٍ قَدِيرٌ﴿٦﴾ وَأَنَّ ٱلسَّاعَةَ ءَاتِيَةٌ لَّا رَيْبَ فِيهَا وَأَنَّ ٱللَّهَ يَبْعَثُ مَن فِى ٱلْقُبُورِ﴿٧﴾

«Бу (ҳолат)лар кўрсатадики, албатта, Аллоҳ ҳақ Зотдир ва, албатта, У ўликларни тирилтиради ҳамда У ҳар бир нарсага қодирдир. Ва, албатта, соат (қиёмат) келгувчидир, бунга шубҳа йўқ. Ва, албатта, Аллоҳ қабрлардаги кимсаларни тирилтирур» [Ҳаж: 6-7]. Қиёматдаги ҳисоб китоб ҳақ эканлигига иймон келтир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَخَلَقَ ٱللَّهُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ بِٱلْحَقِّ وَلِتُجْزَىٰ كُلُّ نَفْسٍۭ بِمَا كَسَبَتْ وَهُمْ لَا يُظْلَمُونَ﴿٢٢﴾

«Аллоҳ осмонлару ерни ҳақ ила, ҳар бир жон қилган касбига яраша, зулм қилинмаган ҳолида жазоси (ажри)ни олиши учун яратган» [Жосия: 22].

Агар мана шу зикр қилинган нарсаларга иймон келтирсанг, дарҳақиқат, сен мусулмон бўлдинг! Энди эса Аллоҳ сенга буюрган ибодатларни, намозни, закотни, рўзани ва қудратинг етса ҳаж амалини тўкис адо қилгин!

**1441-11-19 санадаги нусха**


**Муаллиф: Устоз доктор Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Саҳим**

**Исломий дарслар бўлимида ақида фанидан дарс берадиган (собиқ) устоз.**

**Подшоҳ Сауд университети, тарбия факултети.**

**Риёз, Саудия Арабистони**

# Indeks

## نبذة موجزة عن الإسلام (نسخة مشتملة على الأدلة)

# ننشر الإسلام بأكثر من 100 لغة